

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси
“Араб мамлакатлари иқтисодиёти” фанидан маърузалар тўплами

Тузувчи: ўқитувчи Зуфар Мушаррапов

Тошкент-2008 йил

Мундарижа.

№	Мавзунинг номи	Саҳифаси
1	Араб мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг натижалари ва истиқболи.	4

Режа:

- 1. Иқтисодий интеграция ва иқтисодий уюшмалар ҳақида тушунча.**
- 2. Араб мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг юзага келиши ҳақида умумий тасниф.**
- 3. Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК).**
- 4. Нефт экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти (ОАПЕК).**
- 5. Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик ташкилоти (КАДҲК).**
- 6. Ислом ривожланиш банки.**
- 7. Ислом конференцияси ташкилоти.**
- 8. Ислом кемачилик ташкилотлари ассоциацияси (ОАИС).**

2	Маъруза-2. Мавзу: Мағриб араб давлатларининг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.	21
----------	---	-----------

Режа:

- 1. Араб мағриби иттифоқи(АМИ) ташкилоти ҳақида.**
- 2. Мағриб араб давлатларининг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.**

3. Мағриб араб давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболи.

3 Маъруза-3. Мавзу: Саудия Арабистони подшоҳлиги 38

РЕЖА:

- 1. Саудия Арабистонининг иқтисодий-географик жойлашуви ҳақида умумий тушунча.**
- 2. Саудия Арабистони иқтисодиётида нефт ва газ ресурсларининг ўрни.**
- 3. Саудия Арабистонида саноатни диверсификация қилиш жараёни.**
- 4. Саудия Арабистонининг молия ва савдо тузилмаси.**
- 5. Саудия Арабистонининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели.**
- 6. Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар.**

4 Маъруза – 4. Мавзу: Миср Араб Республикасида ишсизлик ҳолати ва бандлик сиёсати. 53

Режа:

- 1. Мисрдаги меҳнат бозорининг ҳолати ва кўрсаткичлари.**
- 2. Мисрда меҳнат имкониятларини яратиш ва ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг стратегик томони.**
- 3. Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари.**

5 Маъруза-5. Мавзу: Араб мамлакатларидаги демографик ҳолат таҳлили. 65

6 Маъруза-6. Мавзу: Ливан ташқи савдосининг 72

ҳолати

7 Маъруза-7. Мавзу: Бирлашган Араб Амирликлари 75

Режа:

- 1. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисоди ҳақида умумий тушунча.**
- 2. Бирлашган Араб Амирликлари қишлоқ хўжалиги.**
- 3. Бирлашган Араб Амирликларида эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.**

8 Маъруза-8. Мавзу: Бахрейн давлати 79

Режа:

- 1. Бахрейн иқтисоди ҳақида умумий тушунча.**
- 2. Бахрейн ташқи савдоси.**
- 3. Бахрейн оффшор зонаси.**

9 Маъруза-9. Мавзу: Марокашдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичлари. 84

РЕЖА:

- 1. Мамлакат иқтисодий-географик ҳолати.**
- 2. Марокашнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.**
- 3. Мамлакат саноатининг ривожланиши.**
- 4. Мамлакат ташқи савдоси.**
- 5. Мамлакат иқтисодий ривожланишида хорижий саромояларнинг ўрни.**

Маъруза-1. Мавзу: Араб мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг натижалари ва истиқболи.

Режа:

- 1. Иқтисодий интеграция ва иқтисодий уюшмалар ҳақида тушунча.**
- 2. Араб мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг юзага келиши ҳақида умумий тасниф**
- 3. Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК).**
- 4. Нефт экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти (ОАПЕК).**
- 5. Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик ташкилоти (КАДҲК).**
- 6. Ислом ривожланиш банки.**
- 7. Ислом конференцияси ташкилоти.**
- 8. Ислом кемачилик ташкилотлари ассоциацияси (ОАИС).**

1. Иқтисодий интеграция ва иқтисодий уюшмалар ҳақида тушунча.

Иқтисодий интеграция нима?

Иқтисодий интеграция мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий таъсир жараёни бўлиб, у халқаро шартномалар асосида ва халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинувчи хўжалик юритиш усулидир.

Интеграциянинг юзага келишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

1. Интеграцияга қўшилувчи мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг яқинлиги;
2. Ушбу мамлакатларнинг географик жихатдан яқинлиги;
3. Мамлакатлар олдида турган иқтисодий ривожланиш, молиявий, сиёсий муаммоларнинг умумийлиги;
4. “Кўз-кўз қилиш” самараси;

5. “Домино” самараси (бир-бирини чақириш);

Интеграциянинг аҳамияти

- Масштабни тежаш;
- Ташқи иқтисодий-сиёсий муҳитнинг яхшиланиши;
- Савдо сиёсатининг яхшиланиши;
- Иқтисодий таркибнинг ўзгариши учун ёрдам беради (Масалан, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш)

Интеграция қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Савдо шартномаларини тузиш.
2. Эркин савдо минтақаларини ташкил этиш.
3. Божхона иттифоқини тузиш.
4. Умумий бозор.
5. Иқтисодий иттифоқ (валюта муносабатлари, бюджетни мувофиқлаштириш ва ҳ.к.).
6. Сиёсий иттифоқ.

Иқтисодий уюшма нима?

Турли мамлакатларни битим асосида маълум иқтисодий алоқаларни (валюта, кредит, солиқ, транспорт, товар ва ҳ.к.) ўзаро олиб бориш мақсадида тузилган уюшма иқтисодий уюшма дейилади.

Иқтисодий уюшма шу уюшманинг умумий принциплари ва йўналишини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжат асосида ўз фаолиятини олиб боради. Бу ҳужжат ҳар бир аъзо мамлакат томонидан имзоланиб, низом, декларация ёки битим тарзида бўлади.

2. Араб мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг юзага келиши ҳақида умумий тасниф.

Араб мамлакатлари ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш борасида дастлабки уринишлар иккинчи жаҳон урушидан сўнг юзага кела бошлади. Ундаги асосий ғоя баъзи бир араб мамлакатларининг Ғарб мамлакатлари мустамлакасида озод қилишдан, ўзаро интеграцияга эришишдан иборат эди. Бундай интеграция юзага келишида асосий эътибор уларнинг этник жиҳатдан умумийлиги, яъни араб миллатига мансублиги, тарихий, маданий ва диний жиҳатдан ўхшашлиги ва ушбу мамлакатлардаги аҳоли араб тилида сўзлашлигига қаратилган. Ушбу омиллар интеграцияни юзага келтиришни тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг юзага келишига яна бир муҳим омил нефт экспортидан тушаётган даромадлар ҳам туртки берган. Чунки ушбу даромадлар кўпаймасидан аввал турли хил келишувлар, битимлар фақат қоғоздагина қолиб кетар эди. Масалан, ягона божхона тарифини қўллаш, умумий бозорни юзага келтириш ва бошқалар.

Лекин ҳанузгача шундай бир барқарор интеграция мавжуд эмас. Чунки, биринчидан, ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши бир хил эмас, иккинчидан, сиёсий барқарорлик ҳамма араб мамлакатларида турлича. Учинчидан, ижтимоий қарашлар мутаносиб эмас.

Аммо шунга қарамай араб мамлакатларининг интеграциясига туртки берувчи бир қанча иқтисодий уюшмалар юзага келди.

Шундай иқтисодий ҳамкорлик ўз самарасини бериб, турли араб компаниялари томонидан бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, “Кемасозлик бўйича Араб компанияси” Бахрейнда 500 минг тоннагача бўлган танкерни қабул қилувчи курук док (кема киритилгандан кейин суви чиқариб ташланадиган кемалар тузатиладиган корхоналар)ни қуриб, кемалар таъмири билан ҳам шуғулланади. “Нефт соҳасига хизмат кўрсатиш борасидаги Араб компанияси” Жазоир, БАА ва Бахрейнда газни сиқиб чиқарувчи ва

тозаловчи корхоналарни куришда, Катарда нефт химия мажмуасини барпо этишда, Уммонда нефт казиб олишни молиялаштиришда, “Жазоир миллий кemasозлик компанияси”га танкерлар етказиб беришда иштирок этган. Бундан ташқари «Араб тоғ-кон компанияси» Иорданияда фосфоритлар, Яманда гипс ва дала шпати, Мавританияда темир рудасини казиб олишда фаоли иштирок этган. Шу билан бирга “Темир йўл вагонларини йиғиш бўйича Араб компанияси”, “Араб металлургия компанияси”, “Фармацевтика препаратлари ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича Араб компанияси” ва бошқа компаниялар ҳам фаолият олиб борган.

Шундай қилиб 90-йиллар бошига келиб араб минтақасида араб мамлакатлари ўртасида ишлаб чиқариш компанияларини бир қанча тармоқлари самарали фаолият кўрсатган бўлиб, кўпгина араб мамлакатларини ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдаги манфаатдорлиги янада ошди. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, оддий ҳамкорликдан ишлаб чиқариш соҳаларидаги интеграцияга босқичма-босқич ўтилиши араб мамлакатлари ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларга қарамай истикболда ушбу компаниялар фаолиятини давом эттирилишини маълум бир жиҳатдан кафолатлайди. Маълумки, Форс кўрфазидаги инқироздан кейин йирик нефт экспорт қилувчи мамлакатларни умумараб лойиҳаларига бўлган эътиборининг сусайиши сабабли араб мамлакатлари ўртасидаги турли иқтисодий ташкилотлар фаолияти пасайди, лекин уларни тўла ишдан чиқармади.

3. Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК).

ОПЕК жаҳон бозорига нефт ва газ етказиб берувчи 12та ривожланаётган мамлакатларни ўз ичига олади: Эрон, Ироқ, Кувейт, Саудия Арабистони, Венесуэла, Катар (1961), Индонезия (1962), Ливия (1962), Бирлашган Араб Амирликлари (1967), Жазоир (1969), *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

Нигерия (1971) ва Габон (1974). 1992 йилгача шунингдек Эквадор ҳам унинг аъзоси бўлиб, шу йили ушбу ташкилот аъзолигидан чиққан.

Жаҳон нефт бозорига келаётган суяқ ёқилғининг 90%дан зиёди ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар хиссасига тўғри келади. Шунинг эътиборга сазоворки, ташкилотга аъзо 13 мамлакатнинг еттитаси араб мамлакатлари бўлиб, бу араб мамлакатларининг жаҳон нефт бозоридаги асосий йўналишларни белгилашда юқори маъқеининг эътиборини таъминлайди.

ОПЕКнинг ташкил этилиши кўп жиҳатдан 70-йиллар бошларидаёқ ўша вақтнинг капиталистик дунёсидаги жаҳон нефт захираларининг тахминан 70 фоизини ўз назоратида ушлаб турган халқаро нефт картеллари ҳисобланувчи йирик нефт монополиялари уюшмасидан асосий нефт ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва талабларини ҳимоя қилиш лозимлиги назарда тутилган. 1928 йилдаёқ ташкил этилган картел таркибига еттита монополиялар кирган бўлиб, улардан бештаси Америка ширкатлари ҳисобланади: “Эксон”, “Тексако”, “Стандарт ойл Компани оф Калифорния”, “Мобил ойл” ва “Галф Ойл”, бири Англияники “Бритиш Петролеум Компани” ва яна бири Англия-Голландияники “Шелл”.

1960 йил сентябрида Ироқ ҳукумати ташаббуси билан Бағдодда ОПЕКнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Бу ташкилотнинг биринчи аъзолари ва асосчилари бўлиб бешта давлат – Эрон, Ироқ, Кувейт, Саудия Арабистони ва Венесуэла ҳисобланади. Ушбу таъсис конференциясида нефт нархи бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш ва ўз қизиқишларини биргаликда ҳимоя қилиш учун энг мақбул услубларни қўллаш ҳақидаги ташкилот асосчилари ўртасидаги келишув асосий ҳал қилинган масалалардан бўлди. Халқаро сиёсий-иқтисодий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишдаги ОПЕК ташкилотининг обрў ва таъсирининг ўсиши натижасида унга Катар (1961), Индонезия ва Ливия (1962), Абу Даби (1967), Жазоир (1969), Нигерия (1971), Эквадор (1973) ва Габон (1974) кирди. Нефтни қазиб

олиш ва уни жаҳон бозорида сотиш масаласи бўйича аъзо мамлакатларнинг нарх сиёсатини мувофиқлаштириш ва бир хиллаштириш ташкилотнинг асосий мақсади қилиб белгиланди.

ОПЕКнинг штаб-квартираси дастлаб Женевада жойлашган бўлиб, 1961 йил 21 январдан 1966 йил августгача фаолият кўрсатди. Сўнгра эса Венага кўчди. Мамлакатлар анловида асосий эътибор ушбу мамлакатларнинг ҳалқаро муносабатларда олиб бораётган нейтрал(бетараф) сиёсатига қаратилади.

8-моддага мувофиқ нефт экспорт қилиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай мамлакат ташкилот аъзоси бўлиши ва шундай нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда уни тарқ этиши мумкин. Ташкилот тарихида шундай ҳуқуқдан 1992 йили ОПЕКдан чиққан Эквадор иккинчи бор фойдаланди.

Ташкилот ривожланиш тарихида 1968 йилда бўлиб ўтган 16-конференция муҳим ўрин эгаллаб, фаолиятининг охирида «Аъзо мамлакатлар сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида баёнот» номи остида резолюция(қарор) қабул қилинди. Кейинчалик у ОПЕК фаолиятининг дастури бўлиб хизмат қилди.

ОПЕК тузилмаси унинг 1961 йилги иккинчи конференциясида қабул қилинган Низом асосида белгиланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ОПЕКнинг олий органи бир йилда икки марта ташкил этилувчи унинг конференцияси ҳисобланади. У ташкилотнинг асосий нефт сиёсати йўналишларини ишлаб чиқади, уни амалга ошириш йўллари ва услубларини аниқлайди, ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш масаласини ҳал этади, Низомдаги ўзгаришларни тасдиқлайди, бош қотиб ва бошқа мансабдор шахсларни сайлайди. ОПЕКнинг ижроия комитети конференция қарорлари бажарилишини кузатиб боради, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқади, ташкилот бюджетини белгилайди ва ҳоказо.

Жорий ишларни бошқаришни ОПЕК котибияти амалга ошириб, у Венада жойлашган. Иқтисодий комиссия халқаро нефт бозорида нарх барқарорлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланади.

ОПЕК тузилмасида миллий нефт ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича комитет муҳим орган ҳисобланади. Айтиб ўтилган тузилмалардан ташқари ташкилот ўз таркибида бешта доимий фаолият юритувчи бўлимларга эга: *маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва техник.*

Шунингдек ОПЕК тузилмасида 1976 йили асос солинган махсус Халқаро ривожланиш жамғармаси фаолият кўрсатади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини молиялаштиришда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Имтиёзли кредит ва грантлар ҳажми бўйича ОПЕК жамғармаси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, КАДҲК ва бошқалар каби машҳур халқаро институтлар билан рақобатлашмоқда. Ўзининг ташкил этилган йилларидан бери унда етти та кенг қамровли дастур ва 1998 йилдан саккизинчи дастур амалга оширилди. Ўз фаолиятининг дастлабки ўн бир йили мобайнида Жамғарма 91 мамлакатга умумий қиймати 6 млрд. доллар миқдорида кредит, шунингдек 213 та грант тақдим этди. ОПЕКнинг халқаро ривожланиш жамғармаси тақдим этаётган кредит ва грантларнинг муҳим хусусияти шундаки, у фақат ташкилотнинг аъзо мамлакатларидан маҳсулот ва технологияларни мажбурий сотиб олиш шартларини қўймайди.

ОПЕК – йирик нефт экспорт қилувчи ва унинг мақсад, вазифаларини тан олувчи ҳар қандай мамлакатнинг аъзо бўлиши учун очик ташкилот. ОПЕКка киришни хоҳлаган мамлакат тўла ёки иштирокчи сифатида аъзо бўлиши мумкин. Ташкилотга аъзо бўлиш даражасини аниқлаш ҳам қизиқдир. Агар унинг киришига аъзо мамлакатларнинг 75%дан зиёди овоз берса, у ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бунинг у зарур тартибда бешта

ОПЕКнинг асосчи мамлакатларининг розилигини олиши лозим. Агар мамлакат 75%дан кам овоз олса, у ташкилотнинг иштирокчи аъзоси бўлиши мумкин. ОПЕК тарихида биргина иштирокчи аъзо сифатида Габон давлати кирган бўлиб, дастлаб кирган йилидан(1974 йил) кейинги йилда унинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

ОПЕК сиёсий-иқтисодий вазифаларни бажариши билан ҳалқаро ташкилот бўлиб, замонавий ҳолатда глобал ҳалқаро муносабатларнинг жўшқин тарзда ривожланишига жиддий таъсир этиш имкониятига эга. Шунинг учун унинг таъсири жаҳон хўжалиги муносабатларида умуман алоҳида иқтисодий жиҳатлари билангина чекланмайди. Бунга ёрқин мисол сифатида Араб-Исроил октябр урушига муносабат бўйича ғарб мамлакатлари мавқеига жавоб тариқасида 1973 йил октябрида нефт экспорт қилишда эмбарго эълон қилинишини кўрсатиш мумкин. Ўша вақтда ташкилотга аъзо араб мамлакатлари АҚШ, Япония ва саноати ривожланган Ғарб мамлакатларига босқичма-босқич нефт экспорт қилиш ва қазиб чиқаришни қисқартириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Дастлабки қарорга мувофиқ нефт қазиб олишни ҳар ойда беш фоизга камайтириш ва шу нисбатда Ғарб мамлакатларига Исроил бўйича тутган йўллари учун нефт экспорт қилишни қисқартириш кўзда тутилган эди. Шунинг хисобга олган ҳолда араб мамлакатларидаги нефт қазиб олишнинг умумий ҳажми ўша вақтда кунига 20 млн. баррелга етди (ОПЕКда қазиб олинаётган нефтнинг умумий ҳажмининг тахминан учдан икки қисми). Ушбу қарор бир томондан жаҳон нефт бозоридаги нархларга, иккинчи томондан жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатларидаги ёқилғи-энергетика билан таъминланиш аҳволига сезиларли таъсир кўрсатди.

Қачонки ўша пайтдаги АҚШ Президенти Р.Никсон Исроилга 2 млрд. АҚШ доллари қийматидаги қурол-яроғ етказиб бериш ҳақида қарор қабул қилганда унга жавобан ОПЕКка аъзо араб мамлакатлари АҚШга нефт экспорт қилиш бўйича тўла эмбарго эълон қилдилар.

Бошқа саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан бўлган муносабат аввалгидек уларга нефт етказиб беришдаги ҳар ойдаги 5 фоизли қисқартириш ҳақидаги қарор ўз кучида қолди.

АҚШга нефт экспорт қилиш бўйича тўла эмбарго эълон қилиниши нафақат АҚШнинг ўзига, балки бошқа саноати ривожланган мамлакатлар катта зиён етказди. Араб мамлакатларида қазиб олинаётган нефтнинг умумий миқдори кунига 20 млн. баррелдан 13-14 млн. баррелгача қисқарди. Бунинг оқибатида нефт нархи мислсиз кўтарилиб, АҚШ кунига 2 млн. баррел нефт импорт қилиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Форс кўрфази мамлакатларидаги шундай ҳодисалар натижасида ушбу ташкилот билан келгуси ўзаро алоқаларнинг шакллари ҳақидаги турли назарий вариантлар пайдо бўлди. Улардан бири ўша вақтдаги АҚШнинг молия вазири У.Симон номи билан боғлиқ. Унинг мазмуни нефт масаласи бўйича саноати ривожланган мамлакатларнинг ўз нарх стратегиясини амалга ошириш орқали ОПЕКка ўз таъсирини ўтказиш лозимлигига олиб келади. Унинг бир неча марта таъкидлашича, нефт истеъмол қилувчи мамлакатларда мувофиқ нарх сиёсатини амалга оширилиши ОПЕКнинг жаҳон бозорида унинг нархини қатъий пасайтиришга олиб келади. Аммо жаҳонда нефтга бўлган талабнинг баъзи қисқаришлари туфайли ОПЕКнинг айрим аъзолари уни қазиб олишни қисқартиришга мажбур бўлиб, У.Симон таъкидлаган ана шундай глобал самара юз бермади.

ОПЕКда дастлаб етакчилик Эрон ва Венесуэлага тегишли эди. 60-йиллар охирига келиб етакчилик мавқеига ўз атрофида бир неча араб мамлакатларини бирлаштирган Ливия давлати даъво қила бошлади. Нархлар бўйича ўтказилган кейинги вақтлардаги музокараларда Форс кўрфази мамлакатлари(Эрон,Ироқ, Кувейт, Саудия Арабистони, Катар, БАА)нинг мавқеи Эрон ва Саудия Арабистонининг етакчилигида жиддий равишда жадаллашди.

70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида Форс кўрфази зонасидаги ҳодисалар ОПЕК фаолияти характерида чуқур из қолдирди. Эрондаги ислом инқилоби, саккиз йиллик Эрон-Ироқ уруши, Кувейтга қарши Ироқнинг босқинчилик ҳаракати ва кўп миллатли кучларнинг Ироққа қарши кураши ушбу мамлакатлардаги нефт қазиб олиш ҳажмининг жиддий қисқаришига, унинг оқибатида эса ОПЕКдаги унинг мавқеининг пасайишига сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда ташкилотдаги Ливиянинг мавқеи унинг ҳалқаро терроризм актларига даҳлдорликда айбланиш ва ҳалқаро иқтисодий фаолиятда уни иштирок этиш кўламини чеклаш учун тадбирлар қабул қилиш оқибатида заифлашди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз ОПЕКдаги Ливия мавқеида акс этди ва ўз навбатида Арабистон ярим оролидаги нефт қазиб олувчи араб мамлакатлари, аввало Саудия Арабистонининг мавқеини сезиларли ўсишига олиб келди.

Аъзо мамлакатлар ўртасидаги айрим зиддиятларнинг мавжуд бўлишига қарамай ОПЕК нефт сиёсатидаги асосий масалалар бўйича ҳалқаро ривожланишнинг ҳаётий муҳим йўналишларини белгилашда жиддий таъсир ўтказишга имконият берувчи мавқеи билан чиқмоқда. Ушбу ташкилотнинг кўплаб аъзолари араб мамлакатларидан иборат бўлишлиги араб давлатлари блокига ҳалқаро сиёсий масалаларда қўшимча кузир(ишонч) беради.

4. Нефт экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти (ОАПЕК).

1967 йил баҳорида Саудия Арабистони нефт масалалари бўйича араб мамлакатлари ўртасида ўзаро уюшма тузиш таклифи билан чиқди. Дастлаб ушбу таклиф расмий равишда Ливия ва Кувейтга йўналтирилган эди.

1968 йил 9 январиди ОАПЕКнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтиб, унинг таъсисчилари Саудия Арабистони, Ливия ва Кувейт

Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

бўлган. 1972 йилга келиб ушбу ташкилотга 10та араб мамлакатлари аъзо эди: Саудия Арабистони, Ливия, Кувейт, Бирлашган Араб Амирликлари, Жазоир, Бахрейн, Катар, Ироқ, Сурия ва Миср.

ОАПЕК низомининг 7-моддасида ташкил этилган ташкилотга аъзо бўлиш шартлари изохланади. Унинг аъзоси бўлишни истаган давлатнинг миллий даромадининг асосий манбаи нефтдан иборат бўлиши зарурлиги муҳимдир. Аммо ташкилотнинг юқорида айтиб ўтилган шартлари ва эълон қилинган мақсадлари ўртасида айрим зиддиятларнинг юзага келишига иккита ҳолат таъсир кўрсатди. Улардан биринчиси шундан иборатки, бундай шартнинг қўйилиши ташкил этилган ташкилотга аъзо бўлиш имкониятлари сонини жиддий равишда чегаралайди. Чунки нефт қазиб олувчи араб мамлакатларининг ҳаммасида ҳам нефт давлат даромадининг асосий манбаи эмас. Бундан ташкилотнинг эълон қилган асосий мақсади араблар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга эришиб бўлмайдиган масала бўлиб қолди. Натижада низомнинг ушбу моддасига тузатишлар киритилди. Янги моддада айтилишича, нефт экспортидан тушаётган даромадлар давлат даромадининг катта қисмини ташкил этувчи шундай араб мамлакатлари ташкилот аъзоси бўлиши мумкин. 1970 йил 24 майида бўлиб ўтган нефт қазиб чиқарувчи араб мамлакатлари вазирларининг навбатдан ташқари кенгашида Абу Даби (кейинчалик БАА), Жазоир, Бахрейн ва Катар ташкилотга қабул қилинди. 1972 йили унга Ироқ, Сурия ва Миср кирди. Шундай қилиб 10та араб давлатлари ОАПЕКнинг аъзоси бўлдилар.

Ташкилотнинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланди:

1. Нефт экспортидан тушаётган даромадларни турли соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш. Бу ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган даромадлар ягона нефт экспортидан тушаётган даромадлар бўлмаслигига олиб келиши

керак эди. Бундан ташқари ташкилот аъзоларининг фикрига кўра, бу ҳолат улардаги мавжуд нефт заҳираларини сақлаб қолинишига ва ушбу нефт бойлигидан янада унумли фойдаланишга имкон бериши лозим эди.

2. Истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва уларни жаҳон нефт бозоридаги нархлар ўз-ўзидан ёки фақат битта нефт қазиб олувчи мамлакат ихтиёрига кўра белгиланмай, балки қазиб олишга кетган барча ҳаражатлар ва бошқа объектив сабабларни ҳам ҳисобга олган ҳолда шаклланишини уларда таассурот уйғотиш.
3. Ташкилотнинг аъзо мамлакатларига қилинаётган капитал ва технологиялар учун қулай шароитлар яратиб бериш ёрдамида ушбу мамлакатларнинг нефт саноатини ривожлантирилишида ҳамкорлик қилиш. Ушбу ҳолатда капитал ва технология сифатида нафақат ОАПЕК мамлакатларининг ўзидаги, балки хорижий капитал ва технологиялар ҳам назарда тутилади.

Ўтган давр мобайнида ташкилот фаолияти араб мамлакатларидаги нефт сиёсатини мувофиқлаштириш, инвестиция сиёсатини рационализация қилиш имкониятини берди. Бу фаолиятнинг аниқ натижалари қуйидагиларни ташкил этишда бўлди:

- 1974 йили низом капитали 500 млн. АҚШ доллари бўлган денгизда юк ташиш бўйича араб транспорти ширкати;
- 1974 йили низом капитали 120 млн. АҚШ доллари бўлган Араб кемасозлик ва кема таъмирлаш ширкати;
- 1974 йили низом капитали тахминан бир миллиард АҚШ доллари бўлган Араб нефт инвестиция корпорацияси;
- 1977 йили нефт хизматлари бўйича Араб ширкати;
- 1979 йили нефт соҳаси бўйича мутахассисларни қайта ўқитиш Араб институти;
- 1981 йили Араб муҳандис-қурилиш ширкати ва башқалар;

80-йилларнинг бошларидаги нефт нархининг кескин пасайиши ОАПЕК фаолиятида ўз изини қолдирди. Шунинг оқибатида умуман айрим сиёсий омиллар туфайли 1986 йил охирларига келиб баъзи аъзолар ташкилотни тахминан 14 млн. АҚШ доллари миқдорида қарздор қилиб қўйдилар. Кейинчалик ҳам ташкилот бюджетининг сезиларли қисқариши кузатилади: агар у 1987 йили 7,3 млрд.ни ташкил этган бўлса, 1988 йили 5,3 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлди.

Кўрсатиб ўтилган мисоллар айрим доираларнинг қарашларидаги мавжуд фикрларни тасдиқлайди. Яъни ОАПЕК жаҳон нефт саноатида ўз ўрнига эга бўлмаган мутлақо уюшмаган тузилмани ўзида акс эттиради. Ушбу йўналишларга қарамай, ОАПЕК ҳозирги кунда жаҳон нефт саноатида ҳам, умуман барча жаҳон хўжалиги алоқаларида ҳам муҳим механизмлардан бири сифатида бўлиб қолмоқда.

5. Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик ташкилоти (КАДХК).

Ушбу ташкилот 1981 йил 25 майида ташкил этилганлиги ҳақида расмий равишда эълон қилинган. Унга қуйидаги мамлакатлар аъзодир: Саудия Арабистони, Кувейт, Бахрейн, катар, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон Султонлиги.

Форс кўрфазидаги нефт казиб чиқарувчи араб мамлакатларининг сиёсий-иқтисодий иттифоқини тузиш ғояси ўз тарихига эга. 1976 йили Уммон султони Қобус бин Саид ташаббуси билан Эрон, Ироқ, Кувейт, Бахрейн, Катар, БАА, САП ва Уммон султонлигининг ташқи ишлар вазирлари ушбу мамлакатлар хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш бўйича умумлашган сиёсатни ишлаб чиқиш ҳақидаги Уммон таклифини муҳокама қилиш учун Маскатда учрашдилар. Аммо ўша пайтда вазирлар муаммонинг моҳияти бўйича келиша олмадилар ва учрашув натижасиз якунланди.

Шу билан бирга 1976 йили минтақадаги араб давлатлари ўртасида минтақавий консенсусга эришиш борасида яна бир уриниш қабул қилинди. Ўша пайтдаги Кувейт шахзодаси шайх Жобир ал-Ахмад ас-Сабах Форс кўрфази бўйича саёҳат қилди. У сафари давомида биргаликдаги кучлар ёрдамида Кўрфаз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилди. Кувейт номидан у иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва ахборот соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро ташаббуслар учун механизм бўлиши лозим бўлса, Кўрфаз давлатлари иттифоқини тузиш таклифини расмий равишда эълон қилди. Кўрфаздаги араб давлатларининг бошлиқлари доимий равишда шундай ташкилот тузиш лозимлиги ҳақида биргаликда фаолият олиб бордилар. Беш йил ўтса ҳам Кувейт таклифи хали ўзининг аниқ тимсолини топгани йўқ эди.

Форс кўрфазининг олтига нефт қазиб чиқарувчи давлатлари иттифоқини тузиш ҳақидаги масаланинг фаоллашувига 70-йилларнинг охирида бир қатор аниқ ҳолатларни юзага келиши сабаб бўлди. Улар ичида муҳим ўринни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида рўй берган машҳур ҳарбий-сиёсий воқеалар эгаллайди. Эронда шохлик тартибининг аҳдарилиши ва совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши улар орасида муҳимроғи эди.

Араб мамлакатлари ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва маданий интеграция жараёнининг фаоллашувида Кувейт давлати муҳим ўринни эгаллайди. Фақат ушбу мамлакат раҳбариятининг фаоллиги туфайли БАА билан бош вазирлар даражасидаги координация кенгаши тузилиб, Кўрфаз давлатлари иттифоқини тузиш ғояси йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди. Бу масала 1980 йил ноябрида Уммонда бўлиб ўтган араб мамлакатлари бошлиқларининг кенгашида ҳам, 1981 йил январида Тоифда бўлиб ўтган мусулмон мамлакатлар бошлиқлари конференциясида ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг натижасида Катар, САП, Кувейт, Бахрейн, БАА ва Уммон Султонлигининг ташқи ишлар вазирларининг *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

конференциясини 1981 йил ар-Риёда ўтказиш имконияти туғилди. Ушбу йилнинг мартада айтиб ўтилган давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари учрашуви Маскада бўлиб ўтди. Айнан ушбу конференцияда шу давлатларнинг истиқболдаги иттифоқини тузиш ва фаолияти билан боғлиқ бўлган шартлар қатъий равишда келишиб олинди. Хусусан, “Олтилик” бошлиқлари кенгашини чақириш ва кенгаш штаб квартирасини ар-Риёда жойлаштириш масаласи ҳал қилинди. 1981 йил 25 май куни БАА пойтахти Абу Дабида “олтилик” мамлакатлари бошлиқларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтиб, унда Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДХК)ни ташкил этилганлигини расмий эълон қилинди.

Шундай қилиб, Форс кўрфази нефт қазиб чиқарувчи давлатлари иттифоқи ташкил этилиб, инглиз олими Жон Кристининг таъкидлашича у шундай бирлашмалардан ўзининг қатор жипслаштирувчи сифатлари билан фарқ қилади. Булар ягона араб тили ва ислом дини, бир хил ижтимоий тузилма, нисбатан ўхшаш иқтисодий ривожланиш стандарлари, яқин ва ўхшаш давлат бошқаруви тизим, умумий маданият ва географик жойлашув. Инглиз олими фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтилган омиллар ушбу иттифоқнинг вужудга келиши сабабларидан бири бўлди. Аммо олти Форс кўрфазининг нефт қазиб олувчи араб давлатлари иттифоқини тузиш ғоясини кўринмайдиган характи фақат ушбу омиллар билан чегараланмайди. Уни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштиришдаги муҳим омил сўзсиз Кўрфаз зонасида вужудга келган янги ҳарбий-сиёсий шароитнинг амалга оширилиши бўлди. Бир томондан у минтақада етакчилик қилиш учун Ироқ ва Эрон ўртасидаги рақобатнинг кескин фаолашуви билан, иккинчи томондан эса тез орада бошланган Ироқ-Эрон уруши билан ифодаланади. Ушбу икки омил бир хил минтақанинг умумий

хавфсизлигига ҳам, Арабистон ярим оролидаги ҳар бир мустақил мамлакатлар учун хавф солар эди.

КАДХҚнинг асосий органлари қуйидагилардан иборат:

- ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар бошлиқларидан иборат Олий Кенгаш;
- ташқи ишлар вазирларидан иборат зиддиятли вазиятларни ҳал этиш бўйича комитет;
- олтилик мамлакатларининг фуқароларидан иборат Олий кенгаш томонидан тайинланувчи бош котиб бошчилигидаги бош котибият;

Турли вақтлар мобайнида КАДХҚ бош котиби қилиб давлат арбоблари ва дипломатлар тайинланган. Улардан бири Кувейтнинг машҳур дипломати доктор Абдулла Ёқуб Бишар бўлиб, узоқ вақт мобайнида ўз мамлакатининг БМТга аъзо қилган. КАДХҚ номидан вакил ва махсус спикерлар сифатида Уммондан Иброҳим Субҳий, Саудия Арабистонидан Абдуллоҳ ал Квайс ва Маъмун Курдий ишлаганлар. САПнинг иқтисодиёт ва маданият масалалари бўйича ташқи ишлар вазирларининг ўринбосари ҳозирда ушбу лавозимни эгаллаб турибди.

КАДХҚнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг аъзолари Кенгашнинг тузилмавий органлари тармоғи орқали Ислом конференцияси ташкилоти(ИКТ) билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқдалар. Масалан, ИКТнинг аъзо давлат бошлиқларининг 1981 ва 1987 йиллардаги кенгашлари Саудия Арабистони подшоҳлиги ва Кувейт ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан ўтказилди. КАДХҚ мамлакатлари, айниқса САП ва кувейтнинг ўртача бўлмаган молиявий имкониятлари кўпинча уларга ИКТ орқали ўз сиёсатларини амалга ошириш имкониятини беради. КАДХҚнинг шундай хусусияти ҳатто баъзи араб тадқиқотчилари томонидан ҳам қайд қилинади.

Шунингдек КАДХҚ бошқа ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар, БМТ,ЕИ ва бошқалар билан ўзаро муносабатларни қўллаб-
Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

кувватлашга интилоқда. 80-йилларнинг бошларидаёқ КАДХК замонавий дунёнинг кучли молиявий-иқтисодий марказига айланди. Масалан, 1981 йили КАДХК мамлакатларида ишлаб чиқилган ЯММнинг умумий хажми 191 млрд. АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилди. Бу КАДХКга ўша вақтлардаги муҳим марказлар АҚШ, ЕИ, Япония, Совет Иттифоқи, Хитой, Бразилия ва Канададан кейин 8-ўринни эгаллаш имконини берди. 1983 йили КАДХКнинг учта йирик аъзолари бўлган САП, Кувейт ва БАА томонидан хорижга чиқарилган капиталлар хажми 300 млрд. АҚШ долларига етди.

Ушбу вазият нефт хомашёсининг ўртача нархининг 1972 йилдаги бир баррели учун 2,8 доллардан 1981 йили 34 долларга ўсиши билан 70-йиллардаги “нефт шов-шуви” натижасида юз берди. КАДХК аъзоларининг нефт экспортидан тушаётган даромадлари миқдори 10 млрд. доллардан 163 млрд. Долларгача ўсди. Гарчи импортнинг ўсиши шундай тез суръатларда (тахминан 1972 йилги 3,5 млрд. Доллардан 1982 йили 52 млрд. Долларгача ўсди) бўлишига қарамай, ушбу гуруҳ давлатлари хорижий мамлакатлар билан бўлган жорий тўловларда мислсиз актив сальдога эришиб, у 1982 йили 66 млрд. Доллардан ошди. Аммо нефт нархи ҳам унинг экспортидан тушаётган даромадлар ҳам узоққа чўзилмади. Ва 1986 йилга келиб у ва бошқалар пасая бошлади. Масалан, нефт хомашёси нархи ўртача 14 долларгача пасайди. Шунга қарамай улар ҳозир ҳам етарли улкан даромад манбаи сифатида қолишда давом этмоқда. Масалан, 1992 йили КАДХК мамлакатларининг нефт ва нефт маҳсулотлари сотуvidан тушган даромадлари 70 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлган.

Кейинги йиллардаги аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар (Кувейтга қарши Ироқ агрессияси) оқибатида номоддий ва ноинвестицион эҳтиёжларга жалб қилиниши мумкин бўлган сезиларли молиявий имкониятлар чегаралаб қўйилди. Бошқа томондан агрессия ушбу мамлакатлар учун ҳақиқий ҳарбий сиёсий мазмунда Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида “юқори доиралар”

сиқувига мустақил равишда қарши тура олмасликларини ошкор қилиб қўйди. Шундай қилиб КАДХК аъзо мамлакатлари олдида вужудга келган вазиятни хал этишда ўз хавфсизликларини таъминлашда ғарб мамлакатлари ёрдамига таянишдан бошқа чора топа олмадилар. Шу билан биргаликда яна кейинги йиллар шуни кўрсатадики КАДХК мамлакатларида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий бирдамликни янада мустаҳкамлаш жуда зарурдир.

6. Ислом ривожланиш банки.

У 1975 йилда тузилиб, мусулмон давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қаратилгандир. Бу банкка Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар киради. Мусулмон қонуни бўйича судхўрлик таъқиқланганлиги сабабли банк берилган қарздан фоиз олмайди. Банк фондининг таъминловчи асосий давлатлар нефт экспорт қилувчи давлатлар бўлиб, 26% Саудия Арабистони, 16% Ливия, 14% Бирлашган Араб Амирликлари, 13% Кувейт давлати хиссасига тўғри келади. Банк биринчи навбатда кредитни энг кам ривожланган мусулмон давлатларига ажратади ва ўз фаолиятини ушбу давлатлар ўртасидаги савдо-сотик ишларини ривожлантиришга қаратади. Банк кредит ажратаётганда “**хизмат солиғини**” олади ва бу йилига 2-4%ни ташкил қилади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари:

1. **Мушорака** – банк бирор бир лойиҳани амалга оширишда шерикчилик асосида ёрдам беради.
2. **Музораба** – саноат ва банк капиталининг қўшилиши.
3. **Муробаха** – банк товар сотиб олишга ёрдамлашади ва ўз ҳақини товарнинг қийматига қўшади (5-8%).

Бугунги кунда Ислом конференцияси ташкилотига аъзо 54 давлат ва Фаластин озодлик ташкилоти банк аъзолари ҳисобланади.

7. Ислом конференцияси ташкилоти.

Ташкилот 1969 йил 25 сентябрида мусулмон мамлакатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг Робот (Марокаш) шаҳрида бўлган конференциясида ташкил этилган эди.

Ушбу ташкилотнинг муҳим органлари қуйидагилар:

1. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари конференцияси.

Бу ташкилотнинг олий органи бўлиб, ислом манфаатлари талаб этган вақтда ислом мамлакатларининг асосий муаммоларини кўриб чиқиш ва ташкилотнинг сиёсий координациясини қайта кўриш лозим бўлиб қолингандагина йиғилади. (1981 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир маротаба)

2. Ташқи ишлар вазирлари конференцияси.

Бу конференция давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва аккредит вакиллари даражасида зарур бўлганда аъзо мамлакатларнинг бирида йилига бир маротаба йиғилади.

3. Бош котибият (секретариат).

Бош котибиятнинг бош котиби ташқи ишлар вазирлари конференциясида сайланади. У 4 йилга сайланади ва фақат бир маротаба сайланиши мумкин.

4. Халқаро Ислом адолат суди.

Бу ташкилотнинг асосий ҳуқуқий органи ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий мақсади

- Мусулмонлар бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- Сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳада ҳамкорлик қилиш;
- Барча мусулмонларнинг миллий, ғурурий ҳуқуқ ва мустақиллигини таъминлаш борасидаги ҳаракатларини қўллаб қувватлашни кучайтириш;

Ташкилот қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

1. Ирқий камситишлар ва коллонизмнинг барча шаклларига чек қўйиш.
2. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оқилона ёндошиш;
3. Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро келишув ва ҳамкорликни рағбатлантириш;

Аъзо мамлакатлар Низом мақсадларини амалга ошириш борасида қарорлар чиқарадилар ва мажбуриятлар қабул қиладилар. Бу борада улар қуйидаги принципларга риоя этадилар:

- Аъзо мамлакатлар ўртасида тўла тенглик.
- Ўз-ўзини англаш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ҳуқуқини ҳурмат қилиш. (ҳар бир аъзо мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш)
- Аъзо мамлакатлар ўртасида келиб чиқадиган турли келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- Аъзо мамлакатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини бузишга бўлган барча уриниш ва ҳар қандай куч ишлатиш борасидаги ҳаракатларни тўхтатиш;

Ушбу ташкилот аъзолари 54та мамлакатдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ушбу ташкилот аъзосидир. Ташкилот асосан араб, инглиз ва француз тилларида иш олиб боради.

Бюджети.

Ташкилотга аъзо бўлган барча мамлакатлар котибият фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашни ўзларининг миллий даромадлари миқдорида мос равишда ўз зиммаларига оладилар. Аъзолик бадалини тўлаш ташкилотнинг йиллик бюджетига нисбатан фоиз ҳисобида бўлади.

8. Ислом кемачилиқ ташкилотлари ассоциацияси (ОАИС).

ОАИС 1981 йили Маккада бўлиб ўтган олий табақадаги 3-ислом конференциясининг қарорига биноан ташкил этилгандир.

ОАИС мақсадлари:

1. Сув компанияларининг фойдаларини амалга ошириш борасида аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш учун уларни бир жойга тўплаш;
2. Аъзо мамлакатларнинг қўшма кемачилик компанияларини ва янги маршрутларини ташкил этишга кўмак бериш;
3. Янги маршрутларнинг интеграциясини кенгайтириш мақсадида ислом ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш;
4. Ислом ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги даврли ва доимий юк ва пассажирларни ташиш борасидаги маршрутларни ривожлантириш;
5. Ислом давлатларининг юкларини ташиш борасидаги сиёсатни юритишга ёрдам бериш;
6. Турли шаклдаги сув транспортларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш;

Аъзолик.

Ассоциацияга қуйидаги компания аъзо бўлиши мумкин:

- Ҳалқаро савдо ёки шу турдаги ассоциацияларга аъзо бўлган сув транспорт компаниялари. Шу билан бирга аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий компаниялари ва аъзо бўлган мамлакатга камида 70% акцияси тегишли бўлган компаниялар.
- Аъзо мамлакатларнинг барча миллий компаниялари ва уларда компания капиталининг камида 51%и бўлиб, ҳамда компания вакили мусулмон бўлган тақдирда аъзо бўлиш ҳуқуқи берилади.

ОАИС тузилмаси.

- Бош Ассамблея.

У барча ташкилот аъзоларидан ташкил топиб, йилига бир марта йиғилади.

- Ижроия қўмита.

Бош ассамблеяда ижроия қўмита географик жойлашувига қараб сайланади. Ижроия қўмитасининг аъзолари бўлиб ОАИС бош котиби, Ислом конференцияси ташкилоти котибиятининг вакиллари ва овоз бериш ҳуқуқи берилмаган савдо ва саноат палатасининг вакилларида ташкил топади.

- Бош котиб.

Ташкилотни Бош ассамблея томонидан сайланадиган бош котиб бошқаради.

- Молиявий ҳолати.

Ташкилот белгиланган кириш бадаллари, йиллик субсидия ва хайриялар, грант ва турли иномлар, ҳамда бошқа хил хизматлардан келган фойдалар ҳисобига молиялаштирилади.

Таянч иборалар:

1. Минтақа мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий укладлар.
2. Мамлакат ишлаб чиқариш қуввати.
3. Интеграция.
4. Инвестиция.
5. Жаҳон нефт бозори.
6. Квота.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. З.Мунавваров “Арабский мир: перспективы и сотрудничество”
Ташкент. 1997 год
2. Ломакин В.К. Мировая экономика. Москва. 1998
3. “Мировая экономика и международное отношение” журнал.

**Маъруза-2. Мавзу: Мағриб араб давлатларининг Европа
Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.**

Режа:

- 1. Араб мағриби иттифоқи(АМИ) ташкилоти ҳақида.**
- 2. Мағриб араб давлатларининг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.**
- 3. Мағриб араб давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболи.**

1.Араб мағриби иттифоқи ташкилоти ҳақида.

1989 йил 17 феввалида Маррокеш (Марокаш) шаҳрида бешта мамлакат Жазоир, Марокаш, Ливия, Тунис ва Мавритания давлат раҳбарлари учрашувида Араб мағриби иттифоқи(АМИ)ни ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу мамлакатлар географик жойлашуви, тарихий ривожланиш жиҳатларидан кўпгина Европа иттифоқи(ЕИ)га аъзо мамлакатлар (Франция, Италия, Испания ва бошқалар) билан савдо-иқтисодий муносабатларга эгадирлар. ЕИга аъзо мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шароитларига эришиш шундай бирлашувнинг муҳим

мақсадларидан бири ҳисобланади. АМИ ни ташкил этишнинг асосий мақсади қуйидагилар: иқтисодий тараққиётда ривожланишга эришиш; бешта мамлакатлар ўртасида фуқаролар, товар ва капиталларнинг эркин ҳаракатини боқичма-босқич жорий этиш; турли соҳаларда қўшма сиёсатларни ишлаб чиқиш. Ушбу сиёсат иқтисодиёт соҳасида – саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиб бериш, ҳарбий соҳада – Иттифокқа аъзо ҳар бир давлатнинг мустақиллигини таъминлаш, халқаро майдонда – узвий дипломатик ҳамкорликни ўрнатиш ва бошқаларни назарда тутди.

Иттифокнинг раҳбарият органлари ҳам ташкил этилган. Олий орган сифатида аъзо давлатлар бошлиқлари таркибидан иборат Президентлик кенгаши таъсис этилган бўлиб, раҳбарлик олти ой мобайнида навбатма-навбат давлат бошлиқлари томонидан амалга оширилади. Президентлик кенгаши навбатдаги сессияларини ҳар олти ойда ўтказади. Кенгаш қарори барча унга аъзоларнинг умумий розилиги билан қабул қилинади. Президентлик кенгаши махсус вазирлар комиссияси вазифаларини таъсис этади ва белгилаб беради. Кенгашда Бош котибият мавжуд бўлиб, унга ҳар бир давлатдан биттадан вакил ва Маслаҳат кенгаши киради. Шартнома ва имзоланаётган битимларни тушунтириб бериш учун Суд органи таъсис этилган бўлиб, унга олти йиллик муддат билан ҳар бир аъзо давлатдан иккита судья киради. Суд органининг қарори мажбурий ва катъийдир¹.

1989 йил октябрида Работ шахрида АМИ Маслаҳат кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда кенгашнинг ички низоми қабул қилинди ва бешта ишчи комиссия ташкил этилди: 1) ташқи ишлар, 2) режалаштириш, 3) ҳуқуқий масалалар, 4) молия ва иқтисод, 5) маданият, таълим, ахборот бўйича.

АМИ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тадбири борасида унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама алоқалар фаоллаштирилди. Денгиздаги кема катновини кенгайтириш,

балиқчиликни ривожлантириш, ягона энергетика тизимини барпо этиш, Жазоирдан Марокашгача газ қувурлари қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилди. 1989 йил июлида қўшма лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек аралаш корхоналарни ташкил этиш учун 100 млн. доллар капитал билан Жазоир-Ливия банки таъсис этилди. Жазоирда Жазоир-Тунис цемент заводи қурилган бўлиб, Мавританияда Жазоир кўмаги билан нефтни қайта ишлаш заводи замонавийлаштирилди. Тунис билан Ливия ҳамкорликда минтақавий шельфдаги нефт-газ конларини қидириб топиш ишларини бошлаб юбордилар. Денгиз, темир йўл ва ҳаво йўлларидаги қатновлар бўйича қўшма компанияни, хусусан “АЛ-Мағриб” авиакомпаниясини тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинди. 1990 йили Марказий банк директорларининг йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ягона валюта муомаласини жорий этиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. 1991 йил охирларида бўлиб ўтган савдо вазирларининг учрашувида бешта мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини фаоллаштириш, божхона ва савдо битимларини бажариш бўйича бир қатор амалий тадбирларни назарда тутувчи протокол имзоланди.

Транспорт ва энегетика соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятлироқ амалга оширилган. Уэд Сафсаф(Жазоир)дан Гафсу ва Зарзис (Тунис) шаҳарлари орқали Зуар (Ливия) шаҳригача йилига 3 млрд. куб метр газ ўтказиш имкониятига эга бўлган 400 км. узунликдаги Трансмағриб газ қувури ишга туширилган. Газ қувури саноат объектларини, аввало Зуар шаҳридаги алюминий ишлаб чиқариш бўйича Жазоир-Ливия қўшма корхонасини ёқилғи билан таъминлашга мўлжалланган. 2262 км узунликдаги Тунис-Жазоир-Касабланка трансмағриб темир йўл линиясини қуриш ишлари бошланган бўлиб, бу Тунис билан Касабланка ўртасидаги поездлар қатновидаги вақтни сезиларли қисқартиради. Нуадибу (Мавритания) – Табрук (Ливия) автострада йўли қурилган. Ер ва денгиз

транспортларида, телефон, телеграф алоқаларида имтиёзли тарифлар жорий этилди. 150 млн. доллар низом капитали билан “Сармоя ва ташқи савдо мағриб банки” ни ташкил этиш бўйича аниқ қадамлар қўйилди.

1993-1994 йиллардаги АМИнинг фаолияти янада самралироқ бўлиб, ушбу даврда Тунис президенти Зейд Бин Али унинг фаолиятига раҳбарлик қилган эди. Унинг раҳбарлиги пайтида аввалги олий даражадаги учрашувларда қабул қилинган қарорлар асосида кўплаб тузилмалар ҳақиқий равишда амалга оширила бошланди. Ушбу даврда Иттифокнинг аъзо-давлатлари томонидан сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва улар хавфсизлигини кафолатлаш, капитал, товар, хизмат, одамларнинг эркин ҳаракати, икки томонлама солиққа тортишдан воз кечиш каби масалаларга тегишли бўлган аввал қабул қилинган битм ва конвенциялар ратификация қилинди. Шу билан бирга гарчи беш йиллик муддат ичида ташкилий тузилмани шакллантириш ниҳоясига етказилган ва унинг фаолиятида аниқ натижалар юзага чиққан бўлсада, АМИга аъзо-давлатлар қўйилган барча барча мақсадларга, юқори даражадаги интеграцияга эриша олмай, кўпгина шартномалар қоғоздагина қолди. Шунинг учун Тунис раҳбарияти аввало аъзо-давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ва мувофиқ ҳуқуқий базаларни ишлаб чиқиш ҳақидаги қарорларни қабул қилди. У Иттифок аъзоларига 2000 йилгача бўлган ҳаракат режасини тақдим қилди. Дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлган: АМИ доирасида божхона тарифсиз савдо алмашинувини жорий этиш ва умумий бозорни шакллантириш; аъзо-мамлакатлар миллий иқтисодиётини ўзарпо ҳамкорликда тўлдириш, яъни иқтисодий интеграция; ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; Иттифок чегараларида товар, капитал, фуқароларнинг эркин ҳаракати, ягона шахсни тасдиқловчи гувоҳномани жорий этиш; таълим дастурларини бир хиллаштириш; ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш; алоқа ва

ахборот алмашинувида ягона тизимни барпо этиш. Келажакда Сармоя ва ташқи савдо Мағриб банкини, ягона божхона тизимини, ягона бозор ва иқтисодий режа, сиёсий тизимларни ҳам бир хиллаштириш билан тўла бирлашувга эришиш режалаштирилган.

2. Араб мағриби иттифоқига аъзо мамлакатларнинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.

Табиийки, олға сурилган мақсадларни амалга оширилиши замонавий технологиялар, молиявий воситаларга мурожаат қилишни талаб қилади. Шунинг учун Иттифоқ мамлакатлари ЕИга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор бўлиб, уларнинг баъзилари билан қадимдан турли хил тарихий, маданий ва савдо алоқалари орқали боғланиб турилган. Биринчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликда Ғарбий Европа мамлакатлари Ўрта ер денгизидаги ўз мавқеиларини ўзларининг собиқ мустамлакалари билан ассоциация тизимини жорий этиш йўли орқали сақлаб қолишга интиланлар. Денгиз атрофидаги мамлакатлар билан бўлган ассоциация(уюшма)нинг мақсади савдони ошириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмак беришдан иборат эди². Ушбу ҳолатда назарда тутилишича, ЕИга аъзо-давлатлар мамлакат ва ҳудуд бўйича бир-бирлари билан қилаётган савдо алоқаларида Европа давлатларига қўлланилган тартибни қабул қилиб, улар учун имтиёзли ҳамкор статуси мавжуд³.

ЕИга аъзо-давлатлар мамлакат ва ҳудуд ривожланиши учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни амалга ошириш мажбуриятини олганлар. Рим шартномасида божхона сиёсати ҳақидаги масалага батафсил тўхталиб ўтилган: ЕИга аъзо давлатлар билан алоҳида алоқаларга эга мамлакат ва ҳудудларга ўзларигагина тегишли бўлган асосий ҳолатлар жорий қилинган. Аммо соғлиқни сақлаш, давлат хавфсизлиги, ижтимоий тартиб, ишчи кучинининг эркин ҳаракати каби масалалар кейинги шартномаларнинг асосий предмети бўлиши лозим бўлиб, ЕИ ва унга кирувчи давлатлар билан алоҳида алоқаларга эга мамлакат ва ҳудудлар ўртасидаги уюшмаларни ташкил этиш жараёни ва аниқ шароитлари эса Рим шартномасига илова қилинган Конвенциялар орқали белгиланган. Ўрта ер денгизида барча ЕИга аъзо давлатлар ичида фақат Франция ва Италия “алоҳида алоқалар”га эга эди. Бу уларнинг собиқ муштамлакаси бўлган Жазоир ва Ливия билан боғлиқ. Масалан, Рим шартномасининг 227-моддасида кўрсатилишича, Жазоирга умумий ва алоҳида ҳолатлар жорий қилинган (товарларнинг эркин ҳаракати, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасини эркинлаштириш, институтлар ҳақида). Шартномага илова қилинган ўлчамлар ҳақидаги Декларация Ливияга нисбатан Ҳамжамиятнинг у билан иқтисодий уюшма тузиш ҳақидаги конвенцияни имзолашга тайёрлигини билдиради 4.

Европа Иттифоқининг Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатларга бўлган сиёсати улар халқаро ҳаётнинг субъекти сифатида мустакил давлат сифатида намоён бўлганларидан кейин

Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

янада фаоллашди. Натижада 1969 йили Марокаш ва Тунис билан савдо ва иқтисодий шартномалар имзоланди, 70-йиллар ва кейинроқ Жазоир, Тунис ва Марокаш билан бир қатор битимлар тузилди. Аммо савдо имтиёзлари, техник ва молиявий уюшмалар ва бошқа шу кабилар тартиби ҳақида тузилган конвенцияларга эга баъзи бир қатор ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда Ўрта ер денгизидаги мамлакатлар билан бўлган ҳамкорлик сустривожланган.

Ғарбий Европани АҚШ билан ўзаро кураши натижасида ЕИ комитети Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. 1990 йил декабрида ЕИ кенгаши “янги Ўрта ер денгизи сиёсати”ни амалга ошириш ҳақидаги қарорни қабул қилди. Унинг асосий йўналишлари замонавий агросаноат комплексини ривожлантиришда, бандлик муаммосини хал қилишда, аҳоли турмуш даражасини кўтаришда кўмак беришдан иборат эди. Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан ЕИ алоқаларидаги устунлик иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларга қаратилган эди⁵.

Барселонада бўлиб ўтган Европа-Ўрта ер денгизи конференцияси “янги Ўрта ер денгизи сиёсати” доирасидаги йирик кадам бўлиб, унда ЕИнинг 15та аъзо давлатлари ва Ўрта ер денгизидаги 12та мамлакат, шунингдек АМИга аъзо Жазоир, Тунис, Марокаш ҳам иштирок этдилар. У моҳият жиҳатидан Европа-Ўрта ер денгизи ҳамкорлигининг янги моделини англатади. ЕИ ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўйган эди: Жанубий Ўрта ер денгизи мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, ривожланаётган Шимол ва иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган Жануб ўртасидаги тафовутни қисқартириш учун турмуш шароитларини яхшилаш, минтақавий интеграция ва минтақавий ҳамкорликни жадаллаштириш. ЕИ комиссиясининг Россиядаги вакили Дюбуа Жильберни таъкидлашича,

“Ўрта ер денгизи билан чамбарчас боғлиқ бўлган учта муаммонинг мавжудлиги тан олинган: Жанубнинг заиф иқтисодий ривожланганлиги, Шимол-Жануб линияси бўйича иқтисодий тенгликнинг йўқлиги ва Жануб-жануб линияси бўйича муносабатлардаги беқарорлик. ЕИ бир вақтнинг ўзида ушбу учта омиллардан келиб келиб чиққан ҳолда ва ушбу муаммолар алоҳида ҳал қилинмаслигини тан олган ҳолда аввал ҳеч қачон Ўрта ер денгизи минтақаси муаммоларига шундай ёндошмаган эди”.⁶ Барселона конференциясининг хулосавий ҳужжатида ҳамкорликнинг “таянчлари” деб номланувчи учта асосий соҳалар белгиланди: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий. Конференцияда хавфсизлик ва ҳарбий ҳамкорлик соҳасида аниқ тадбирлар дастури қабул қилинди. Иқтисодиёт ва молиявий соҳадаги ҳамкорлик 2010 йилга келиб амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, унда эркин савдо тартиби, қулай инвестицион иқлим барпо этиш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, сув таъминоти тизимини ривожлантириш, ягона Ўрта ер денгизи энергетика тизимини ташкил этиш, транспорт ва телекоммуникацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш билан инфратузилмани такомиллаштириш режалаштирилган. Шунингдек ушбу “таянчлар”ни ривожлантирилиши Ўрта ер денгизидаги шерикларига ЕИ томонидан кўрсатилаётган ёрдамларни сезиларли равишда кўпайтирилишини назарда тутди. Каннахдаги ЕИ раҳбарларининг учрашувида минтақа эҳтиёжи учун 1996-1999 йиллар мобайнида 4,685 млрд. ЭКЮ миқдоридаги маблағ ажратилиши ҳақидаги қарор қабул қилинди⁷.

1995 йилдан кейин Барселенода қабул қилинган қарорлар амалга оширила бошланди. 1996 йили энергетика масаласи бўйича бўлиб ўтган Евро-Ўрта ер денгизи конференцияси электро тармоқлар, газ қувурларини бирлаштириш ва Евро-Ўрта ер денгизи энергетика комплексини барпо этилишини назарда тутувчи беш йиллик режани ишлаб чиқиш ҳақидаги қарорни қабул қилди. Марокаш ва Гибралтар

Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

бўғози орқали ўтувчи “Мағриб-Ғарбий Европа” газ қувури қурилиши бўйича ишлар олиб борилаётган бўлиб, бунда Жазоир ва Испания, Португалия, Франция ва Германиягача етказиб берилади. Транспорт соҳасида АМИ мамлакатларининг ўзини, шунингдек ЕИга аъзо-давлатлар билан боғловчи автомагистраллар ва тез ҳаракатланувчи темир йўлларнинг қурилиши йирик лойиҳа ҳисобланади. Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши Жанубий Ўрта ер денгизи мамлакатлари, хусусан АМИга аъзо давлатларни ЕИ иқтисодиётига интеграциялашувига имкон беради.

АМИга аъзо давлат билан ЕИ ўртасидаги фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва қазиб олишда, саноат, қишлоқ хўжалиги, денгиз алоқаси, балиқчилик, шунингдек атроф муҳитни ҳимоя қилиш, маданий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ қадамлар амалга оширилмоқда.

1999 йил апрелида Ливияга нисбатан қўлланилган санкцияни бекор қилинишидан сўнг “ЭНИ”, “АДЖИП”, “Репсол”, “Ласмо”, “Оксидентл”, “Тоатал”, “Эльф-Акитэн” ва бошқа Ғарбий Европа, Англия, Канаданинг нефт компаниялари билан унинг ҳамкорлиги тикланмоқда. “ЭНИ” Ливия миллий нефт корпорацияси билан унинг жанубий-ғарбидаги Вафа конидан Италияга газ етказиб бериш учун газ қувурини қуриш ҳақидаги битимни имзолади. Франциянинг “Альстом”, Швейцариянинг “АББ” (Асса Браун Бовери) компаниялари ва “Сименс Бабкок” немис компаниялари консорциуми Сирта шаҳрида қуввати 1200 МВт бўлган электростанция ва шўрсизлантирувчи қурилмалар қурилишида иштирок этиши кутилмоқда. Британия ҳаво йўллари агентлиги Триполи билан фуқаро ҳаво флотини янги самолётлар билан таъминлаш, аэропорт жихозлари ва пилотларни тайёрлаш бўйича шартномани қайта тиклади. Шунингдек ЕИга аъзо давлатлар темир йўл тармоқларини қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, порт, телекоммуникацияларни

замонавийлаштириш ишларида ўз компаниялари иштирок этиш имкониятларини режалаштирмоқда ⁸. Ливия ўзининг анъанвий шериклари, аввало Италия, Франция, Германия, Англия, шунингдек умуман Европа ҳамжамияти билан савдо алоқаларини тикламоқда. Бу Ливия учун келажакда юқорида таъкидлаб ўтилганидек молиявий ёрдам кўрсатиш, ассоциациялашган аъзо тўғрисидаги битим имзоланиши, шунингдек ЕИ билан чамбарчас иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни назарда тутувчи ЕИнинг “Ўрта ер денгизи ташаббуси” дастурига кириш имконияти туғилади. Охирги икки йил мобайнида АМИнинг аъзо давлатлари Тунис ва Марокаш (Миср ва Иордания билан бир қаторда) ЕИда асоциациялашган аъзо тўғрисидаги битимни имзолади. Ушбу шартлашув 2000 йилга келиб Ўрта ер денгизида эркин савдо зоналарини ташкил этиш учун дастлабки қадамлар бўлиши лозим эди⁹.

Ривожланган мамлакатлар Мағриб араб давлатларининг асосий савдо шериклари бўлган: 1970-1990 йиллар мобайнида ушбу араб мамлакатлари маҳсулот айланмаси умумий қийматининг 73,7 фоизи улар хиссасига тўғри келган. Хусусан, экспорт бўйича – 72,2 фоиз ва импорт бўйича – 75,6 фоиз. Кўриб ўтилаётган давр мобайнида араб мамлакатлари маҳсулот айланмасининг умумий қиймати 1970 йилги 8,148 млрд. доллардан 1990 йили 68,396 млрд. долларгача, яъни тахминан 6,5 баробарга ўсди. Бунда экспорт 5,428 млрд. доллардан 30,201 млрд. долларгача, яъни деярли 6 баробарга, импорт эса 2,72 млрд. доллардан 38,195 млрд. долларгача, яъни 18 баробарга ўсди. Экспорт ўсиш суръатининг импорт ўсиш суръатидан ошиши араб мамлакатларининг ушбу давлат гуруҳлари билан бўлган ижобий савдо баланси шу давр мобайнида 0,76 млрд. доллардан 26,45 млрд. долларгача, яъни 34,8 баробарга ўсди.

1-жадвал.

**Мағриб араб давлатларининг ЕИ мамлакатларига қилаётган
экспортининг ўзгариши
(жорий нархларда).**

	1970йил		1975йил		1980йил		1985йил		1990йил	
	Млн. долл ар	%	Млн. долл ар	%	Млн. долл ар	%	Млн. долл ар	%	Млн. долл ар	%
ЕИ мамлакат лари:	5428	100	2243 5	100	5792 6	100	2771 1	100	3020 1	100
Франция	1715	31,6	7357	33	2188 7	37,8	7857	28,3	9059	30
ГФР	921	17,0	4394	19,5	1068 3	18,5	5686	20,5	6231	20,6
Италия	1672	30,8	6637	29,5	1777 8	30,6	1198 7	43,2	1205 9	40,0
Англия	1120	20,6	4047	18,0	7578	13,1	2181	8,0	2852	9,4

Ушбу рақамлар UN. International Trade Statistics Yearbook, N.Y.

орқали жорий нахларда ҳисобланган.

2-жадвал.

**Мағриб араб давлатларининг ЕИ мамлакатларидан қилаётган
импортининг ўзгариши (жорий нархларда).**

	1970йил		1975йил		1980йил		1985йил		1990йил	
	Млн. долла р	%	Млн. долла р	%	Млн. долла р	%	Млн. Долл ар	%	Млн. долла р	%
ЕИ	2720	100	12770	100	38453	100	34338	100	38195	100

мамлакатла ри:										
Франция	1122	41, 2	4021	31, 5	10347	27, 0	9600	28, 0	11815	31, 0
ГФР	596	22, 0	2893	22, 6	10652	27, 7	8615	25, 1	9327	24, 4
Италия	495	18, 2	2985	23, 4	9886	25, 7	9112	26, 5	8231	21, 5
Англия	507	18, 6	2871	22, 5	7568	19, 6	7011	20, 4	8822	23, 1

Ушбу рақамлар UN. International Trade Statistics Yearbook, N.Y.

орқали жорий нахларда ҳисобланган.

Мағриб араб давлатларининг ЕИга аъзо мамлакатлар билан бўлган савдо-иқтисодий алоқаларидаги кўплаб ўзгаришларга қарамай, умумий кўринишда у барқарор бўлди. 80-йилларда кузатилган экспортдаги рақамларнинг ўзгариши биринчи навбатда ушбу даврда юз берган улар иқтисодиётидаги умумий тузилмавий ислохотлар натижасида энергия истеъмолининг қисқариши билан боғлиқ. Шунингдек араб мамлакатларининг ЕИ мамлакатлари билан бўлган савдо алоқалари ҳажмининг қисқариши юз берди.

80-йиллар охиридаги баъзи ўзгаришларни муҳокама қилсак, араб давлатларининг Умумий бозор билан бўлган савдоси 90-йилларнинг иккинчи ярмида сезиларли қисқарди. Бу Ғарбий Европада шаклланган ягона ички бозор билан боғлиқ бўлиб, Ҳамжамият доирасига янги давлатларнинг қўшилиши натижасида импорт миқдори қисқарди. Хусусан, ЕИ мамлакатларида кўмир ва кокс маҳсулотларини импорт қилиш ўсган бўлиб, аввал импорт қилинган қолган маҳсулотлар миқдори қисқарган. Ягона Европа ички бозорини ташкил этиш бўйича тадбирларда импорт қилинаётган қайта ишлаш

саноати маҳсулотлари 10 фоизга, қайта ишланувчи хомашё эса 15-18 фоизга қисқариши кузатилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда араб мамлакатларини ЕИга қилаётган экспорти ёқилғи маҳсулотларини ҳисобга олмаганда 9-9,5 фоизга, ёқилғи маҳсулотларини ҳисобга олганда 1,5-2 фоизга пасаяди. Бундан кўпгина Мағриб араб давлатлари азият чекадилар. Ваҳоланки, ЕИга қилинаётган экспорт маҳсулотларининг сезиларли қисми қайта ишлаш саноати маҳсулотлари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, араб мамлакатларини ЕИга аъзо мамлакатлар билан бўлган савдо алоқаларини ривожлантиришга қисман айрим Ғарбий Европа мамлакатлари ва уларнинг компанияларининг манфаатлари ҳалақит беради. Бир пайтнинг ўзида ЕИ еттита араб мамлакатлари (Жазоир, Марокаш, Тунис, Миср, Ливан, Иордания ва Сурия) ҳамжамиятнинг “имтиёзли шериклари” қаторига кирганлиги учун 1976-1977 йилларда ушбу мамлакатлар билан тузилган преференциал шартномага мувофиқ равишда сиёсат олиб боради. Ушбу шартномага кўра, Умумий бозор ушбу араб мамлакатларидан импорт қилинаётган саноат маҳсулотларига бўлган божхона тарифлари ва миқдорий чекловларни тўла бекор қилиш мажбуриятини олади. Бунда истисно тариқасида Жазоир, Марокаш ва Тунис учун нефт маҳсулотлари ва пробка буюмларига божхона тарифсиз йиллик белгиланган контингент орқали чекланган. Машрик араб давлатлари учун баъзи ипак-пахта тола турлари, нефт маҳсулотлари (Миср ва Сурия учун), фосфор ўғитлар (Миср ва Ливан учун), қайта ишланмаган пахта ипларини (Миср учун) импорт қилишда божхона тарифлари қўйилмаслиги белгиланган. Бундан ташқари ЕИ “ЕИ бозорларидаги мувозанат бузилишига таҳдид солинган” пайтда фосфат ва алюминий маҳсулотлари импортига янги квоталар жорий этиш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдирган¹⁰.

Юқоридаги араб мамлакатлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига ЕИ томонидан кўрсатилаётган имтиёзлар жудаям сезиларли бўлиб, Умумий бозор мамлакатларига қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг 80-85 фоизини ташкил қилади. Масалан, Мағриб араб мамлакатлари учун барча цитрус меваларга қўйилаётган тарифлар 80 фоизга пасайтирилди. Миср ва Иордания учун божхона тарифи цитрус мева турига қараб, лимон маҳсулотларига 40 фоиздан, апельсин маҳсулотларига 80 фоизгача белгиланган. Янги сабзавот ва меваларга қўйилаётган божхона тарифлари 40-60 фоизга пасайтирилиб, ЕИга аъзо мамлакатларга олиб кирилаётган куруқ мевалар, хурмоларга, баъзи гўшт турлари, янги ва консерваланган балиқлар ва бошқа маҳсулотларга қўйилаётган божхона тарифлари умуман бекор қилинди. Шунингдек айрим мамлакатлар учун индивидуал имтиёзлар ҳам мавжуд: Суриядан ўрик маҳсулоти импортида божхона тарифи 60 фоизга, Ливиядан ёнғоқлар импортида – 50 фоизга, Мисрдан гурунч импортида – 25 фоизга камайтирилган¹¹. Ўз томонидан араб мамлакатлари ЕИга аъзо мамлакатларга баъзи истиснолар орқали қулайроқ имкониятлар яратиб бердилар.

Бундан ташқари ЕИ билан Ломей конвенцияси доирасида преференциал шартнома имзолаган тўртта араб давлатлари (Жибути, Мавритания, Сомали ва Судан) учун ЕИга аъзо мамлакатлардан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин олиб чиқиши таъминланган. Шунингдек уларни хомашё экспортдан тушаётган даромадларини барқарорлаштириш механизми, тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш тизими ва хоказолар назарда тутилган.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг етарли рационал тизимига қарамай, араб ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари аввал назарда тутилган уни ривожланиш суръатларидан

паст бўлди. Бунинг асосий сабаби ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасида араб мамлакатларидан импорт қилинаётган у ёки бу маҳсулотлар борасидаги келишмовчилик бўлган. Хусусан, ЕИга Греция, Испания ва Португалиянинг қўшилиши цитрус, зайтун ёғи, вино ва бошқа маҳсулотлар борасида Умумий бозорни араб мамлакатлари олиб бораётган савдо тузилмасига кескин зарба берди. Шу билан биргаликда ЕИга аъзо мамлакатлар сонининг ошиши шартномаларни муҳокама қилиш жараёнини жудаям кескинлаштириб, Ҳамжамиятнинг жанубий шерикларини миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора тадбирлари билан араб мамлакатлари преференциясини тутатиб қолиш муаммосини келтириб чиқарди. ЕИнинг араб мамлакатлари ва Исроил билан олиб бораётган сиёсатида Умумий бозорнинг араб мамлакатлари каби Исроил билан тузган преференциал шартномаси ўз таъсирини кўрсатди. Шунинг учун ЕИ билан Араб мамлакатлари лигаси ўртасидаги музокараларнинг бузилиши, шунингдек Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши(КАДХК) билан ЕИ ўртасидаги битим имзоланишининг барбод бўлиши ажабланмаса ҳам бўладиган ҳолат бўлиб, араб мамлакатларига ҳеч қандай имтиёз берилмай фақат мавжуд савдо шартлари мустаҳкамланди.

Мағриб араб давлатлари ва ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо алоқалар доирасида бошқа муҳимроқ ўзгаришлар ҳам юз берди. Агар аввал араб мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиши Ғарб мамлакатлари томонидан уларнинг хомашё товарларига бўлган талаб билан чамбарчас боғланган бўлса, 90-йиллар бошларига келиб бир қатор араб давлатларида, хусусан нефт казиб олувчи давлатларда, миллий ривожланиш нефтни қайта ишлаш, нефт-химия ва химиявий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги конъюктуравий ҳолатларига жудаям боғлиқлиги шаклланди. Бу борада ушбу маҳсулотларнинг катта қисми ғарб давлатларига бевосита араб давлатларининг миллий компаниялари, ёки уларнинг *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

трансмиллий компаниялар(ТМК) билан тузган шартномасига мувофиқ равишда экспорт қилина бошланди. Шунини таъкидлаш лозимки, бунда араб миллий компаниялари ТМКга маҳсулот сотишда ёки уни зарур эҳтиёж қисмларга алмаштиришда тўла ҳуқуқли шериклар сифатида намоён бўладилар.

Араб мамлакатлари билан ЕИ га аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий шакли сифатида қолаётган ташқи савдодан ташқари, 70-йиллар охирига қадар араб минтақаси иқтисодиётига Ғарб капиталини жалб этиш борасида асосий усул концессия битимлари ёки хорижий компанияларнинг филиалларини ташкил этиш орқали бевосита сармоялар бўлган (баъзида маҳаллий араб капиталининг қисман иштироки билан).

80-йилларда имзоланган кўпгина битимлар бир қатор ҳолатларда концессия битим элементларини сақлаб қолган ҳолда хорижий компанияларни жалб этишда турли шаклларни назарда тутган. Аралаш компанияларни ташкил этиш амалиёти кўпроқ кенг жорий этилган бўлиб, улар аввалдан араб минтақаси саноатининг хомашё тармоқларида мавжуд эди. Шунинг учун араб мамлакатларининг хорижий капитал билан ҳамкорлиги бўйича янги шаклларга ўтиш жоиз эмас. Бу борада турли араб мамлакатларидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш ўзига хос хусусиятга эга эди. Масалан, Форс кўрфази монархиялари Ғарб мамлакатлари билан бўлган шерикчиликда нафақат давлат сектори корхоналари ишининг самарадорлигини оширишдаги гаров сифатида, балки уни кейинчалик хусусий тадбиркорликка трансформация қилиш учун ҳам асос сифатида кўради. Жазоир ва Сурияда ушбу шерикчиликка вақтинчалик ва мажбурий ҳолат сифатида қаралган. Аммо хорижий капиталнинг биринчи ва иккинчи ҳолатлардаги фаолияти жудаям каттиқ давлат назорати остида амалга оширилган.

Аралаш компаниялар тоғ-кон саноатида кенг жорий этилган эди. Фойдали қазилмаларни хориж монополиялар томонидан кейинчалик казиб олиш мақсадида қидириб топишнинг бир неча ҳолатларида ушбу компания шакли концессия шартномаси асосида олиб борилади. Аммо кўп ҳолатларда хорижий капитал билан пай асосида корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги битим бошқарув, техник таъминот, маҳсулотни сотишни ташкиллаштириш ва ҳоказолар бўйича шартномалар “акция пакети” га мувофиқ имзоланган. Шундай “акция пакети” шартномалари араб монархиялари, Миср, Жазоир ва Тунисда кенг қўлланилган.

Капитал соҳасидаги хорижий компаниялар фаолият доираси турли мамлакатларда бир-биридан кескин фарқ қилади. Ушбу ҳолат ҳукумат сиёсатининг ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги, унинг давлат сектори, маҳаллий хусусий тадбиркорлик, хорижий капитал ва бошқаларга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади.

Масалан, Ливияда 1976-1980 йилларда хорижий компаниялар билан имзоланган шартнома бўйича олинган капиталнинг умумий қийматида (10 млрд. доллар) ривожланган мамлакатлар хиссасига 5,9 млрд. доллар (59 фоиз) , ривожланмаган мамлакатларга – 2,5 млрд. доллар (25 фоиз), социалистик мамлакатларга – 1,6 млрд. доллар (16 фоиз) тўғри келган. Ушбу давр мобайнида ғарб мамлакатлари оғир ва енгил саноат объектларини қуриш бўйича шартномаларнинг 84 фоизини олган бўлсалар, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал қурилишлар соҳасидаги 50 фоиздан зиёд шартномали ишларни бажардилар. 1981-1985 йилларда, Ливиянинг ғарб шериклари билан бўлган сиёсий алоқалари кескинлашган пайтда, ривожланган мамлакатлар хиссасига 7,8 млрд. доллар (26 фоиз), ривожланмаган мамлакатларга – 18,6 млрд. доллар (62 фоиз) ва социалистик мамлакатларга – 3,4 млрд. доллар (12 фоиз) тўғри келган. Шунга қарамай, ғарб мамлакатлари саноат (ушбу соҳада имзоланган

шартномалар қийматининг 74 фоизи), транспорт ва алоқа соҳасида (42 фоиз) ўз мақеиларини сақлаб қолганлар¹².

Жазоирда раҳбарият хорижий капитал фақат давлат томонидан каттиқ назорат ўрнатилган ҳолатда жалб этиш принциpidан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Бунинг устига хорижий фирмалар “фақат улар жудаям зарур бўлган тармоқларда ва миллий ташкилот ассоциацияларида фаолият юритиши мумкин”. 1985 йили мамлакатда ғарб капиталидаги 53та аралаш компаниялар фаолият юритган бўлиб, бунда француз капитали билан – 12та, америка – 9, италия – 8та ва ҳоказо¹³. Шунингдек энергетика ва химия соҳаларида Италия ва Француз фирмалари, қурилиш ишларида Француз ва Бельгия фирмаларининг мақеилари кучли бўлган.

Марокашда 80-йилларда хорижий капиталнинг мақеи сезиларли мустаҳкамланган бўлиб, бу ерда ҳамкорликнинг асосий шакли қайта ишлаш, қазиб олиш ва автомобил йиғиш саноатларида, энергетика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аралаш компаниялар ташкил этиш бўлган. Асосий мақеини Француз (барча аралаш компанияларнинг 20 фоизи) ва Америка капитали (мамлакатда АҚШ саноат ва савдо компанияларининг 200та бўлим ва ваколатхоналари фаолият юритган) эгаллаган¹⁴.

90-йиллар бошларида Араб мағриби мамлакатлари билан ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар барқарорлиги Жазоир, Яман халқ демократик республикаси(ЯХДР), Ироқ ва Ливияни “социалистик йўналишга буриш”нинг муваффақиятсиз тажрибаси, социалистик тизимни барбод бўлиши ва ғарб мамлакатларининг, биринчи навбатда АҚШ, ташқи иқтисодий мақеининг жадаллашувига боғлиқ.

3. Мағриб араб давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболи.

Мағриб араб давлатлари билан Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий ва сиёсий алоқаларнинг тарихий негизи асрларга тенг. Масалан, XIV асрда яшаган Шимолий Африкадан бўлган машҳур сайёҳатчи Ибн Баттута ўзининг “Рихлат Ибн Баттута” (Ибн Баттутанинг саёҳати) китобида ўрта асрлардаги бизнинг минтақа тарихи бўйича қимматли ва бой манба қолдирган¹⁵. Амир Темур ҳукмронлиги даврида Миср билан жудаям фаол дипломатик муносабатлар қўллаб-қувватланилган¹⁶.

Турли тарихий ҳолатларга кўра бузилган Шимолий Африка мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий алоқаларни тиклаш ва жадал ривожлантириш учун бир қатор қулай омиллар мавжуд. Хусусан, ушбу мамлакатлар нефт, табиий газ, рангли металллар ва қурилиш материаллари каби турли хил қазилма бойликларига бой. Қайд қилинган омиллар, жаҳон бозорларига олиб боровчи асосий йўللارга географик жиҳатдан яқинлиги, эмиграция анъанаси, бу ерда дунё тан олган маданий ва маърифий марказларнинг мавжудлиги туфайли Шимолий Африка араб мамлакатлари халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида муҳим ўринни эгаллаганлар. Айтиб ўтилган омиллар қадим вақтлардан буён Шимолий Африка араб давлатларининг халқаро ҳаётдаги фаолиятида асосий рағбат бўлиб хизмат қилган. Ушбу ҳолат қисман айнан ушбу Шимолий Африка араб давлатлари барча араб давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўзларининг дипломатик ваколатхоналарини очганлар. Миср Араб Республикаси (МАР), Марокаш, Жазоир ва Тунис давлатларининг элчихоналарини Тошкентда очилиши Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини умуман араб дунёсида тан олиниш амалиётини ва Африка мамлакатлари билан тўла ҳуқуқли сиёсий-иқтисодий ҳамкорликни бошлаб берди.

Африка араб давлатлари худудий жиҳатдан араб дунёсининг тахминан ярмини, умумий аҳоли сони бўйича эса ундан кўпроғини ташкил этади. Масалан, араб дунёси аҳолисининг тахминан 250 млн. кишидан 150 млн. кишиси ушбу контонгентнинг шимолий ва шимолий-шарқда истиқомат қилади. Улар ичида МАР йирик ва ва зич аҳоли истиқомат қиладиган мамлакат бўлиб, 2004 йили унинг аҳолиси тахминан 70 млн. кишини ташкил қилган. Шунингдек 20-27 миллион аҳоли сони бўйича Судан, Жазоир ва Марокаш келади.

Ўзбекистоннинг Шимолий Африка араб давлатлари билан бўлган сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари стратегиясини аниқлашда бир қатор аниқ омиллардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биринчидан, ушбу мамлакатларнинг ҳар бирини глобал халқаро сиёсий-иқтисодий муносабатларда ҳозирдаги ва келажакдаги ўрнини эътиборга олиш лозим. Иккинчидан, келажакда Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун мустамлака пайтидан кейинги ушбу мамлакатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганишнинг амалий аҳамиятидан келиб чиқиш. Учинчидан, яқин келажакда улар билан ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган моддий, руҳий ва маданий манфаатларнинг амалий имкониятларини назарда тутиш.

Юқорида айтиб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Шимолий Африка араб давлатлари билан уларни учта гуруҳга ажратиш орқали уч босқичли ҳамкорликни таклиф қилиш мумкин. Улардан биринчисига мантиқий равишда тўртта мамлакатни – МАР, Жазоир, Тунис ва Марокаш; иккинчисига – Ливия ва Судан; ва ниҳоят учинчисига – Мавритания, Сомали ва Жибутини қўшилади. Таклиф этилаётган классификацияга мувофиқ равишда шуни таъкидлаш лозимки, у ёки бу гуруҳ, ёки айрим Африканинг араб мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий ҳамкорликни ўрнатилиши ҳамма вақт ҳам у

ерда элчихона, консулхона ёки савдо-иқтисодий ваколатхонани очилишини назарда тутмайди. Бундан ташқари бизнинг республикамизнинг ҳозирдаги ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий эҳтиёжи учун Шимолий Африкадаги иккита дипломатик ваколатхоналар билан чегараланиши кифоя қилади. Шу билан биргаликда, ҳозирда мавжуд МАРдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасидан ташқари Тунис, Жазоир ва Марокашда ҳам элчихона очиш мақсадга мувофиқ. Аммо ушбу ҳолатда кўрсатиб ўтилган мамлакатлардаги мавжуд ва режалаштирилаётган дипломатик тузилмага минтақа характериға хос бўлган вазифалар бериш шарт.

Ушбу ҳолатдаги “минтақавий” тушунчаси остида мавжуд элчихоналарни бир мамлакатдан кўпроқ мамлакатларда иш олиб боришға йўналтиришни назарда тутлади. Шу нуқтаи назардан, масалан ҳозирда мавжуд ва режалаштирилаётган иккинчи дипломатик ваколатхоналар ўртасида мамлакат жойлашувининг ҳозирдаги мавжуд босқичини таклиф қилиш мумкин. МАРдаги элчихона асосий вазифаларидан ташқари Ливия, Судан, Сомали ва Жибути билан алоқа ва ҳамкорликни ўрнатиш имкониятлари ўрганиш билан шуғулланиши мантиққа тўғри келади. Иккинчи тахмин қилинаётган элчихона тарихий ривожланишида, шунингдек улардаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, иқтисодий тузилмаларни амалға оширилишида кўпгина умумийликка эға бўлган учта Араб мағриби мамлакатлари – Тунис, Жазоир ва Марокаш давлатлари билан шуғулланиши мумкин. Ушбу элчихона Мавритания билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ҳам ўрганиши мумкин.

Араб мағриби мамлакатлари мустақилликка эришгандан кейинги даврда давлат билан дин ўртасидаги ўзаро алоқа тажрибасини ўрганиш ҳам Ўзбекистон учун жудаям катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Деярли барча мағриб мамлакатлари – Тунис, Жазоир ва Марокаш, ўзларини мустақил ривожланиш даврида ҳар қандай диний

ҳаракатларни назорат остида ушлаб туришга ҳаракат қилганлар. Баъзи ғарб тадқиқотчилари шундай ўзига хосликни Туниснинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида аниқроқ ҳолатда кўрадилар.

Араб мағриби мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш тажрибасида Ўзбекистон учун амалий қизиқиш уйғотувчи яна бошқа бир қатор омиллар мавжуд. Аввало уларнинг аҳамияти бизнинг республикаимизнинг ҳозирги босқичдаги ривожланишида ўхшаш томонларни бўлиш эҳтимоли билан аниқланади. Масалан, Жазоир Марказий Осиё қанча мустамлака остида турган бўлсалар, шунча вақт мобайнида у ҳам бўлган. Франция Жазоир мустақиллигини тан олгандан кейин деярли 800 минг киши ушбу давлатни тарк қилган. Мигрантларнинг асосий қисми врачлар, ўқитувчилар, инженер, техник, тадбиркор ва шулар каби юқори малакали мутахассислардан иборат эди. Жазоирдан катта миқдордаги капиталларни асосан Францияга чиқиб кетиши кузатилган. Табиийки, буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг мустақил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, айниқса дастлабки йилларда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда қийинчиликлар туғдирди. Аммо айрим тадбир чораларни амалга оширилиши Жазоир учун нафақат француз мустамлакачиларининг ушбу ўзига хос бойкотининг оғир оқибатларини бартараф этиш, балки нисбатан қичқа муддат ичида илғор Африка давлатларидан бирига айланиш имкониятини берди¹⁷.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хужжат ва мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш лозимки, Шимолий Африка араб мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини режалаштиришда нафақат ҳозирги кундаги манфаатларга йўналтириш, балки узоқ муддатли келажакни ҳам кўра олиш зарур. Масалан, Ливиянинг халқаро сиёсий ҳаётдан ҳозирги кундаги изоляцияси вақтинчалик характерга эга бўлиб, ушбу ажойиб давлатнинг халқаро сиёсий-иқтисодий алоқалардаги ўрнини ўзгариш эҳтимолига тайёр тура олиш лозим.

Изоҳлар.

1. Jeune Afrique, 1989, №1477, 46-бет
2. Договоры, учреждающие Европейские сообщества. – М., 1994, 101-бет.
3. Еропа на пороге XXI века: Ренессанс или упадок. – М., 1998, 142-бет.
4. Еропа на пороге XXI века: Ренессанс или упадок. – М., 1998, 143-бет.
5. Le politique mediterranneenne de la Communaute europeenne. Bruxelles. 1993, 32,33-бетлар.
6. Европа и Россия: Проблемы южного направления. Средиземноморье – Черноморье –Каспий. М., 1999, 112-бет.
7. Европа и Россия: Проблемы южного направления. Средиземноморье – Черноморье –Каспий. М., 1999, 112-бет.
8. The MEED. 18.06.1999.
9. БИКИ, № 120-121, 12.10.1990
10. Hine R.C. The Political Economy of European Trade: an Introduction to the Trade Policies of the EEC. P., 1985, 21-бет
11. Филимонова Т.В. Новые аспекты средиземноморской политики ЕЭС в 80-е годы. –БИКИ. 1985, Прил. 12, 66-бет
12. БИКИ. 02.04.1987
13. БИКИ.07.06.1986
14. Problemes economiques. P., 1988, № 2086, 24-27 бетлар
15. Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. Тошкент, 1993
16. А.А.Хасанов. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV - начале XV вв// Востоковедение, сборник научных трудов ТашГУ. Ташкент, 1981.

17. Ал-Жазаир: ад-далил ал-иқтисоди вал-ижтимаъи. Ал-муассаса ал-ватания лин-нашр вал-ишхар. Ал-Жазаир, табъа 1989 (араб тилида).

Фойдаланилган адабиётлар.

1. В.А.Исаев. Арабские страны в международном разделении труда. Москва. 1996.
2. З. Мунаввров. Узбекитстан и арабский мир: перспективы сотрудничества. Ташкент, 1997
3. Интернет маълумотлари.

Маъруза-3. Мавзу: Саудия Арабистони подшоҳлиги

РЕЖА:

7. Саудия Арабистонининг иқтисодий-географик жойлашуви хақида умумий тушунча.
8. Саудия Арабистони иқтисодиётида нефт ва газ ресурсларининг ўрни.
9. Саудия Арабистонида саноатни диверсификация қилиш жараёни.
- 10.Саудия Арабистонининг молия ва савдо тузилмаси.
- 11.Саудия Арабистонининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели.
- 12.Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар.

Саудия Арабистони жанубий-ғарбий Осиё, Арабистон ярим оролида жойлашган давлатдир. У жанубдан Яман (чегара узунлиги *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

1458 км.), шимолдан Ироқ (814 км.), Иордания (728 км.) ва Кувейт (222 км.), жанубий-шарқдан Уммон (676 км.) ва Бирлашган Араб Амирлиги (457 км.), шарқдан Катар (60 км.) билан чегарадошдир. Чегаранинг умумий узунлиги 4415 км, қирғоқ ерларининг узунлиги 2640 км.дир. Мамлакат умумий майдони турли ҳисобларга кўра 1750000дан 2200000 кв.км.гачадир.

Аҳолиси – 26,4 млн.киши (2005 йил). Мамлакатда деярли барча аҳоли ислом динига эътиқод қилади. Давлат тили – араб тили.

Пул бирлиги – Саудия риёли (1 риёл – 100 ҳалалга тенг).

Давлат тузилмаси.

Мамлакатнинг тўлиқ номи – Саудия Арабистони подшоҳлиги. Давлат тузилиши – абсолют теократик монархия. Мамлакат таркибига 13та провинция киради. Пойтахти –Ар-Риёд шаҳри.

Саудия Арабистони 1932 йил 23 сентябрда мустақил бўлган. Қонунчилик ислом қонунларига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи- монарх. (Фахд бин Абдул Азиз Ас-Сауд мамлакатни 1982 йил июнидан бошқармоқда).

Қишлоқ хўжалиги.

Хайдаладиган ерлар мамлакат майдонининг 1%ини ташкил қилади. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – буғдой, арпа, цитрус мевалар, хурмо (жаҳонда хурмо етиштириш бўйича 2-ўринни эгаллайди).

Саудия Арабистони иқтисодиётида нефт ва газ ресурсларининг ўрни.

20-асрнинг 40-йй.дан бошлаб нефт ва газ ресурсларини интенсив ўзлаштириш Саудия иқтисодий тараққиётига хал қилувчи таъсир кўрсатди. Саудия Арабистонида нефт ва газ захиралари бир Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

неча бор ўрганилган. «British Petroleum» статистик эксперт хизмати маълумотларига кўра 1998 йил 1 декабр ҳолати бўйича Саудия Арабистонида аниқланган нефт заҳиралари 35,8 млрд.тоннага тенг бўлиб, у Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши(КДХК)га аъзо мамлакатлар нефт заҳираларининг 56,9% (62,9 млрд.т.), ОПЕКга аъзо мамлакатлар нефт заҳираларининг 24,8%(108,8 млрд.т.) ва жаҳон нефт заҳираларининг 24,1%ини(144,35 млрд.т.) ташкил қилади.

Газ заҳиралари 1998 йил 1 декабр ҳолатига кўра жаҳон газ заҳиралари салмоғининг 3,7%ини ташкил этди. Мамлакат нефт заҳираларининг умумий ҳажми бўйича жаҳонда биринчи, газ заҳиралари бўйича эса 5-ўринни эгаллайди.

Мамлакат ёқилғи ресурсларига бой эканлиги саноат ишлаб чиқаришда нефт ва газ мажмуасининг етакчи ўринга эга бўлишига олиб келди. Бироқ мамлакатда меҳнат ресурсларининг сифат жиҳатидан қоқоқлиги, заҳираларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш учун ички имкониятларнинг мавжуд эмаслиги натижасида Саудия Арабистони нефтни ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида нефт заҳиралари хорижий капитал (асосан, жаҳон, ОПЕК, АҚШ ва Буюк Британия) томонидан концессия шартномаси асосида монополь равишда эксплуатация қилинди ва унда «катта еттилик» номи билан машҳур бўлган нефт монополиялари гуруҳлари – «Standard Oil Of New Jersey», «Mobil», «Royal Deutch Shell», «Texaco», «Standard Oil of California», «British Petroleum» ва «Company Franse de Petrol» катта мавқега эга бўлдилар. Айнан мана шу гуруҳлар асосида маҳаллий нефт компанияларининг филиаллари ташкил этилди.

Концессия – давлат ёки маҳаллий органларга тегишли бўлган табиий бойлик манбалари, корхоналар ва бошқа хўжалик объектларини маълум бир муддатга хорижий фирма ёки хусусий шахсларга фойдаланиш учун бериш ҳақидаги шартнома. Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ давлат шартнома мажбурияти тугагандан сўнг концессияни бекор қилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Саудия нефт-газ саноатига хорижий капиталнинг кенг жалб этилиши иқтисодий зарурият бўлиб, у куйидаги омиллар билан изоҳланар эди:

- Нефт заҳиралари аниқлангунга қадар Саудия Арабистони йирик капитал қўйилмалар талаб қилувчи геологик қидирув ишларига дастлабки капитални киритиш учун минимал молиявий имкониятларга ҳам эга эмас эди;
- Нефтни қазиб олиш учун технологиялар, машина ва ускуналар мавжуд эмас эди;
- Мамлакатда нефтни қайта ишлаш заводи бўлмаганлиги сабабли уни хорижий заводларга етказиб бериш учун транспортларда ташиш муаммосини Саудия мустақил хал эта олмас эди;
- Нефт ва нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторига хизмат кўрсатиш учун тегишли инфратузилма объектларини барпо этиш зарур эди;

Бугунги кунда Саудия Арабистони нафақат нефт заҳиралари, балки уни ишлаб чиқариш бўйича ҳам жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда 1999 йилда 364,2 млн.тонна ёки бир кунда 7560 минг баррел нефт қазиб олинди. Бу ОПЕКга аъзо мамлакатлар томонидан қазиб олинadиган нефтнинг деярли учдан бир қисмини ва жаҳон нефт ишлаб чиқаришининг 12,6%ини ташкил қилди.

Саудия Арабистонида нефт заҳиралари ва нефт ишлаб чиқариш динамикаси

Йиллар	Нефт заҳираси (млрд.баррел йил	Нефт қазиб олиш (бир кунда минг
1985	169,2	3174,8
1986	169,6	4784,2
1987	170,0	4124,0
1988	252,4	5200
1989	254,9	5100
1990	260,0	6400
1991	260,9	8100

1992	260,34	8332,0
1993	261,2	8047,0
1994	261,4	8049,0
1995	261,4	8000
1996	261,5	8149
1997	261,5	8398
1998	261,6	8280
1999	261,6	7560
1999 йилда 1985 йилга	154,6	238,1

Манба: Саудия Арабистони Саноат вазирлигининг 2001 йилдаги маълумотлари асосида тузилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Саудия Арабистонида табиий газнинг ҳам йирик захиралари мавжуд бўлиб, унинг бугунги кунда аниқланган умумий захираси 5,79 трлн. куб метрни ташкил қилади. 1985-1999 йилларда табиий газ қазиб олиш 2,5 марта ошган бўлса, унинг захираси қарийб 1,6 баробарга кўпайган. Бу энг аввало шу билан изоҳланадики, кейинги йилларда Саудия ҳукумати газ саноати ривожланишига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Агар мамлакатда газ конларини етарли даражада ўрганилмаганлигини ҳисобга олсак, яқин истиқболда Саудия жаҳон газ бозорида нафақат ўз ўрнини сақлаб қолади, балки ундаги улушини ошириш имкониятига ҳам эга бўлади.

1-жадвал.

Саудия Арабистонида табиий газ захиралари ва табиий газ ишлаб чиқариш динамикаси

Йиллар	Табиий газ захиралари (трлн куб ф)	Табиий газ қазиб олиш (бир кунда) млн куб ф)
1985	130,2	2952,3
1986	139,9	3049,7
1987	145,8	2989,7
1988	183,5	4011,7
1989	183,6	4499,0
1990	114,7	4770,0
1991	184,5	6261,2
1992	183,1	6395,2
1993	185,9	6479,2
1994	185,0	6728,2
1995	189,3	6728,2

1996	189,2	7163,5
1997	188,6	7293,3
1998	190,0	7381,8
1999	207,0	7381,2
1999 й.да 1985	159	250
й га нисбатан %		

Манба: Саудия Арабистони саноат вазирлигининг 2001 йилдаги маълумотлари асосида тузилган.

Саудия Арабистонида ёқилғи саноати миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил қилиб, бюджет тушумларининг асосий манбаи ҳисобланади. ХВФ ҳисоб-китобларига кўра, унинг хиссасига Саудия Арабистони ЯИМнинг 35,3%и тўғри келади. Нефт экспорти 50,6 млрд. доллар валюта тушумини келтирган. Бу жами валюта тушумининг 79,8%и демакдир.

Нефт нархининг 90-йиллар охирларида пасайиши ҳам Саудия Арабистони иқтисодиётига кучли таъсир кўрсатди. Агар 1996 йилда ОПЕК 7-нав нефтнинг ўртача баҳоси 1 баррелга 20 долларни ташкил қилган бўлса, 1998 йилда 13 долларга, 1998 йилнинг 1-кварталида 10 долларга тушиб қолди. Шундай қилиб, икки йил давомида нефтнинг қадрсизланиши 50%ни ташкил қилди. 1998 йилда КАДХК мамлакатлари нефт экспортидан 1997 йилга нисбатан 35 млрд. доллар кам валюта тушумига эга бўлдилар. Бундан эса нефт ишлаб чиқаришда энг катта улушга эга бўлган Саудия Арабистони кўпроқ зарар кўрди.

Албатта, 90-йилларнинг охирида нефт нархининг пасайишига ОПЕК мамлакатларида нефт ишлаб чиқариш ва экспорт квотасининг оширилиши, Жанубий-Шарқий Осиёдаги иқтисодий инқироз кучли таъсир кўрсатди. Бироқ нефт нархи пасайишининг биринчи марта юз бермаётганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда бу муаммога чуқурроқ ёндошиш лозим бўлади.

Жаҳон нефт бозорида нархларнинг пасайиши бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) 1973 йилда араб мамлакатлари томонидан Ғарб мамлакатларига қўлланилган эмбарго нефтни импорт қилувчи мамлакатларда қарши чорани излашга ундади. Шу муносабат билан саноати ривожланган мамлакатлар фани ва ишлаб чиқариши олдига энергия ресурсларини минималлаштириш имконини берадиган тежамкор замонавий технологиялар яратиш мақсади қўйилди. Бу кўрсаткич ҳар қандай техник янгиликни баҳолашда асосий параметр бўлиб қолди. Экспертлар тахминига кўра, кейинги чорак аср мобайнида араб мамлакатлари нефтининг асосий истеъмолчилари бўлган Ғарбий Европа мамлакатларида бир шартли маҳсулотнинг энергия сиғими 20%га пасайди. Бу мамлакатларда энергиянинг муқобил манбаларини илмий излаш фаоллашди.
- 2) Энергетик хавфсизликни таъминлаш мақсадида араб дунёсидан ташқари, хусусан, Венесуэла, Мексика, Шимолий денгизда нефт конларини ўзлаштириш фаоллашди ва бу жаҳон нефт хажмининг ошишига таъсир кўрсатди.
- 3) 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланган мамлакатлар нефт сақлаш иншоотлари қуришга алоҳида эътибор қарата бошладилар. Вужудга келган йирик заҳиралар жаҳон нефт бозоридаги конъюктуравий ўзгаришлардан ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишга, яъни қулай конъюктура даврида нефт сотиб олиш, ноқулай ҳолатда эса импортни қисқартиришга имконият яратади.
- 4) Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар нефт маҳсулотларига нисбатан савдо санкцияларини қўллай бошладилар. Чунончи, Европа Иттифоқи мамлакатлари энергия манбаларига бож тўловларини жорий қилдилар. Бу эса нефт нархининг ошиши билан боғлиқ

харажатларнинг бир қисми нефт ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг ўзларига юкланишига олиб келди.

- 5) Нефт нархининг ошиши кўп ҳолларда озиқ-овқат, биринчи эҳтиёж моллари ҳамда қимматбаҳо буюмлар нархининг ошишига олиб келди. Форс Кўрфази мамлакатлари, шу жумладан, Саудия Арабистони эса ушбу товарларни асосан импорт қилади. Натижада, нефтга бўлган нархни оширишдан олинадиган иқтисодий самара импорт харажатларининг ошиши эвазига сезиларли даражада пасайди.

Маълумки нефт ва газ ресурслари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради. Ҳисоб-китобларга кўра, Саудия Арабистонида мавжуд нефт заҳиралари ишлаб чиқариш хажми шу даражада сақланиб турса, яна 93 йилга, газ заҳиралари 76 йилга етади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тикланмайдиган ресурслар қачондир тугайди. Шу муносабат билан диверсификация жараёни Саудия Арабистони олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат тармоқларини ривожлантирмасдан, унинг таркибини эса бозор талабларига мувофиқлаштирмасдан туриб иқтисодий тараққиётда жиддий натижаларга эришиб бўлмайди. Шу муносабат билан ҳар қандай мамлакат ўз табиий, меҳнат ва инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб этиш воситасида кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратади.

Саудия Арабистонида саноатни диверсификация қилиш жараёни.

Саудия Арабистони иқтисодиётида амалга оширилаётган диверсификация жараёнлари ҳам эътиборга лойиқдир. Ҳукумат нефтдан бошқа саноат тармоқларини ривожлантиришга устуворлик

Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

бермоқда. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, диверсификация жараёнларини амалга оширишда нефт экспортидан тушган даромадлар асосий ўринни эгаллайди.

Саудия Арабистонида бозор муносабатлари интеграция жараёнлари, хусусий секторнинг нефт соҳаси бўлмаган секторлари, энг аввало озиқ-овқат, тўқимачилик, металга ишлов бериш саноати ривожланишига йўналтириш қулай истиқболга эга бўлади. Нефт ва нефт-химия саноати анъанавий равишда Саудия Арабистони давлат секторининг имтиёзли соҳаси бўлиб қолди. Нефт омилининг ривожланишига алоҳида аҳамият бериш бир томондан кейинги иқтисодий ўсишни яратувчи сифатида хусусий сектор ривожланиши билан, бошқа томондан эса янги иқтисодий сиёсат билан қўшилиб кетади.

Шу билан бир қаторда нефт-газ захираларининг тикланмайдиган ресурслар эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари иқтисодиётни нефт ресурсларига кучли боғлиқлиги унинг жаҳон нархларига таъсирчанлигини оширади. Шу муносабат билан Саудия Арабистони ҳукумати иқтисодиётни диверсификациялашга, бошқача қилиб айтганда, ҳар хиллаштиришга, нефтдан бошқа тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мамлакат иқтисодиётида нефт-газ мажмуасининг етакчи ўринга эга эканлиги, ишлаб чиқаришнинг монополиялиги уларнинг жаҳон нефт-газ конъюктурасига боғлиқлигини кучайтиради. Бу эса иқтисодиёт ривожланиши истиқболларини белгилашда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Саноат ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш Саудия иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Саудия Арабистонида диверсификация нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириш, даромад келтирувчи ресурсларни хилма-хиллаштириш сифатида талқин қилинади. Хусусан, мамлакатнинг олтинчи беш йиллик режасида(1995-2000 йй.) диверсификация

қуйидагича изоҳланади: «Нефт экспортдан келадиган тушумлар мақсад қилиб қўйилган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни амалга ошириш учун керакли молиявий ресурсларни таъминласа-да, бошқа томондан у мамлакат иқтисодиётини жаҳон нефт бозоридаги конъюктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда. Шу сабабли ушбу боғлиқликни камайтириш учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ва юқори суръатларда ўсиб бораётган мамлакат аҳолисининг ошиб боровчи эҳтиёжларини қондириш учун даромад келтирувчи ресурсларни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратмоқ лозим».

Араб олимлари диверсификацияни «нефтдан бошқа тармоқларни ЯИМ таркибидаги улушининг ошиши» сифатида аниқлайдилар. Албатта бу таъриф бир томонлама характерга эга ва Саудия Арабистонининг ривжланиш хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Умуман олганда, саноат ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш – бу бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анаъанавий бозорларда мамлакат мавқеини мустаҳкамлашда юқори самарага эришиш мақсадида саноат ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора тадбирлар мажмуи.

Саудия Арабистонининг молия ва савдо тузилмаси

Саудия Арабистонида молия ва савдо барқарор тузилмага эга. Саудия Арабистонининг молиявий соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи асосий органлари бўлиб молия ва миллий иқтисодиёт вазирлиги ва Саудия Арабистони валюта агентлиги хизмат қилади.

Саудия Арабистонининг савдо-иқтисодий шерикларини, шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- АҚШ (асосий иқтисодий шерик);
- Ғарбий Европа мамлакатлари (Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Швейцария);
- Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши(КДХК)га аъзо мамлакатлар;
- Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Япония, Хитой, Корея, Сингапур ва Малайзия);

1996-97 йиллардаги савдо айирбошлашнинг маълум миқдорда камайишига қарамасдан, АҚШ Саудия Арабистонининг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолмоқда. 1997 йили мамлакатнинг АҚШдан қилган импорти бутун импорт хажмининг 20%ини ташкил қилиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо айирбошлаш хажми 16,7 млрд. АҚШ доларидан иборат бўлди.

Охирги йилларда мамлакатнинг ташқи савдосида Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани мамлакатлари, жумладан Япония, Малайзия, Сингапур ва Хитой катта ўрин эгалламоқда. Мазкур мамлакатларга Саудия Арабистони катта миқдорда нефт етказиб бермоқда. Улардан эса замонавий асбоб-ускуналар ва электроника, шунингдек, кенг истеъмол маҳсулотларини олмоқда.

2-жадвал.

Саудия Арабистони ташқи савдо айланмаси

(млн.АҚШ доллари)

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт

1992	83448,3	50220	33228,3
1993	70502,9	42338,6	28164,3
1994	65877,0	42557,3	23319,7
1995	78024	49974,3	28049,9
1996	88375,5	60647,5	27728
1997	89356,3	60651,5	28704,8
1998	68742,5	38770,1	29972,5
1999	78683,8	50689,1	27994,7
2000	107678,1	77480,8	30197,3
2000 й.да 1992 й.га нисбатан %да	129,0	154,2	90,8

Манба: Central Department of Statistics, Ministry of Planning ва Социально экономическое положение Республики Узбекистан за 1995, 1996, 1997, 1998, 1999, 2000 годы статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-2000 йилларда Саудия Арабистонининг ташқи савдо айланмаси 129%га ўсган. Шунини таъкидлаш жоизки, Саудия Арабистонида ташқи савдо айланмасининг ўсиши асосан экспорт ҳисобига юз берган.

Жаҳон бозорида нефт нархларининг пасайиши 1993 ва 1994 йилларда мамлакат ташқи савдо айланмасининг 1992 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайишига олиб келди. 1993 йилда 1992 йилга нисбатан ташқи савдо ҳажми 15,5%га (12,9 млрд. доллар) пасайган бўлса, 1994 йилда 21,1%га (17,6 млрд. доллар) пасайди. 1995 йилдан бошлаб нефт нархининг ўса бошлаши ва 1996-97 йиллардаги қулай конъюнктура натижасида ушбу йилларда Саудия ташқи савдоси ўсиш тенденциясига эга бўлди. 1997 йили эса кейинги 8 йилдаги энг юқори натижага эришилди. Шу йили нефт экспортидан 1992 йилга нисбатан *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

10,4 млрд. доллар кўпроқ валюта тушуми олинди. Аммо нефт нархининг 1998 йилдан бошлаб яна пасайиши ташқи савдо айланмаси динамикасига салбий таъсир кўрсатди. 1998 йилда 1997 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 23%га ёки 20,6 млрд.долларга, экспорт эса 36,1%га ёки 21,9 млрд. долларга қисқарди. 1999 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб нефт нархининг ошиши Саудия ташқи савдо айланмасининг 1998 йилга нисбатан 14,5%га ёки 9,9 млрд. долларга ошишини таъминлади. 2000 йилда эса нефт нархларининг яна кўтарилиши ташқи савдо айланмасининг 1999 йилга нисбатан 36,8%га ёки 29 млрд. долларга ошишига олиб келди.

Саудия Арабистони ташқи савдо динамикасида яна бир тенденция эътиборга лойиқ: мамлакатнинг анъанавий экспорт маҳсулотлари бозорида улар учун қулай конъюктура шаклланган йилларда ташқи савдода ижобий сальдо, ноқулай конъюктура даврида салбий сальдо вужудга келган. Бу шундан далолат берадики, мамлакатнинг экспорт номенклатураси ниҳоятда тор ва бошқа маҳсулотлар экспорти жами экспортга сезиларли таъсир кўрсата олмайди. Экспортнинг товар таркиби бу ҳақида тўлароқ маълумот беради.

3-жадвал.

Саудия Арабистони экспортининг товар таркиби

	1995		1997		1999		1999 йилда 1995	
	Млн.\$	%	Млн.\$	%	Млн.\$	%	Млн.\$	% (қиёс.)
Минер	43488,8	87,0	53349,7	88,0	44993,9	88,8	1505,1	1,8
Ози- қовқат	423,7	0,85	442,7	0,7	471,5	0,9	47,8	-0,8
Химия	2710,9	5,4	2942,9	4,8	2450,4	4,8	-260,5	-0,8
Пластм ассе	1454,7	2,9	1509,9	2,5	941,1	1,9	-513,6	-1

Метал ва метал	701,7	1,4	800,5	1,3	580	1,1	-121,7	-0,3
Электр уस्कунла	226,9	0,45	286,9	0,5	232,8	0,4	5,9	-0,05
Бошқал	497,7	1,0	609,3	1,0	521,1	1,0	23,4	0
Резксп	469,8	0,9	659,5	1,1	498,4	1,0	28,5	0,1
Жами	49974,3	100	60651,5	100	50689,	10	q 714,8	—

Манба: Saudi Arabian Central Department of statistics, 2001.

Шунга қарамай Саудия Арабистони катта савдо-иқтисодий ва молиявий имкониятларга эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Мамлакат миллий даромадининг 75%и, ЯММнинг салкам 45%и ва экспортнинг 90%дан кўпроғи нефт ҳисобига шаклланади. 1998 йилда жаҳон бозорида нефт нархларининг ниҳоятда пасайиб кетганлиги боис, ЯММ 130 млрд. долларни ташкил қилди. 1999 йил ва ундан кейинги йилларда нефт нархининг кўтарилиши вазиятни бир мунча енгилаштирди. Бунинг натижасида 1999 йили ЯММ 140,9 млрд. долларни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2002 йилда 185,1 млрд. долларга етди. 2002 йилда ЯММ аҳоли жон бошига 7944 АҚШ долларида иборат бўлди.

Саудия Арабистонининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели.

Иқтисодий ривожланиш моделлари бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, миллий хўжаликнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашув даражаси, у ердаги иқтисодий муносабатлар характери, хусусий ва давлат сектори ўртасидаги нисбат, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш усуллари бўйича фарқ қилади. Умуман олганда уларни бирлаштириб турувчи мақсад битта, у ҳам бўлса ҳар

қандай иқтисодий ривожланиш модели ўша мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ошириш, кишиларни яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиши лозим.

Кўпгина илмий адабиётларда модел тушунчасига бир қанча таърифлар берилган. Баъзилар уни давлат тизими сифатида талқин қилсалар, баъзилар ижтимоий-иқтисодий формация деб атайдилар. Яна бошқа бир гуруҳ олимлар фикрига кўра модел – бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилашдан иборат. Албатта, бу таърифлар “модел” тушунчасининг у ёки бу мазмунда очиб беради, чунки улар жамият ривожланишининг айрим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бизинг фикримизча, қуйидаги таъриф “модел” тушунчасининг моҳиятини тўлароқ ва аниқроқ ифода қилиб беради: “Модел – иқтисодий базиснинг асосини ташкил қилувчи кенг кўламли ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий (банк, кредит, солиқ ва бошқалар) механизмлар ёрдамида тартибга солинади”.

Иқтисодий ривожланиш моделлари, ўзларининг хусусиятларига қараб турлича номланади. Баъзилар уларни Осиёга хос ривожланиш ёки Европага хос ривожланиш модели деб номласалар, баъзилар аниқ бир мамлакат номи билан атайдилар. Масалан, иқтисодий ривожланишнинг Хитой модели ёки Швейцарий модели ва ҳоказо. Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш модели ўзининг характери билан Осиёга хос иқтисодий ривожланиш модели таркибига киради. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда Осиёга хос ишлаб чиқариш усули сақланиб қолган, диний ва жамоатчилик омиллари юқори мавқега эга. Бундай ривожланиш моделида қазиб олиш саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши асосий ўринни эгаллайди.

Маълумки, Саудия Арабистони географик жиҳатдан учта йирик қитъа – Осиё, Африка ва Европа қитъалари туташган ҳудудда жойлашган бўлиб, бу мамлакат ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга

бўлган коммуникация тармоқлари ўтади. Бу эса мамлакатнинг халқаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий муносабатлардаги мавқеини белгилаб беришида муҳим рол ўйнаган. Шу билан биргаликда унинг географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги жаҳоннинг турли мамлакатлари билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда харажатларни нисбатан паст бўлишга ижобий таъсир кўрсатади. Умуман олганда, Саудия Арабистони геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан қулай жойлашган мамлакатдир.

Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш моделида муҳим ўрин тутувчи омиллардан яна бири ушбу мамлакатнинг фойдали қазилма заҳираларига бой эканлигидир. Саудия Арабистонида аниқланган нефт заҳиралари бутун жаҳон нефт заҳираларининг 25%ини ташкил қилади. Саудия нефтининг энг асосий афзаллиги таннархининг арзонлигидир. 80-йилларда 1 тонна нефтни қазиб олиш таннархи Саудияда 2 долларни ташкил қилган бўлса, Индонезияда бу кўрсаткич – 4 долларни, Нигерияда – 8, АҚШда – 22, Шимолий денгизда – 51 долларга тенг бўлган. Бугунги кунда у бир мунча ўсган бўлсада, жаҳондаги энг паст кўрсаткич сифатида қолмоқда.

Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш моделини яна бир ўзига хос хусусияти унинг Шарқ маданий оламига мансублигидир. Тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Саудияга хосдир. Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли бу мамлакат халқларининг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат оила манфаатлари устунлигида, аҳолининг ҳаёт фаолияти жамоага содиқлигида, жамоа шаклини авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлашдагина намоён бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жамиятнинг бутун ижтимоий тузилмасига таъсир кўрсатади.

Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш моделида ислом омилининг катта ўринга эга эканлиги ҳам ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатидир. Исломнинг иқтисодий масалаларни тартибга солувчи таълимоти Ислом иқтисодиёти ҳисобланади. Ислом иқтисодий назариясининг намояндалари Ислом иқтисодиётини ташкил қилувчи учта асосий тамойилни кўрсатади. Ушбу омиллар Саудия иқтисодий моделининг асоси ҳисобланади. Булар:

1. Кўп мулкчилик тамойили (хусусий, жамоат ва давлат мулклари).
2. Белгиланган маънавий-ахлоқий чегара доирасида иқтисодий эркинлик тамойили.
3. Ижтимоий адолат тамойили.

Саудия Арабистонининг ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларга бўлган исломий ёндошувини бошқарадиган Ислом фикҳининг Ханбалий мазҳаби иқтисодий ва тижорат масалаларида эркинроқ(либерал) ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Саудия Арабистон иқтисодиёти дунёдаги очик иқтисодиётлардан бири бўлиши ва унинг бизнес амалиёти эркин амалиётлардан эканлиги тасодифий ҳол эмас.

Саудия иқтисодий фаолиятига ундаги бизнес этикаси ҳам таъсир кўрсатади. Ғарбда кенг тарқалган тушунчага кўра, Саудияда бизнес ва ҳукумат иши коррупцияга кўмилган ва бундай амалиётлар маънавий тубанликнинг белгисидир. Иқтисодий сектордаги бизнес фаолиятини бир қатор ёзилмаган қоидалар тартибга солиб туради. Умуман олганда, коррупциядан шикоят қилаётганлар ундан тасодифан азият чеккан Ғарблик тадбиркорлардир.

Биринчи қоида шуки, ҳукумат ва хусусий секторнинг барча бизнес фаолиятлари шахсиятга асосланган ва ўзаро ишонч асосида амалга оширилади. Шундай ишонч бўлмаса, битим имзолаётган фирма бу битимнинг даромадлигига путур етказиши мумкин бўлган ҳар хил тўсиқларга дуч келиши тайин. Иккинчи қоида шуки, битимни имзолашга кўпроқ хохиш билдирган томон ўз-ўзидан ноқулай мавқега

тушиб қолади. Бу эса Яқин Шарқдаги қадимги талаб ва таклиф қондасининг айнан ўзидир.

Шундай қилиб Саудия моделини таҳлил қилиш қуйидаги муҳим ҳулосаларга келиш имконини беради. Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш моделида кўплаб нормал бўлмаган ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Саудия Арабистони жамияти ўтган асрнинг ўрталарида ўта қашшоқлик ва муҳтожлик ҳолатидан бир лаҳзада бадавлат ва йирик истеъмол қилувчи мамлакат ҳолатига сакраш қилди. Чунки унинг ер остига ниҳоятда кўп нефт захиралари инъом қилинган эди. Шу билан бирга унинг бадавлат халқи шахсий бойликдан кўра насл-насаб ва қариндошлик ришталарини устун қўяди. Унинг ҳукумати тез суръатларда модернизациялашни амалга оширишга ва бир вақтнинг ўзида 1400 йиллик тарихга эга Исломий ҳаёт тарзини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар.

1997 йилнинг март ойида Ўзбекистонда Саудия Арабистони элчихонаси очилиб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожлана бошлади. Ўзбекистоннинг подшоҳлик билан муносабатларида савдо-иқтисодий, маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, 1996 йилда Саудия Арабистони томонига “Даромадлардан икки ёқлама солиқ олишдан сақланиш тўғрисидаги ҳукуматлараро конвенция” лойиҳаси тақдим этилди.

1996 йилда Саудия Арабистонининг “Delta Oil” ширкати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ўзбекистон ҳукумати АҚШ-Саудия Арабистони «Yunikol» ва “Delta Oil” ширкатлари билан Марказий Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов

Осиё нефт ва газ қидирувлари лойиҳалари тўғрисида битим, “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорацияси эса Ўзбекистонда нефт ва газ қидируви, ҳамда қазиб чиқариш ҳақида англашув протоколини имзолади.

Шу билан бирга икки мамлакат таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйилиши ўзаро алоқаларни ривожлантиришда кенг имкониятлар яратиб беради. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2002 йилнинг июн ойида Саудия Арабистони Вазирлар Маҳкамаси Подшоҳлик олий таълим вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги Меморандумни имзолашга қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда Саудия Арабистони томонидан тақдим қилинган мазкур меморандум лойиҳаси мамлакатимизнинг мутасадди ташкилотлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Мазкур меморандумни имзоланиши мамлакатлар ўртасида илм-фан ва таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда мазкур соҳа бўйича подшоҳлик сармояларини республикамизга кенгроқ жалб қилиш имкониятини яратиб бериши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида ўзаро сармояларни жалб қилиш ва уларни ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортилишини бекор қилиш ва ҳаво катновини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Н.Андреасян. Арабская нефть: проблемы и противоречие// Арабские страны: нефть и дифференциация. М., Наука 1984.
2. Саудовская Аравия. М., Институт изучения Ближнего Востока и Израиля. 1998.

3. М.Г.Закария, А.И.Яковлев. Нефтяные монархии Аравии на пороге XXI века. М., 1998.
4. Masudul A. Chaudry and Mohammed A. Al-Sahwla. Oil and Non Oil Sectors in the Saudi Arabian Economy. 2000
5. И.А. Александров. Монархии Персидского залива: этап модернизации. М., Издательство «Дело иСервис» 2000.
6. Н.Тухлиев, А.Таксанов. Национальная экономическая модель Узбекистана. Тошкент., Ўқитувчи 2000.
7. Страны мира. Смоленск «Русич». 2000.

Таянч иборалар:

1. Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ).
2. Ялпи миллий маҳсулот(ЯММ).
3. Иқтисодий эмбарго.
4. Савдо санкциялари.
5. Квота, баррел.
6. Савдо сальдоси.
7. Конвенция.
8. Концессия.
9. Диверсификация.

Саволлар:

1. Саудия Арабистони иқтисодиётида нефт ва газ захираларининг салмоғи.
2. Мамлакат нефт-газ саноатидаги хорижий сармоялар.
3. Мамлакат саноатини диверсификация қилинишининг аҳамияти.
4. Жаҳон нефт бозоридаги нефт нархлари пасайишини мамлакат иқтисодиётига таъсири.
5. Саудия Арабистонининг экспорт ва импорт таркиби.
6. Саудия моделининг ўзига хос хусусиятлари.

7. Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши.

Маъруза – 4. Мавзу: Миср Араб Республикасида ишсизлик ҳолати ва бандлик сиёсати.

Режа:

- 3. Мисрдаги меҳнат бозорининг ҳолати ва кўрсаткичлари.**
- 4. Мисрда меҳнат имкониятларини яратиш ва ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг стратегик томони.**
- 3. Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари.**

1. Мисрдаги меҳнат бозорининг ҳолати ва кўрсаткичлари.

Мисрда олиб борилаётган макроиқтисодий ислохотлар давомида иқтисодий ўсиш 90-й.дан аввалги йилларда салбий ўсишга эга бўлиб, аҳолининг тез ўсишига қарамай 1985-92 йй. мобайнида иқтисодий кўрсаткичлар яхши ҳолатда бўлди. 90-йй.гача ишга яроқли аҳолининг кўрсаткичи 7 фоиздан 13 фоизга ўсган. Ишсизлик даражаси ўртача ихтиёрий ишсизлар (Фрикцион ишсизлик) орасида 500 минг-600 минг кишини ташкил қилган. Мана шу юзага келаётган ишсизлик муммолари Миср иқтисодиёти олидига катта бандлик муммосини ҳал этиш учун улкан вазифалар билан шуғулланишни қўймоқда. Шунингдек Мисрдаги камбағаллик даражасини ўрганиш ҳам давлат учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади. 1996 йилда қабул қилинган “Оила кодекси” да айтилишича, ишсизларнинг 54 фоизини касбга эга бўлганлар ташкил қилади. Умумий қашшоқларнинг ушбу гуруҳдаги улуши 53,8 фоиз ва қашшоқ бўлмаганларнинг хиссаси тахминан 18,5 фоизни ташкил қилади. Бу эса ушбу меҳнат бозори таркибида қашшоқлар улушининг юқори эканлигини билдиради. Натижада ишсизлик бўйича давлат компенсациясини олувчилар сони

кўпайиши расмий ва норасмий секторларда ишлаб чиқариш активларининг сусайишига сабаб бўлмоқда.

Мисрдаги бандлик ва ишсизлик ҳолатини расмий жиҳатдан аниқлашда бизга мамлакатдаги мавжуд ўта қашшоқлашиш ҳолати жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳукуматнинг расмий статистикаси ишсизлик даражасининг мавқеи ҳақида аниқ бир маълумот бера олмаяпти. Эълон қилинаётган баёлотлар кўпининг манбалари бир-бирига қарама-қарши ҳолатда чиқмоқда. Натижада юзага келган муаммони тўлиқ ҳолатда аниқлаш учун аниқ бир илмий тадқиқотни олиб бориш тақозо қилинмоқда. Мана шу йўл билан бандлик даражаси муаммоларини ва ишсизликни келиб чиқиш сабабларини ва унинг олдини олиш йўллари тўғри тахлил этиш имконияти пайдо бўлади.

1-жадвал.

1999 ва 2003 йилларда аҳолининг жойи ва жинсига мувофиқ бандлик миқдорининг ривожланиши (100% ҳисобида).

	1999 йил			2003 йил		
	шаҳар	қишлоқ	Жами	шаҳар	Қишлоқ	Жами
Эркак	71	77	74	70	75	72
Аёл	20	29	25	21	20	20
Умумий	46	53	50	45	48	47

1-жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ ва шаҳарда иш билан бандлик даражасининг 70 фоизини асосан эркаклар ташкил қилишига қарамасдан, 1999-2003 йилларда жами эркакларнинг меҳнат бозоридаги иштироки пасайганлиги (2 фоизга) кузатилган. Шаҳар жойларда яшайдиган аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки деярли ўзгармаган. Лекин қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки кузатилади. Аммо шуниси қизиқки турли олий

таълим ўқув юртларига кираётган абитуриентларнинг аксар қисмини аёллар ташкил қилмоқда. Хужжатларга таяниб шуни айтиш мумкинки, меҳнат бозоридаги ўртача иштирок этишлик даражаси 1999 йилдаги 50 фоиздан 2003 йилга келиб 47 фоизга, яъни 3 фоига пасайган.

2-жадвал.

**1999 ва 2003 йилларда Меҳнат бозорининг кўрсаткичлари
(минг ҳисобида).**

		1999 йил		2003 йил	
		сони	нисбат и	Сони	нисбати
1	Ишсизлар	1397	9	1480	8
2	Давлат муассасаларидаги ишчилар	3313	21	4459	24
3	Ижтимоий сектордаги ишчилар	1426	9	1092	6
4	Хусусий сектордаги ишчилар (ички муассасаларда)	7160	45	4053	22
5	Хусусий сектордаги ишчилар (ташқи муассасаларда)	2414	15	6964	38
6	Хўжалик секторидаги ишчилар	80	0	126	0
7	Хорижий ва қўшма корхоналардаги ишчилар	93	0	57	0
8	Бошқа соҳаларда	3	0	0	0
9	Жами банд бўлганлар	14489	81	16750	82
10	Умумий	30375	100	34980	100

2-жадвалда меҳнатга яроқлиларнинг сони 1999 йилдаги 15,776 млн.дан 2003 йилга келиб 18,230 млн. кишига кўпайганлиги ҳақида маълумот берилади. Бу меҳнатга яроқлиларнинг 2 фоизга ошгандан далолат бериб, ушбу кўрсаткични меҳнатга яроқлилар ичидан ишсизларни ажратиб оладиган бўлсак, ишсизлар сони 9 фоизни ташкил қилади (1999 йил бўйича). 2003 йилга келиб ишсизлар кўрсаткичи 1 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. 1999 йилдаги умумий бандлик даражаси хусусий секторда (қишлоқ хўжалиги билан бирга) тахминан 45 фоизга тенг бўлган. 2003 йилга келиб ушбу кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилган. Бунга муқобил равишда хусусий сектордаги ишчилар (ташқи муассасаларда) сони ошган. Масалан: 1999 йили 15 фоиз бўлган бўлса, 2003 йили 38 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолат ушбу секторда банд бўлганларнинг сони 14 фоизга ошганлигини билдиради.

Давлат секторида эса ижтимоий секторга қараганда ишчилар сони ортганлиги кузатилади. Яъни 1999 йилда 21 фоиз бўлган бўлса, 2003 йилга келиб 24 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолат давлат секторида хўжалик секторига нисбатан иш билан банд бўлганларнинг сонини ортаётганлигидан ва ўзлаштирилаётганлигидан дарак беради. Бунга муқобил равишда ижтимоий сектордаги ишчилар сони 1999 йилги 9 фоиздан, 2003 йилга келиб 3 фоизга пасайган. Бошқа хўжалик секторлари, хорижий ва қўшма корхоналарда ишловчилар сонига келсак, буларнинг меҳнат бозоридаги умумий бандлик даражаси унча катта фарқ қилмай 2 фоизни ташкил қилган.

3-жадвал.

1999 ва 2003 йилларда банд бўлганларнинг умумий сони (минг ҳисобида).

	1999 йил	2003 йил
--	----------	----------

	Сони	Нисба ти	Сони	Нисбати
Шаҳар аҳолиси	5990	41	7284	43
Қишлоқ аҳолиси	8499	59	9466	57
Жами	14489	100	16750	100

3-жадвал орқали Мисрнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги банд бўлганлар сонининг ривожланиши қуйидагича кўрсатиб ўтилган. Шаҳар жойларида банд бўлганларнинг сони 1999 йили 41 фоизни ташкил қилган бўлса, 2003 йилга келиб ушбу кўрсаткич 43 фоиздан иборат бўлган. Қишлоқ жойларида банд бўлганларнинг сони эса 1999 йили 59 фоизни, 2003 йили 57 фоизни ташкил қилган. Бундан кўринадики қишлоқ секторидаги бўш иш ўринларининг камайиши шаҳарга нисбатан қишлоқларда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг камайишига сабаб бўлган.

2. Мисрда меҳнат имкониятларини яратиш ва ишсизлик муаммосини хал этишнинг стратегик томони.

Бандлик даражасининг ортиши ва ишсизлик муаммосини хал этиш бўйича баъзи таклифларни истиқболда уларни кечиктириб бўлмас даража ва узоққа мўлжалланган муддатга татбиқ этиш лозим бўлади. Вужудга келган баҳс ва мунозаралар имкониятини ҳисобга олиб, келгусида Миср иқтисодиётида бандлик даражасининг ортиши ва ишсизлик муаммоларини хал қилиш учун юқорида айтиб ўтилган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш бизнинг бурчимиздир. Мана шу саъйи ҳаракатлар жузъий ва умумий жиҳатдан вужудга келаётган муаммоларни хал этишга замин яратади. Айниқса бандлик даражаси ва ишсизлик бўйича юзага келаётган муаммоларни кечиктириб бўлмас

даражада хал этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки Мисрда ишга бўлган талабни ортиб бориши, иқтисодий сиёсатда халқ орасидаги талаб ва таклифни, шунингдек юзага келаётган турли қарама-қаршиликларни ўрганмаслик оқибатида иқтисодиётда турғунликни олиб келиши мумкин.

Талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро мосликни мустаҳкамлаш орқали ишчилар учун бозорни кенгайтириш даражасининг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, бу масалада биз меҳнат бозорини амалга оширилишини яхшилаш учун қуйидаги ўлчамлар аҳамиятига эътибор қаратамиз:

А) Қонунчилик борасида: унда ишчилар учун тартибли ва етарли бозорни яратмаган қонунчиликни идрок қилиш билан иеҳнат бозорини шакллантираётган(системалаштираётган) қонунчиликларни кўриб ўтамыз. Чиндан ҳам ушбу бозор томонларини ташвишга солаётган муаммолар мавжуд. Ундан мақсад меҳнат томонлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва ушбу ҳамкорликни қўллаб-қувватлашдир.

Ҳукумат 259 моддадан иборат ягона меҳнат қонунини тайёрлаш ишини ҳозирги пайтда халқ ва маслаҳат мажлисига(палатасига) уни муҳокама қилиш учун берди. Ушбу ягона қонунни муҳокама қилишга беришдан мақсад учта томон муносабатларида мувозанатни яратишдан иборат: ишчилар, иш эгалари ва муносиб муассасалар орқали(остида) ҳукумат. Қонунчилик ҳолатларини кенгайтирилиши қонунни халқаро меҳнат қонунлари билан мослиги туфайли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этилишига ёрдам беради.

Бу ерда биз янги қонунни замонавийлаштириш билан қуйидагиларга эътибор қаратамиз: ҳақ тўлашни чегаралаш бандлари, иловалар, бандлик нормалари, ўртача малакага қиёсан ўзига хос нормаларни белгилаш, касб-ҳунарга қайта ўқитиш амалиётини тартибга солиш, жанжаллашувчилар(баҳслашувчилар) ўртасидаги низони хал қилувчи низомни ривожлантириш, иш ташлаш ҳуқуқи,

ишдан маҳрум қилиш, фаолиятни қисқартириш, иш ҳолати ва меҳнат саломатлигининг кафолати, фавқулодда ходисалар учун тўланиладиган фондларнинг мавжудлиги. Меҳнат бозорини амалга оширилишини тартибга солишда мос қонунчилик вазиятини муҳим роль ўйнашига шубҳа йўқ. Шунингдек ижтимоий таъминотлар бўйича қонунлар билан бирга қонунчилик тизимининг тўлаллигига эҳтиёж сезилиб, у ишсизлик бўйича таъминот қонунларини ривожлантирилишида ҳисобга олинди. Молиялаштириш, тартибга солиш ва асос солиш томонидан уни татбиқ этиш имкониятларининг аҳамияти, хусусан ишсизлик бўйича халқ фондини(бюджетини) бўлишлиги борасида аввалги қарашларни эътиборга олинди. Аммо ушбу муносабатдаги амалий қадамлар ҳали ниҳоясиг етмади. Шунингдек инвестицияни рағбатлантириш қонунини ривожлантиришга ва уни иш ўринларини кенгайтиришда ташкилотлар билан боғлашга эҳтиёж сезилаётганлиги намоён бўлади.

Б) Институтлар борасида: меҳнат бозорини амалга оширилишини тартибга солишда фаол институтлар масъулиятининг мавжудлигига эҳтиёж сезилиб, улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтамин:

1. Касаба уюшмалари, ишчилар иттифоқи ва маҳаллий(миллий) ташкилотларнинг ваколатхоналари.
2. Ривожланишнинг ижтимоий бюджети(фонди). У халқ фонди бўлиб, иш ўринларини кенгайтириш пайтида ишсизлик муаммоларини хал қилишда иштирок этиш, шунингдек иқтисодий ислохотлар дастурининг қўшимча фаолиятлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида таъсис этилган. Фонд кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш механизмини ўз ичига олади. Унинг аҳамиятлиси бўлган кичик корхоналар лойиҳаси(режаси) Миср муҳофазаларида(вилоятларида) ва унинг бошқармаларида фойдаланилмоқда. Унинг назорати қираётган ва чиқаётган ишлаб чиқариш маҳсулотларини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

3. Ишга қабул қилиш бўлимлари роли ва фаолиятини ривожлантириш. Унда давлат бўлимлари ёки амалга тайинлашни (иш беришни) хусусий бўлимларидаги тенгликни(мосликни) назорат қилинади.

В) Меҳнат бозори ҳақидаги маълумотлар тизими:

Ҳозирда статистика учун халқаро меъёрлага мувофиқ ишсизлик ва бандлик ҳақидаги баёнотларни ишлаб чиқаришни охирига етказилиши муҳимдир. Меҳнат бозори баёнотларининг қондаси ушбу ҳолатни ҳозирдаги маълумотлар низомини назорат қилиниши ва бандлик соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқариш зарурлиги учун катта аҳамитга эга деб ҳисоблайди. Шунингдек тайёргарлик ва қайта ўқитишнинг мавжуд имкониятлари, меҳнат бозорининг муфассал таснифидаги ўзгаришлар ва ушбу бозорда келажакда кутилаётган тараққиётлар ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш аҳамияти намоён бўлади. Сўнгра у меҳнат бозори эҳтиёжлари бўйича таълим ва қайта ўқитишни ташкиллаштиришда ижобий кўрсатма бўлади.

3. Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари.

Бизнинг республикамизнинг МАР билан алоқаларни ривожлантирилиши бир қатор аниқ ҳолатлар бўйича жуда аҳамиятлидир. Биринчидан, араб мамлакатлари ичида энг йириги ҳисобланган МАР араб мамлакатларининг сиёсий ҳаётида норасмий равишда сиёсий лидер ролини ўйнайди. Ҳатто араб мамлакатларининг молиявий муносабатларида жудаям катта мавқеига эга бўлган Саудия Арабисони подшоҳлиги(САП) ҳам МАР билан бўлган муносабатларга катта урғу беради. Маълумки, 70-йиллар охирида Исроил билан сеперат тинчлик битимини имзоланиши натижасида МАР араб дунёсидан вақтинчалик изоляцияда бўлиб қолган. У араб мамлакатлари лигаси(АМЛ)дан чиқариб юборилиб, штаб-квартира

Қоҳирадан Тунисга кўчирилди. Аммо ҳозирдаги президент Хусни Муборакнинг ўйлаб олиб бораётган прагматик сиёсати туфайли 80-йиллар охирига келиб Миср араб дунёсидаги етакчилик мавқеини тўла қайта тиклай олди: АМЛдаги ўзининг аъзолиги, ташкилотнинг штаб-квартираси эса яна Қоҳирага кўчирилди.

Молиявий-иқтисодий имкониятларнинг етарли чегараланганлигига қарамай, охириги йилларда МАРнинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеини сезиларли ўсиши Яқин Шарқ минтақаси билан Африка мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнидаги унинг ролини янада кўпроқ мустаҳкамланишига имконият беради. Ушбу ролнинг тасдиқи сифатида 1995 йил октябрида Оманда бўлиб ўтган араб мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида Қоҳира шаҳрида низом капитали 5 млрд. АҚШ доллари бўлган янги Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ривожланиш банкини тузиш ҳақидаги умумараб қарори бўлди¹.

Иккинчидан, дунёда ва Африка қитъасидаги йирик шаҳарлардан бири бўлган Қоҳира халқаро сиёсий ва иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнайди. 1996 йил 13 мартда Шарм-уш-Шайх курорт зонасида ҳар қандай террорчилик турларига қарши курашни мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган жаҳоннинг ўттиздан ортиқ давлат бошлиқлари кенгаши яна бир далил бўлади. 1952 йил инқилобидан кейинги ушбу давлат раҳбарлари – Жамол Абдул Носир, Анвар Садат ва ҳозирги президент Хусни Муборак ҳар доим жаҳоннинг олий сиёсий элиталарида етакчи шахслар сонига киритилганлиги ҳам муҳимдир.

Учинчидан, Миср умуминсоний цивилизациянинг қадимий ўчоғи бўлиб, жаҳондаги маданий марказларнинг йириги ва муҳимларидан бири сифатида қолмоқда. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Ал-Азхар, Қоҳира, Айн-уш-Шамс ва бошқ шу каби

машҳур университетлар ҳалқаро маданий ҳаётдаги Мисрнинг юқори рейтингини қўллаб-қувватлашга имкон бермоқда.

Ва ниҳоят тўртинчидан, XX асрнинг 70-80 йилларидаги Мисрнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибасини чуқурроқ ўрганиш бизнинг республикамиз учун катта амалий аҳамият касб этиши мумкин. Мамлакат тарихида айнан шу вақтлар кескин бурилиш даври бўлиб, унинг моҳияти ривожланишнинг “социалистик режалаштириш” шаклидан воз кечиш ва машҳур “инфитах” ёки “очиқ эшиклар” сиёсати остида янги сиёсий-иқтисодий ривожланишни амална оширишда ибodat эди. У давлат сектори роли ва ўрнини чегаралаш ва хусусий сектор аҳамиятини ошириш билан иқтисодий тизимни чуқур либерализация қилиш мақсадини ўз олдига қўйган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига янги сиёсатни жорий этилиши унинг иқтисодий инфратузилмасини жиддий қайта қурилишини талаб қилди. Тезда даромад келтирувчи секторларда хусусий ва хорижий капитал сармоялари ҳажми кескин ўсди: экспорт-импорт, кўчмас мулк, банклар, нефт саноати ва туризм². 1971 йил сентябрида “Эркин зонлардаги араб капитали сармоялари ҳақида” ги 65-сонли қонун янги иқтисодий сиёсатга кенг қўламли ўтиш йўлида йирик қадам бўлди. У хорижий сармоядорларга миллийлаштириш ва назорат қилинишига қарши гаров, шунингдек солиққа тортиш соҳасида бир қатор имтиёзларни берди. Ушбу қонун 1971 йилда қабул қилинган МАРнинг янги Конституцияси қоидаларига мувофиқ равишда асосланган бўлиб, унда хусусий мулк қонун билан ҳимоя қилиниши ва уни хатлаш ва миллийлаштириш таъқиқланиши таъкидлаб ўтилади. Буларнинг ҳаммаси нафақ Форс кўрфазининг бой нефт қазиб олувчи араб мамлакатларидан, балки саноати ривожланган Ғарб мамлакатларидан ҳам хорижий капитал оқимининг жадаллашувига олиб келди. Бунда кўп миллатли банклар ва халқаро нефт компаниялари жудаям фаоллик кўрсатдилар. Масалан, 1973-1978 йилларда нефт конларини қидириб топиш ва қазиб олиш бўйича 26та *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

хорижий компаниялар билан 47та шартнома имзоланган. Мамлакатда “инфитах” сиёсатини эълон қилинишидан олдин тўртта йирик давлат банклари ва хорижий валюта операцияларини бажариш бўйича махсус статусга эга бўлган иккита банк фаолият кўрсатган эди. 1978 йил ўрталарига келиб фақат Қоҳира шаҳрида мисрликлар иштирокидаги хорижий банк ва ваколатхоналарнинг 69та аралаш бўлимлари фаолият кўрсатган. Мамлакатда Миср-Амерканинг “Чейз Нейшнл Бэнк”и йирик банк ҳисобланган. Баъзи маълумотларга кўра, 1971-1980 йиллар мобайнида Арабистон ярим оролининг фақат нефт қазиб олувчи мамлакатлари МАР иқтисодиётига 22 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киргизганлар³.

“Очиқ эшиклар” сиёсатининг тажрибаси ибратди бўлиб, мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги унинг таъсири ҳар доим бир хил бўлмаган. Мутахассисларнинг мулоҳазасига кўра, “80-йилларнинг биринчи ярмида Миср икки хил иқтисодиётга эга эди”⁴. Биринчиси нефт қазиб олувчи ва нефтни қайта ишловчи саноат тармоқларини, хусусий секторнинг (хорижий, мисрлик, аралаш) янги корхоналарини, шунингдек хорижда ишлаётган мисрликларни қамраб олган эди. Ушбу тармоқлар учун юқори даржадаги ойлик маоши ва юқори меҳнат самарадорлиги хос эди. Иккинчи иқтисодиётга 60-йилларнинг ўрталаридан буён давлат секторининг саноати, қишлоқ хўжалиги ва давлат муассасалари киради. Бу ердаги ойлик маош даражалари паст эди³. Иккинчи иқтисодиётда ишловчиларни қўллаб-қувватлаш учун давлат уларга юқори миқдордаги субсидияларни ажратишга мажбур эди.

Бизнинг республикамиз ривожланишида шундай жараёнларни юзага келишини олдини олиш мақсадида 70-йиллардаги Мисрнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўрин олган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш жудаям фойдали бўлар эди.

МАРнинг ўзидаги автомобил саноатини ташкиллаштириш тажрибасини ўрганиш ҳам бизнинг республикамиз учун фойдали бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда дасатлабки капитални тўла тўлаш билан “Женерал Моторз Ежипт” аралаш компаниясининг босқима-босқич ривожланиши қизиқарли бўлиб, у қуйидаги пропорцияда бўлган: “Женерал Моторз” компаниясига (АҚШ) – 31 фоиз, “Исузу Моторз” (Япония) – 20 фоиз, Саудия Арабистони ва Кувейт хусусий тадбиркорларига – 16 фоиз ва Миср хусусий капиталига – 33 фоиз тегишли бўлган².

Мамлакатимизда шрта техник ва олий маълумотга эга бўлган ишчи ва мутахассисларни хорижга чиқариш учун қулай имкониятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда МАР давлат аппаратини мувофиқ хизматларни ташкиллаштириш тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Ваҳоланки, нефт, пахта толасининг экспорти, Суэц канали ва туризм билан бир қаторда дунёнинг турли мамлакатларида ишлаётган 3-4 миллион мисрлик ишчиларнинг пул ўтказмалари давлат хазинасига тушаётган валюта тушумларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. 70-йиллардги эмигрантларнинг пул ўтказмалари хажми доимий равишда ўсиб бормоқда.

1969 йили МАРнинг ташқи ишлар вазирлиги қошида меҳнат ва эмиграция масалалари бўйича бўлим ташкил этилди. Унинг вазифаси эмиграцияни ташкиллаштириш билан шуғулланаётган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек эмиграция масалалари бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат эди.

“Очиқ эшиклар” сиёсатини амалга ошириш натижасида мамлакат тарихида кўрилмаган эмиграция кўламининг ўсиши кузатилади. 1983 йилга келиб хорижда ишлаётган мисрликлар сони 3 миллион кишига етиб, ҳозирда ушбу кўрсаткич 4 миллион деб баҳоланмоқда. Бунга мувофиқ равишда эмигрантларнинг ўз мамлакатларига пул ўтказмалари ошган. Масалан, агар 1974 йили

унинг умумий ҳажми фақатгина 189 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1982-1983 йиллардаги ушбу кўрсаткич 3 млрд. АҚШ долларига ўсган⁵. Ушбу миқдор нефт ва нефт маҳсулотлари экспортидан олинган даромадлардан юқори бўлиши диққатга сазовордир. Эмиграциянинг ўсиши замонавий Мисрдаги асосий ижтимоий муаммолардан бири бўлган ишсизлик муаммосини қисман ҳал этишга имкон беради.

МАРнинг нафақт араб дунёсида, балки умуман халқаро ҳаётдаги муҳим ўрнидан келиб чиққан ҳолда ушбу мамлакат билан бизнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларимизни янада фаоллаштиришга интилиш мантиқан тўғри бўлар эди. Бизнинг республикамизнинг турли идора раҳбарлари ўртасидаги алоқаларини жўшқин ривожлантирилиши аниқ иқтисодий ҳолатлар бўйича Ўзбек-Миср ҳамкорлигини бойитиш учун реал имкониятларни юзага келтирилганлигидан дарак беради. Бунга шунингдек икки мамлакат иқтисодий инфратузилмасини яқинлаштирувчи етарли омилларнинг мавжудлиги ҳам имкон беради.

Улардан бири пахтачилик ҳисобланади. Ўзбекистон каби МАР ҳам дунёдаги йирик пахта етиштирувчи мамлакатлардан биридир. Бу ерда йилига бир миллион тоннадан ошиқ пахта етиштирилиб, улардан 350 минг тоннадан 600 минг тоннагачаси Мисрнинг юқори сифатли “Ал-Ашмуния” ингичка пахта толаси ҳисобланади³. 1993-1994 йилларда МАР пахта толасининг ишлаб чиқариш бўйича мувофиқ равишда 10 ва 11-ўринларни эгаллаган. Аммо шундай қимматбаҳо ишлаб чиқарувчилардан фарқли равишда, Миср саноати пахтанинг деярли барчасини ўзида қайта ишлайди⁵. Шунинг эътиборига олган ҳолда, бизнинг республикамизда ингичка толали пахтачиликни келгусида ривожлантирилишига катта аҳамият берилаётган пайтда истиқболда МАР билан бўлган иқтисодий алоқаларда ушбу соҳадаги

тажрибалар алмашинуви ва ҳаракатларни мувофиқлаштирилиши тўла мантиққа тўғри келади.

Ўзбекистоннинг Шимолий Африка мамлакатлари, айниқса Тунис, Жазоир, Марокаш ва Ливия билан сиёсий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор қулай имкониятлар мавжуд. Бизнинг республикамиз учун биринчи навбатда нефт, табиий газдан тортиб рангли металлургича бўлган турли хил фойдали қазилмалардан фойдаланишни ташкиллаштириш тажрибаси билан танишув катта аҳамиятга эга. Шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олишдан олинаётган даромадлар ёрдамида айтиб ўтилган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш ва диверсификация қилиш учун фойдаланилаётган аниқ механизмларни ўрганиш ҳам муҳим. Ушбу масалаларни фақат кўрсатиб ўтилган иқтисодиёт тармоқларида тажриба, мутахассиси алмашинуви, ўзаро малака оширишларни йўлга қўйиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Шимолий Африка араб давлатларининг географик жиҳатдан олислигига қарамай, улар биз учун турли иқтисодий ҳамкорлик режасида катта қизиқиш уйғотади. Масалан, Жазоир ўзбек пахтасининг истеъмолчиларидан бири бўлиши мумкин. Аммо ҳозирча ўзбек пахтаси Шимолий Африка мамлакатларига воситачилар, асосан Швейцария ва Француз фирмалари орқали етказилиб берилмоқда. Ҳозирги кунда шуниси очиқ-ойдин маълумки, Ўзбек-Шимолий Африка иқтисодий алоқаларида учинчи мамлакат воситачилигидан “озод бўлиш” учун барча зарур имкониятларга эгамиз.

Ўзбекистоннинг Шимолий Африка араб давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги борасидаги имкониятлари кўринишини таҳлил қила туриб шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Тунис, Жазоир, Марокаш ва Ливия каби мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик тоғ-кон саноатида истиқболли. Шундай тасдиқнинг инъикоси сифатида ушбу

давлатларнинг турли хил фойдали қазилмаларга, шу билан бирга рангли ва қимматбаҳо металлларга бой эканлиги намоён бўлади. Бошқа томондан, ушбу давлатларнинг баъзилари энергетика ресурсларига ҳам бой. Масалан, охириги йилларда Ливияда йилига 50-70 млн. Тонна нефт қазиб олинган. Тўрт миллион кишидан сал ошиқ аҳолига эга бўлган мамлакат кунига бир миллион баррел нефт қазиб олиш билан 50 йилга етадиган нефт захираларига эга². Уни сотишдан олаётган эркин конвертация қилинадиган валюта шаклидаги даромадлар Ливияга халқаро валюта-молия тизимида муҳим механизм сифатида қолиш учун имконият беради. Масалан Ливия Ислом ривожланиш банки(ИРБ) акцияларига эгалик қилиш бўйича Саудия Арабистонидан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Модомики, ушбу банк дунёнинг асосий молия-кредит институтларидан бири ҳисобланади. ИРБ низом капиталининг 16 фоиздан юқориси Ливияга тегишли бўлиб, бу унга бошқарув кенгашида 13,54 фоизли овоз бериш ҳуқуқини беради⁶.

Изоҳлар:

1. “Ахер саа” журнали. Миср Араб Республикаси.
2. Gresh A., Vidal D. A to Z of the Middle East. London/ New Jersey,1990.
3. Новейшая история арабских стран Африки. М., Наука, 1990.
4. Ан-Накиб Х.Х. Ал-мужтамаъ ва-д-даула фил-Халидж ва-л-Джазира. Байрут, 1987 (араб тилида).
5. Cotton Economic Review. Prepared by Economic Services Of the National Cotton Council, USA, Volume 25, n11, December,1994
6. Максимов А.А., Милославская Т.П. Исламские банки в странах Ближнего и Среднего Востока// Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока. М.: Наука, 1982

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Abdel Fadil, M, (1997), The Differential Impact of Globalization on Labor in the Mena region, Economic Research Forum, working paper 9816.
2. Abdel Latif, L, (2001), Investment Policy, Employment and poverty in Egyptian Manufacturing, in Nassar s Laithy(ed), Socio Economic Policies and Poverty Alleviation Programs in Egypt. Center for Economic and Financial research studies, Cairo University.
3. Assad, R, (2001), The micro Economics of Growth: The Role of Households and Institutions, November.
4. Erwany, N, & Metwaly. M, (2001), Labor Market Competitiveness and Flexibility Egypt, Center for Economics Financial Research and Studies, Cairo University.
5. Galal. A., (2002), The Paradox of Education and Unemployment in Egypt, Conference on: Employment and Unemployment in Egypt, Egyptian Center for Economic Studies, January.
6. Leity, et al & others (1998), Poverty Assessment in Egypt, Project Sponsored by Economic Policy Initiative Consortium, Cairo.
7. Radwan, S, (1998), Towards Full Employment, Egyptian, Center for Economic Studies, Distinguished Lecture Series 10, January.
8. Radwan, S, (2002), Employment and Unemployment in Egypt, Conventional Problems, Unconventional Remedies, Conference on Employment and Unemployment, Egyptian Center for Economic Studies, January.
9. World Bank (2001). Egypt Social and Structural Review, Report 10.№22397 –EGT.
11. World Economic Forum, (1999), Global Competitiveness Report, Genewa.
12. El Husseiny, S., et al, The Informal Sector in Urban Egypt, The Center for Social and Criminal Research, Cairo, 1998.
13. El Mahdi, A. And Kathy Powell, Small Entrepreneurs in Greater Cairo Community, SRC, AUC, 1999, under Publication.

- 14.El Mahdi, A., The Labor Absorption Capacity of the Informal Sector in Egypt, ERF, 1999, unde Publication.
- 15.El Mahdi, A., Report on Decent Work in the Informal Sector Case of Egypt, Ilo, Cairo, June 2001
- 16.El Mahdi, A., The Informal Sector, Small and Micro Enterprises in Egypt Literture and Data Sets Review, ERF, Cairo 2001
- 17.Mashhour, A., and A. El Mahdi., The Informal Sector in Maarouf Quarter, The Center for Social and Criminal Studies, Cairo, 1994
- 18.Soliman, S.etal.(1987) The Right to Work, National Center for Social and Criminal Studies, Cairo.
- 19.В.А.Исаев. Арабские страны в международном разделении труда. Москва. 1996.
- 20.3. Мунаввров. Узбекитстан и арабский мир: перспективы сотрудничества. Ташкент, 1997
21. Интернет маълумотлари.

Маъруза-5. Мавзу: Араб мамлакатларидаги демографик ҳолат тахлили.

19 асрнинг биринчи ярим йиллигида француз истилочиларини истилоси пайтида Жазоир аҳолиси 3 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 1966 йили 11,8 млн. киши, 2003 йилга келиб 31,83 млн. кишига етган. Мисрда аҳоли 2003 йили 67,56 млн. кишини ташкил қилган бўлиб, Жазоир аҳолисидан икки баробар кўпдир: бу араб дунёси мамлакатлари аҳолиси сони бўйича энг каттасидир. 20 асрда Марокаш аҳолиси деярли етти баробарга кўпайган. Маълумотларга мувофиқ равишда 1900 йили у 4,6 млн, кишини ташкил қилган бўлса, 2003 йилга келиб 30 млн. кишидан иборат бўлган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 10 йил мобайнида (1990-2000 йиллар) Тунисдаги аҳоли 1,38 млн.га (ёки 1,17 мартага); Марокашда – 4,71 млн.га (1,19 мартага); Жазоирда – 5,40 млн.га (1,19 мартага); Мисрда – 11,42 млн.га (1,21 мартага) кўпайган. Аҳолининг нисбатан ўсиши етарли юқори бўлиб, Шимолий Африканинг ушбу мамлакатларидаги аҳоли охириги 10 йиллик мобайнида барча Африка китъасига нисбатан кам суръатларда ўсган (Африка китъасидаги 28 фоизга нисбатан 29 фоиз). Шу билан бирга 2003 йилда жаҳондаги аҳоли сони бўйича Миср 17-ўринни (Шимолий Африканинг барча аҳолисининг 46 фоизи), Жазоир – 35, Марокаш – 37 ўринни эгаллаган.

1-жадвал.

**1990-2000 йиллардаги араб мамлакатларининг аҳоли сони
(млн.киши).**

Йиллар	Жазоир	Миср	Марокаш	Тунис
1990	25,00	52,40	24,00	8,20
1991	25,64	53,62	24,52	8,34
1992	26,27	54,78	25,00	8,51
1993	26,89	55,93	25,47	8,68
1994	27,50	57,06	25,93	8,82
1995	28,06	58,18	26,39	8,96
1996	28,57	59,27	26,85	9,09
1997	29,05	60,40	27,31	9,22
1998	29,51	61,52	27,78	9,33
1999	29,95	62,65	28,24	9,46
2000	30,40	63,82	28,71	9,58

2001*	30,80	65,20	29,20	9,70
2002	31,32	66,37	29,64	9,85
2003	31,83	67,56	30,01	9,90

Манба: Demographic Yearbook, 2002, United Nations, New York.

*2001-2003 йиллардаги маълумотлар маълумотнома асосида берилган.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

Урбанизация жараёни туғилиш ҳолати пасайишининг муҳим омили ҳисобланади. Шаҳар одамларнинг ижтимоий ҳолатини ўзгартиради, уларнинг анъанавий урф-одатларини бузади, маиший яшаш шароитларини яхшилади. Умуман, меҳнат фаолиятидан тортиб то уй-жой шароитларигача, бўш вақтларини ўтказиш имкониятларигача, замонавий ахборот воситалари ва коммуникация, тиббий хизматдан унумли фойдаланишгача ҳаммаси ўзгаради.

Охирги ўн йиллик ичида қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиши юз берди. Жудаям кўп аҳоли зичлиги пойтахт яқинларида ва йирик шаҳарларда кузатилади. Масалан, Жазоирда Жазоир, Оран, Мисрда Қоҳира, Искандария, Жиза, Порт-Саид, Суэц, Марокашда Робот (пойтахти), мамлакатнинг йирик савдо ва молиявий марказлари бўлган Касабланка, Фес, Марракеш, Мекнес (аввалги пойтахти) ва Танжер порти, Тунисда Тунис шаҳри (пойтахти) ҳисобланади.

Гарчи Африка ҳозирда ҳам аграр қитъа бўлса ҳам, бошқа ҳар қандай қитъага нисбатан бу ерда урбанизация суръати юқори бўлган. Ушбу кўриб ўтилаётган мамлакатлардаги шаҳарликларнинг солиштирма оғирлиги 2000 йилда 49 фоиздан 55 фоизга кўпайган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, урбанизация даражаси Африканинг шимолида ўртача жуда ҳам юқори, тўртта мамлакатда 58 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади (Африка қитъасида – 38 фоиз).

Шимолий Африка мамлакатларидаги шаҳар ва қишлоқ аҳолиси .

	Шаҳар аҳолиси, 1990-2000 йй. мобайнидаги ўртача нисбати	Қишлоқ аҳолиси, 1990-2000 йй. мобайнидаги ўртача нисбати
Жазоир	62	38
Миср	48	52
Марокаш	56	44
Тунис	64	36
Африка	38	61

Манба: Statistical Yearbook, 1999, United Nations, New York.

Аҳолининг тез ўсиши озиқ-овқат ва уй-жой, истеъмол даражасини таъминлаш ва ошириш, таълим ва тиббий хизматга бўлган харажатларни ошириш каби шундай ижтимоий-иқтисодий муаммолар долзарблиги ошади. Бандлик муаммосининг кескинлашуви, аҳолининг кўплаб қисмини турмуш даражасини ёмонлашиши, даромадлар тақсимотидаги номутаносиблик кабилар аҳолининг тез ўсишидаги салбий оқибатлар бўлиб, озиқ-овқат ва экологик муаммолар шаҳарларда жудаям кескинлашган.

Жазоир, Марокаш ва Тунисда шаҳар аҳолисининг улуши қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпайиб кетган бўлиб, 10 йил мобайнида Тунисда шаҳар аҳолиси 11 фоизга, Жазоирда 13 фоизга, Марокашда эса 14 фоизга ўсган.

Туғилиш.

Кўпгина Африка мамлакатларида жорий статистик ҳисоб-китоб ёмон ҳолатда бўлган. Шунинг учун ҳатто туғилиш ва ўлишни доимий равишда кўпгина ушбу мамлакатларда ҳисобга олиб борилаётган

ҳисоботларнинг натижалари қисман нотўғри бўлиб (ҳисобга олмаслик ҳолатлари мавжуд), БМТнинг статистик органларини қилаётган ўртача йиллик ҳисоботларига ишонса бўлади.

Гарчи кўпгина Африка мамлакатларида туғилиш миқдори кўп булсада, айрим минтақалар бўйича ушбу ҳолат ҳисобга олинмайди. Асосан, ушбу ҳолатлар ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан тушунтирилади, аммо бир қатор ҳолатларда тиббий-биологик аспектларни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Дастлаб Жаҳон банки маълумотларига мувофиқ равишда 1999-2000 йиллардаги Шимолий Африка мамлакатларидаги туғилиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз (3-жадвал). Ўн йил ичида туғилаётганлар сони 4 фоизга қисқарган бўлса, аҳоли сони 21 фоизга ошган. Ушбу Шимолий Африка мамлакатларидаги туғилишнинг қисқариши 6,2 промиллни ташкил қилади.

3-жадвал.

1999-2000 йиллардаги Шимолий Африканинг тўртта мамлакатидagi туғилиш даражаси.

Йил	Йилда туғилган, минг киши	Туғилиш коэффиценти (1минг яшовчига нисбатан)	Туғилиш коэффицентининг айримаси
1990	3329	30,4	
1991	3277	29,2	-1,14
1992	3226	28,2	-1,07
1993	3177	27,2	-1,00
1994	3127	26,2	-0,95
1995	3082	25,3	-0,87
1996	3016	24,4	-0,97

1997	3014	23,9	-0,44
1998	3106	24,2	0,31
1999	3206	24,6	0,37
2000	3207	24,2	-0,40

Манба: www.worldbank.org/data/dataquery.html

3-жадвални кўриб чиксак, унда туғилиш ҳолати турли хил кўринишларда бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Энг юқори туғилиш даражаси ўн йиллик бошларига тўғри келади, сўнгра у пасая бошлайди. Ушбу ҳолат кўриб ўтилаётган тўртта мамлакат учун хосдир. Фақат 1998-1999 йилларда туғилиш коэффиценти кўтарилган, аммо кейин у яна пасая бошлаган. Ўн йил ичида Шимолий Африка мамлакатларидаги туғилиш коэффиценти 20 фоизга қисқарган.

Шимолий Африкадаги туғилиш даражасининг пасайиши болалар сонини сунъий чегаралаш, контрацепцияни ташвиқот қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳолатлари билан тушунтирилиши мумкин. Ижтимоий тузилмаларни замонавийлаштириш, оила ҳақидаги янги тушунчалар хос бўлган иқтисодиётнинг замонавий секторларини кенгайтирилиши кўп ҳолатларда туғилиш даражасининг пасайишига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланади. Балки жуда ҳам «замонавийлашув» жараёнини туғилиш даражасига бўлган таъсири замонавий таълим соҳаси билан тушунтирилади. Маълумки, туғилиш кўрсаткичлари аёллар саводхонлиги билан чамбарчас боғлиқдир (аёллар саводхонлиги қанча юқори бўлса, туғилиш даражаси шунча паст бўлади). 15 яшардан юқори бўлган саводли аёлларнинг солиштирма оғирлиги 1990 йилдан 2002 йилгача Тунисда 46 фоиздан 63 фоизгача, Жазоирда 41 фоиздан 60 фоизгача, Мисрда 34 фоиздан 44 фоизгача, Марокашда 25 фоиздан 38 фоизгача кўтарилган ¹.

Француз социологи Филипп Фрагнинг таъкидлашича, таълим соҳасига бўлган харажатларни қанчалик тез ўсиши билан табиий ҳолатда янги чақолоқни туғилиши билан кўпайиб, иқтисодий ўсиш ва замонавийлашувга нисбатан туғилиш динамикасига кўпроқ таъсир кўрсатади ².

Бир вақтнинг ўзида туғилиш даражаси билан аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий статуси ўртасидаги боғлиқлик кузатилади. XX аср охирларига келиб аёлларнинг меҳнат фаолиятига жалб этиш 25 фоизгача ўсган. Социологлар томонидан ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича, ишлаётган Африка аёли ўртача 2-3та болали бўлишни истайди.

21- аср бошларига келиб Шимолий Африка мамлакатларида бир қатор ижтимоий-демографик ҳолатлар билан боғлиқ равишда умумий туғилиш даражасининг пасайиши кузатилади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар гуруҳлари билан ушбу кўрсаткич бўйича тафовут юқори ҳолатда бўлиб қолмоқда: 2000 йилдаги туғилиш коэффиценти 12 промиллни ташкил қилган бўлса, Шимолий Африка мамлакатларида 24 промиллдан иборат бўлган, яъни 2 баробар юқори.

Ўлим даражаси.

Жаҳон меъёрлари бўйича Африкадаги ўлим даражаси ҳам энг юқори кўрсаткичга эга: Европадаги 5 промилл ва Осиёдаги 9 промиллга нисбатан 15 промилл. Бундан ташқари Африкада ўлим даражаси паст бўлган айрим мамлакатлар ҳам мавжуд. Жуда ҳам паст ўлим даражаси (1000та аҳолига нисбатан 10дан кам киши) Тунис, Жазоир, Марокашда кузатилади. Ушбу мамлакатларда Африка қитъасига нисбатан юқори турмуш даражаси ҳосдир. Мисрда ҳам ўлим даражасининг кўрсаткичлари паст (10-15 промилл).

Шимолий Африкада 1990 йилдан 2000 йилларгача бўлган давр мобайнидаги ўлим даражаси ўзгаришини кўриб ўтсак, у туғилиш даражасидан фарқ қилади. Агар туғилиш даражаси бўйича пасайиш *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

1990 йил бошидан бошланган бўлса, мунтазам пасайиш фақат 1992 йилдан, сўнгра 1998 йил бошларидан кузатилади. Умуман ўн йил ичида ўлим даражаси 11 фоизга пасайган. Ўлим даражасининг энг кескин пасайиши Миср ва Жазоирда, ундан кейин Марокаш ва 1990-2000 йилларда камроқ даражада Тунисда кузатилади. Юз йиллик охирларига келиб ўлим даражаси мамлакатлар бўйича ўзгариб туриб, тахминан 6,7 фоиздан иборат бўлган.

4-жадвал.

1990-2000 йилларда Шимолий Африканинг тўртта мамлакатадаги ўлим даражасининг ўзгариши.

Йиллар	1 йилда ўлганлар сони, минг киши	Ўлим коэффиценти (1минг яшовчига нисбатан)	Ўлим коэффицентлари айирмаси
1990	864	7,9	
1991	780	7,0	-0,92
1992	870	7,6	0,63
1993	804	6,9	-0,72
1994	751	6,3	-0,58
1995	702	5,8	-0,52
1996	678	5,5	-0,30
1997	694	5,5	0,03
1998	858	6,7	1,19
1999	839	6,4	-0,26
2000	765	5,8	-0,67

Манба: www.worldbank.org/data/dataquery.html

Гарчи пасайиш йўналишлари кўриниб турган бўлсада, уларни икки даврга бўлиб ўрганиш талаб килинади: биринчиси – 1990 йилдан 1997 йилгача, иккинчиси – 1998 йилдан 2000 йилгача. Биринчи даврда ўлим даражасининг сезиларли равишда пасайиши юз берган бўлса, иккинчи даврда ушбу кўрсаткич сезиларсиз бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, биринчи даврда ўлим коэффиценти пасайиши билан туғилиш коэффиценти ҳам пасайган. Албатта ушбу кўринишлар ўртасида алоқа мавжуд: туғилиш даражасининг пасайиши доимо ўлим даражаси пасайишини келтириб чиқаради. Шунингдек у ўлим даражасининг юқори фоизи билан умр ёшининг солиштира оғирлигини пасайтиради.

XX асрнинг охириги ўн йиллиги Шимолий Африка мамлакатларида ўлим даражасининг пасайиши, туғилиш даражасининг камайиши билан характерланади. 90-йиллар бошларидан туғилиш даражасининг пасайиши ва аҳоли ўсишидаги ўзгаришлар катта аҳамият касб этади. Булар бир қатор омиллар билан тушунтирилади:

1. Оилани режалаштириш дастурини амалга ошириш ва уларни кам болаликка йўналтириш.
2. Одамлар ишончи иқтисодиёт соҳасидаги ислохотлар дастурини амалга ошириш бўйича оқланмади (1999 йилги туғилиш даражасининг пасайиши).
3. Пул ишлаш учун хорижга оммавий эмиграция, шунингдек бой Форс кўрфази мамлакатларига, 1991-1992 йиллардаги мисрликларни Ироқдан чиқиб кетишидан ташқари.
4. Аср охириларига келиб аёлларнинг ижтимоий статуси ва уларнинг таълим даражасидаги маълум ўзгаришлардан кейин ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аёлларни жалб этиш жараёни жадаллашди.

5. Аёлларнинг таълим даражаси (Шимолий Африка мамлакатларида 55 фоиз аёллар 15 яшардан юқори бўлган) бевосита туғилиш даражасига таъсир кўрсатади. Масалан, аёлларнинг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, туғилиш юқори суръатлар билан пасаймоқда.
6. Қишлоқ аҳолисининг қисқариши ва барча кўриб ўтилаётган 4та мамлакатдаги урбанизация даражасининг ўсиши туғилиш даражасининг пасайишига олиб келади.

Иқтисодий ислохотлар тузилмасини қайта тиклаш борасида Шимолий Африка мамлакатлари эришган муваффақиятларга қарамай, ислохотларнинг ижтимоий оқибатлари бир хил кўринишга эга бўлмади.

Шимолий Африка мамлакатларидаги ижтимоий-демографик эволюциянинг умумий истиқболларини баҳолаб туриб, баъзи ҳолатларни таъкидлаб ўтамыз:

1. Ўн йил мобайнида ушбу мамлакатлардаги ижтимоий-демографик ва тузилмавий кўрсаткичларнинг ўзгариши қониқарли бўлган. Умумий ва ёшларнинг ўлими, туғилиш даражалари пасайган бўлса, умр кўриш ёшини чўзилиши ва шаҳарликларнинг солиштира оғирлиги кўпаймоқда.
2. Аммо аҳолининг ўсиш суръатлари ҳалигача жаҳон меъёрларига кўра ошиб бормоқда. Туғилиш коэффицентининг пасайишига қарамай, улар етарли юқори ҳолатда бўлмоқда.
3. Демографик муаммо экология билан чамбарчас боғлиқдир.
4. Африкадаги демографик муаммоларни ҳал этиш оила ўлчамларини қисқартиришни иқтисодий мақсадга мувофиқ оддий англаш билан боғлиқ ҳолда репродуктив жараёнларни барқарор амалиётларини мустаҳкамлаш соҳасидаги мақсадли фаолиятларга йўналтирилиши лозим. Аҳоли сонининг айрим

тартибга солиш жараёнлари ижтимоий ислохотларнинг мажмуалари билан боғлиқ равишда кенг ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг объекти бўлиши керак. Бир қатор Африка давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, демографик сиёсат қолоқликка қарши кураш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотни ривожлантириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш орқали муваффақиятларга эришилади.

1. www.worldbank.org.
2. Philippe Farques. State Policies and the Birth Rate in Egypt: From Socialism to Liberalism. In: Population and Development Review. Vol.23, N1,1997. p.27

Манба: «Азия и Африка сегодня» журналы 2004 йил, 10-сон, 48-53 бетлар.

Маъруза-6. Мавзу: Ливан ташқи савдосининг ҳолати

Охирги ўн йиллик мобайнида Ливан жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада жадалроқ интеграцияга киришмоқда. Шу билан биргаликда Ливаннинг жаҳон савдосидаги улуши сезиларсиз ҳолда қолмоқда. Аммо мамлакат иқтисодиёти учун ташқи савдо муҳим рол ўйнайди. Экспортнинг анъанавий таркиблари сифатида минерал маҳсулотлар, металллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатлари хиссасига импортнинг асосий қисми туғри келади: шунингдек АҚШ, Япония ва қўшни араб мамлакатлари ҳам Ливанга йирик товар олиб кираётган мамлакатлар ҳисобланади. Экспортнинг асосий таркиблари – қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, тўқимачилик, мева ва сабзавотлар, шунингдек заргарлик маҳсулотлари. Экспортнинг 60 фоизидан кўпи нефт қазиб олувчи *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

Форс кўрфази мамлакатларига, асосан Саудия Арабистонига қилинади.

Умуман, охирги йилларда ташқи иқтисодий фаолият Ливан иқтисодиётида бошқа секторларга нисбатан яхши ривожланаётган соҳа эди. Лекин 1997 йилдан Ливан ташқи иқтисодий фаолияти пасая бошлади. 1999-2000 йиллар мобайнида импорт қиймати 15,9 фоизга қисқарган, аммо шу йиллар мобайнида экспорт 0,7 фоизга кўтарилган. Экспортнинг шундай сезиларсиз ўсиши Ливан савдо дефицитини жиддий қисқартиришга имконият бермади. 2000 йили ЯИМдаги импорт улуши 38,1 фоизни ташкил қилган бўлса, ундаги экспорт улуши фақат 4,4 фоизга тенг бўлган. 1997, 1998 ва 1999 йиллардаги савдо балансининг дефицити мувофиқ равишда 6,8 млрд. доллар, 6,3 млрд. доллар ва 5,5 млрд долларни ташкил қилган. 2000-2002 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич 5,4 млрд доллардан иборат бўлган.

2002 йил натижалари бўйича Саудия Арабистони Ливаннинг асосий экспорт ҳамкорларидан ҳисобланади. 2002 йил бўйича ушбу мамлакатга қилинган барча экспорт 10,8 фоизга тенг бўлган. Ундан кейин БАА (10,49 фоиз), Франция (5,15 фоиз), Швейцария (7,14 фоиз) ва АКШ (6,5 фоиз) келади. Европа Иттифоқи мамлакаларига қилинган экспортдаги умумий улуши 27 фоизни ташкил қилган бўлса, шу пайтда араб мамлакатларидаги кўрсаткич 46 фоизга тенг бўлган.

Импортга келсак, ўн йиллик бошларидан Италия (10,92 фоиз кўрсаткичи билан) Ливаннинг асосий ҳамкорларидан ҳисобланади. Импорт қилинаётган асосий мамлакатлар ичида яна Франция (8,45 фоиз), Германия (8,34 фоиз) ва АҚШ (7,34 фоиз) ҳам мавжуд. ЕИ мамлакатлари Ливаннинг умумий импортининг 51 фоизини таъминлаган бўлсалар, араб мамлакатлари фақат 12 фоизни таъминлаганлар.

Аср бошидан, ички талабнинг баъзи ўзгаришларига қарамай, бир қатор тармоқларни ташқи савдога йуналтиришнинг юқори даражаси сақланиб қолди. Давлат бюджетнинг қийинчиликларини

олдини олиш мақсадида экспортни рағбатлантиришга мажбур бўлди. Шу билан боғлиқ равишда 1999-2000 йилларда Ливаннинг баъзи бир маҳсулотлар устидан ўрнатган монопол фаолиятини (асосан тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш) тартибга солиш, ушбу маҳсулотлар экспортининг юқорироқ самарасига эришиш мақсадида, ҳақидаги қарори қабул қилинди. Аммо ушбу тадбирлар ташқи бозордаги Ливан маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда камлик қилди.

Охириги йилларда Ливан савдо айланмаси нафақат ташқи бозордаги Ливан маҳсулотлари рақобатбардошлигининг пастлигида эмас, балки ташқи бозордаги Ливан улушининг нисбатан камлигидадир. Хусусан, мамлакат ташқи савдоси бўйича вазиятни кескинлаштираётган муҳим омиллардан бири бўлиб жаҳон товар бозорлари конъюктураси хизмат қилади. Масалан, 1999-2000 йиллар мобайнида Ливан ташқи савдо айланмасидаги кўрсаткичларнинг ўзгариши умуман жаҳон савдосида юз берган пасайиш тенденциялари билан тўқнаш келган. Шу билан биргаликда, Ливан ташқи савдо айланмасининг суръатлари кўпинча ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиб, жаҳон савдо ривожланиш суръатларининг ўртача даражсида қолмоқда.

Манба: «Азия и Африка сегодня» 11.2004 23-бет.

Жазоир.

Мамлакатдаги барқарорликни давом этиши учун ҳукумат бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни, хусусан ишсизлик муаммосини (ундан 2002 йили 30 фоиз иқтисодий фаол аҳоли ва 25 яшардан кам бўлган ёшлар азият чеккан)¹ ва коррупцияни бартараф этиши, шунингдек Кабилиядаги кескинликни юмшатиши лозим эди. Ҳукумат берберларга нисбатан баъзи имтиёзларни жорий қилиб, ушбу вазиятни юмшатди. А.Бутифлик президентлиги пайтида мамлакат

иқтисодий ривожланишида маълум муваффақиятларга эришилди. ЯИМ 1998 йилги 45,4 млрд. доллардан 2001 йили деярли 60 млрд. долларгача кўтарилди. Ушбу давр мобайнида ташқи қарз ҳажми 30,6 млрд. доллардан 21 млрд. долларгача қисқарди. Фақат биргина 2001 йили бевосита сармоялар оқими 500 млн. доллардан иборат бўлиб, у 1993-1999 йиллардаги уларнинг умумий ҳажмининг эквиваленти ҳисобланади². Шу йиллардан бошлаб иқтисодий ўсиш ва ижтимоий кескинликнинг заифлашуви юз берди.

1. “Jeune Afrique”. N 2221, 3-9 aout 2003, p.72-73

2. “Jeune Afrique”. P., N 2154, 22-28 avril, 2002, p.36

Манбалар: Ближний Восток и современность. Выпуск одиннадцатый. М., 2001, 65-бет, «Азия и Африка сегодня» 2004 йил №8. 26-бет

Маъруза-7. Мавзу: Бирлашган Араб Амирликлари

Режа:

- 4. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисоди ҳақида умумий тушунча.**
- 5. Бирлашган Араб Амирликлари қишлоқ хўжалиги.**
- 6. Бирлашган Араб Амирликларида эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.**

БАА Арабистон ярим оролининг шарқида, Форс кўрфази ва Уммон қўлтиғида жойлашган давлат бўлиб, 7та амирликдан ташкил топган федерация ҳисобланади: Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ажман, Уммул-Қайван, Ал-Фужайра ва Раъс ул-Хайма. Туб жой аҳолиси – араблар, аҳолининг 70-75%и бошқа араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Бангладеш, Шри Ланка кабилардан келганлар. Давлат тили – араб тили. Майдони – 83,6 минг кв.км. Аҳолиси – 2,7

млн. киши (1999). Аҳолининг 77,8%и шаҳарларда яшайди. Пойтахти – Абу Даби шаҳри. Давлат дини – ислом дини.

Пул бирлиги – дирҳам.

Экспорти – нефт ва нефт маҳсулотлари, суюлтирилган газ, алюминий, қурилган балиқ, марварид, тамаки, хом тери, хурмо.

Имporti – кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ҳарбий техника, қурилиш материаллари ва бошқалар.

Асосий савдо шериклари: Буюк Британия, Япония, АҚШ, Франция, Ж.Корея, Италия, Хитой.

БАА, аввало Дубай, олтин савдосининг жаҳон марказларидан биридир. Ҳар йили мамлакат орқали 170-175 тонна олтин ўтади, шундан қарийб 40 тоннаси БААда қолади.

Мамлакат тараққиёти нефт ва газни экспорт қилишга асосланган. Нефт саноатини ривожлантирилиши хорижий ишчи кучи сонини кўпайишига олиб келиб, ҳозирда амирлик аҳлисининг 3/4 қисмини ташкил қилади.

Нефт ва газ корхоналаридан ташқари ўғит ишлаб чиқариш бўйича ҳам кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Форс Кўрфази мамлакатлари замонавий нефт-химия саноатини ривожлантирилиши учун жуда ҳам қулай жойлашган. Воситаларни нотўғри тақсимланишини, такрор ишлаб чиқариш ва минтақада маҳсулот нархини тушиб кетмаслигини олдини олиш учун лойиҳаларни такрорланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Баъзи бир араб давлатларида этилен ва метанолни табиий газдан олинаётган пайтда, Ливия ушбу маҳсулотларни лигроин(оғир бензин)дан олмоқда.

Нефт ва газдан бошқа фойдали қазилмалар БААда чекланган. Аммо слюда (шаффоф минерал), хром, гипс, мис ва марганец конларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бор. Цемент заводлари учун хомашё етарли даражада.

Ҳайдаладиган ерларнинг чекланганлиги ва сувнинг етишмаслиги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жуда ҳам қалтис бўлар эди. Кўпчиликнинг фикри кўра, нефт ва газ экспортидан олинаётган даромаднинг бир қисмини хориждан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олинишига сарфланиши оқилона бўлар эди. Шунга қарамай раҳбариятнинг таваккалчилиги ва узокни кўра билиши ўзини оқлади. БАА бозори атрофидаги ер майдонлари ва полизларда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар билан тўлиб тошди, консерва саноати хомашё билан таъминланди ва ҳатто етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми қўшни мамлакатларга ва Европага ҳам экспорт қилинмоқда.

Мамлакатнинг барча қирғоқ ерларида балиқчилик ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш ривожланган. БАА тутиладиган нарсалар миқдори бўйича араб дунёсида 4-ўринда, Кўрфаз мамлакатлари орасида 2-ўринда туради. Бир пайтнинг ўзида тутилган нарсалар ҳажми йилдан йилга ўсмоқда, балиқчилик кемаларининг ўртача кўрсаткичи доимий равишда пасаймоқда. Ҳукумат балиқчилик билан фаолият кўрсатишни лицензиялаш ва квоталаш йўли орқали чеклашлар киритишга мажбур бўлди. Бу тадбирлар Кўрфазда балиқ ва денгиз маҳсулотларини табиий қайта тиклаш борасидаги дастурнинг бир қисми ҳисобланади. Масалан, Ocean Fish Processing LLC компанияси 1999 йили фақат йилига 1,5 млн.доллар атрофидаги лойиҳани амалга ошириш ҳуқуқини олди.

БААда ЯИМнинг ўсиши 2002 йили 2,5%ни ташкил қилди. ЯИМни киши бошига тўғри келиши 22480 АҚШ долларида иборат бўлди. Қишлоқ хўжалигида мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 5%и банддир. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: хурмо, сабзавотлар, тарвуз, парранда маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, балиқ. Мамлакат асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ҳисобидан таъминлайди.

Эркин иқтисодий зона(ЭИЗ) -- қўшма соҳибкорлик зоналари бўлиб, хориж капиталининг эркин амал қилиши учун ажратилган махсус ҳудуд. Бу зоналар мамлакат ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари бўйича чет эл фирмалари ташаббусини фаоллаштиришга қаратилган.

ЭИЗ қуйидаги мақсадларга эришиш учун ташкил қилинади:

- миллий технологияга нисбатан илғорроқ технологияларни жалб қилиш;
- хорижий сармояни жалб қилиш йўли орқали иқтисодиётни фаоллаштириш;
- валюта тушумини ошириш билан валюта захираларини кўпайтириш;
- ички истеъмол бозорини тўлдириш;
- аҳолининг бандлик даражасини ва ишчи кучининг сифат ҳолатини кўтариш;
- замонавий бозор инфратузилмасини барпо этиш;
- колок районларни тезроқ ривожлантириш;
- иқтисодиётни бошқариш, халқаро тадбиркорлик соҳасида жаҳон тажрибасини татбиқ қилиш;

Ҳозирги кунда БАА ҳудудида бир қанча Эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

БААда ва жаҳонда йирик ва машҳуроғи Дубай амирлигида жойлашган Жабал Али эркин иқтисодий зонаси(ЭИЗ)дир. Жабал Али ЭИЗни муваффақиятли фаолияти жаҳондаги йирик 70та кема тўхташ жойлари мавжуд бўлган портга яқинлиги билан боғлиқ. ЭИЗ замонавий менежмент, соғлиқни сақлаш ва меҳнат муҳофазасининг тўғри қўйилган тизими мавжуд бўлган юқори даражадаги инфратузилмага эга. Бу катта бизнес-шаҳар бўлиб, унда банклар, савдо компаниялари, омборхоналар, завод ва фабрикалар фаолият кўрсатади. Рўйхатга олиш қоидасида баъзи бир тафовутлар мавжуд, *Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

аммо барча Эркин иқтисодий зоналар учун асосий умумий афзаллик – 100% хорижий капитал билан компанияни тузиш имконияти, узок муддатга барча солиқлардан озод қилиниши, компанияни очиш пайтида рўйхатга олиш ва хужжатларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган схемаси. Барча ЭИЗ ҳам катта ва машҳур эмас. Нисбатан катта бўлмаган ва кам машҳурлари ҳам бор.

Бирлашган араб амирликларининг қулай географик жойлашуви, яхши ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, солиқларнинг йўқлиги ва маҳаллий шерикларсиз ҳам бизнес олиб бориш имконияти жиҳатидан кўпгина компаниялар ўз компанияларини фақат ЭИЗда жойлаштиришни танлайдилар. Кўпгина машҳур трансмиллий компаниялар ЭИЗда ўзларининг минтақавий идоралари, омборлари ва хизмат кўрсатиш марказларига эга.

Ҳозирги кунда барча айтиб ўтилган Эркин иқтисодий зоналар ичида йирикроғи ва риволанганроғи 1985 йил феввалида Дубай ҳукуматининг қарори бўйича тузилиб, Дубай амирлиги худудида жойлашган Жабал Али Эркин иқтисодий зонаси ҳисобланади. Ҳозирда ушбу ЭИЗда дунёнинг 97 мамлакатидан 2400дан зиёд компаниялар бўлиб, тўртдан бири кичик ва ўрта саноат компанияларидир.

Мамлакатда компанияларнинг муваффақиятли фаолият юритиши ва ривожланишига имкон берувчи қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш борасидаги дастурнинг бир қисми сифатида Дубай ҳукумати Жабал Али ЭИЗсини ўз йўналишида энг яши ташкилотга айлантиришда бор кучини аямади. Жаҳонда энг муваффақиятли ЭИЗдан бири бўлганлиги ва ҳукуматнинг тўла қўллаб-қувватлашидан фойдаланган ҳолда «Жабал Али ЭИЗ» маъмурияти иқтисодиётни ривожлантиришга туртки берувчи ҳар қандай дастлабки тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлади. «Жабал Али ЭИЗ» маъмуриятига ҳукумат органи сифатида ЭИЗ фаолиятини умумий назорат қилиш вазифаси юклатилди. Унинг масъулиятига қуйидагилар киради:

- ЭИЗда компанияларни бизнесни ташкиллаштириши учун зарур бўлган барча ёрдамларни кўрсатиш;
- Компанияларни бизнесни олиб бориши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа лицензияларни бериш;
- Ижара масалаларини хал қилиш;
- Маъмурий, техник ва эксплуатация хизматларини кўрсатиш;
- Зона компаниялари билан Дубай порт ишлари вазирлиги (бошқармаси) (DPA) ўртасида боғловчи бўғин бўлиш;

БААдаги Эркин иқтисодий зоналарнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- Яқин Шарқ мамлакатларининг барча асосий бозорларига бу ердан автомобил йўллари орқали 24 соатдан кўп бўлмаган вақт мобайнида босиб ўтилади.
- Минтақанинг барча асосий портларига бу ердан 48 соатдан кўп бўлмаган вақт мобайнида сузиб ўтилади: Европагача – 14 кун, Япониягача – 20 кун, Жанбий-Шарқий Осиёгача – 9 кун.
- Дубай Эрон, Африка ва Ҳинд субконтинентидаги юк кемаларини кўшган ҳолда жаҳондаги 150дан ортиқ кема қатнови линиялари учун «тайинлов» порти хизматини бажаради.
- Дубай Халқаро аэропорти Жабал Али ЭИЗсидан автомобил орқали 30 дақиқалик йўл бўлиб, 137 пунктдан ортиқ 95та авиаинияга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.П.Овчинников. Международная экономика. Санк-Петербург 1999 й.
 2. "Арабские страны в международном разделении труда. Итоги, проблемы, перспективы. 1961-1990". Москва 1996г
- Араб мамлакатлари иқтисодиёти Зуфар Мушаррапов*

3. Н.Н.Ларина, А.А.Киссельников. Региональная политика в странах рыночной экономики. Москва. 1995 й.
4. Ближневосточное урегулирование: проблемы и перспективы. Москва. 1998 й.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2001 й.

Таянч иборалар:

1. Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ).
2. Квота.
3. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ).
4. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ).
5. Транс миллий компания (ТМК) - ўзининг асосий фаолиятини мамлакат ташқарисида олиб боровчи фирма, корпорация, компаниялар бўлиб, бир неча мамлакатларда ўз бўлимлари, филиаллари, корхоналарига эга.
6. Реэкспорт – мамлакатга аввал импорт қилинган хомашё ва бошқа маҳсулотларни шундай ҳолатича ёки баъзи қайта ўзгартиришлар киритиш орқали бошқа мамлакатларга экспорт қилиш.

Саволлар:

1. БАА экспорт ва импорт таркиби.
2. БААда эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ)нинг ривожланиши.
3. БААдаги ЭИЗнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
4. ЭИЗни мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсири.

Маъруза-8. Мавзу: Бахрейн давлати

Режа:

4. Бахрейн иқтисоди ҳақида умумий тушунча.
5. Бахрейн ташқи савдоси.
6. Бахрейн оффшор зонаси.

Бахрейн давлати Форс кўрфазидаги 33 та оролда жойлашган бўлиб, майдони 0,6 минг кв.км.дир. Аҳолисининг 60%и араблар, қолганлари Эрон, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлардан келганлардан иборат. Пойтахти – Манама шаҳри. Давлат тили – араб тили. Давлат дини – ислом дини.

Пул бирлиги – Бахрейн динари.

Бахрейн 1971 йил 14 июлда ўзини мустақил давлат деб эълон қилди. Бундан аввал у 19-аср ўрталаридан Буюк Британия мустамлакаси эди. Ҳозирги кунда Бахрейн конституцион-монархия давлати бўлиб, расмий давлат бошлиғи қирол Хамид бин Исо Ал-Халифа ҳисобланади(1999). 2000 йилги конституцияга биноан Бахрейн монархи бош вазирни ўзи тайинлайди. Бош вазир эса қолган 12та муниципал орган бошлиқларини расмий равишда тайинлайди.

Бахрейн иқтисодида нефт қазиб олиш экспортда 60 %ни, давлат даромадларида 60 %ни ва ЯИМда 30 %ни ташкил қилади. Нефт қазиб олиш унчалик бир юқори даражада бўлмасада, Саудия Арабистонидан импорт қилинаётган нефтни тозалаш муҳим аҳамият касб этади. Бахрейнда тахмин қилинишича ўзининг нефт заҳиралари 21-аср бошларидаёқ тугаган. Шу билан боғлиқ ҳолда Бахрейн иқтисодиётда нонефт соҳасини ривожантирди. Нонефт соҳаси нефт-химия тармоғини, кemasозлик, металлургия (алюминий ишлаб чиқариш), енгил саноатни ўз ичига олади. Давлатга тегишли бўлган «Aluminum Bahrain»(ALBA) компанияси минтақада алюминий ишлаб чиқариш бўйича йирик компания ҳисобланади. Шунингдек «Bahrain Petroleum Corporation» -- нефт қазиб олиш корпорацияси ҳам давлатга тегишли.

1990 йй.дан Бахрейн иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этилишини рағбатлантириш иўлари бошланди. Саноатда, тижорат ва хизмат кўрсатишда 79%, давлат тузилмасида 20%, қишлоқ хўжалигида 1% аҳоли банд.

Бахрейнда 3%дан кам бўлган хажмдаги ерлар ҳайдаладиган ерлар бўлиб, қишлоқ хўжалиги эса мамлакат ЯММининг 1%ини ташкил қилади. Бахрейн озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисмини импорт қилади, сабзавот ва сут маҳсулотларига бўлган талабнинг бир қисми ўз кучлари билан қондирилади. Помидор, анор, хурмо, манго, бананлар етиштирилади. Йирик шохли чорва ва қушлар боқилади. Пойгаларда иштирок этиши учун туялар ҳам боқилади. Балиқчилик ҳукумат томонидан кўрилган бир қанча тадбирларга қарамай ибтидоий (бошланғич) ҳолатида қолмоқда.

Экспорт таркиби: нефт ва нефт маҳсулотлари 61% (асосан импорт қилинган нефт хомашёсини қайта ишланган ҳолатда), алюминий 7 %, пластмасса, майда қисқичбақалар ва бошқалар. 2001 йили мамлакат экспорти 5,5 млрд. АҚШ долларини, импорт эса 4,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.

Импорт таркиби: нефт (41%), ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва машиналари, қурилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари.

Асосий савдо шериклари: Япония, АҚШ, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Франция, Австралия.

Бахрейн йирик транзит маркази бўлиб, импорт қилинаётган маҳсулотларнинг 40%дан зиёди реэкспорт қилинади.

1-жадвал.

2001- 2006 йй.даги Бахрейн ЯИМ таркиби.

	2001	2006
Қишлоқ хўжалиги	1%	1%
Саноат	46%	35%
Хизмат кўрсатиш соҳаси	53%	64%

2-жадвал.

**2000 - 2006 йй.даги Бахрейн ташқи савдоси (млрд. долл.
АҚШ).**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Экспорт	3,69	3,2	4,6	4,7	3,3	5,8	5,5
Импорт	3,83	3,29	3,7	4,4	3,5	4,2	4,5

Бахрейн Форс кўрфазидаги энг яхши ривожланаётган давлатлардан биридир. Инфляция даражаси ва ташқи қарзи, ҳукумат бюджети мутаносиблаштирилган, киши бошига тўғри келувчи даромад жуда ҳам юқори.

Бахрейн давлатида солиқсиз бизнес фаолияти жуда ҳам жадал равишда олиб борилмоқда. Бу ерда ҳам шахсий, ҳам корпоратив даромад солиғи, ҳам мулк солиғи, ҳам мерос солиғи, ҳам маблағ айланмаси солиғи, ҳам васиятнома солиғи мавжуд эмас. Бундай солиқдан озод қилишлар ҳам хусусий шахслар учун, ҳам корпорация, компания ва бошқалар (шу билан биргаликда норезидент Бахрейн корпорациялари) учун ҳам қўлланилади. ҳукуматнинг асосий солиқ тушуми манбаи компанияларни рўйхатдан ўтказиш борасидаги солиқлардан иборат.

Бахрейн ҳукумати оффшор бизнес учун асосий ҳудуд бўлган Манамада жойлашган. Манамада Бахрейннинг деярли 90 % аҳолиси истиқомат қилиб, 645361 кишини ташкил қилади. Бахрейн Халқаро аэропорти Ал-Мушарак оролида жойлашган.

Туризм ва банк соҳаси Бахрейн иқтисодининг асоси бўлиб, умумий миллий даромад ўсишининг 2/3 қисмини ташкил қилади ва каттиқ валютанинг асосий манбаи ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси барча миллий даромаднинг 64%ини ташкил қилиб, бу соҳада Бахрейн ишчи кучининг 79%и банддир.

Банк соҳаси миллий даромад ўсишининг тахминан 8%ини ташкил қилиб, унда 3000 киши хизмат кўрсатади(уларнинг 95%и Бахрейн аҳолиси). Кўпгина банк ва траст компаниялар норезидент ёки

оффшор компаниялар бўлиб, улар Бахрейн динари билан муомала қилмайди ва ўзларининг маъмурий, коммунал ва қўшимча харажатларини ва идорадаги харажатларини хорижий валюта ҳисобидан амалга оширади.

Ҳозирги кунда Бахрейндаги банк соҳаси жуда мураккаблашиб кетган. Унда деярли 500 хил пул бирликлари рўйхатга олинган. Банк ва траст компаниялар(мулк эгасини топшириғига биноан ваколатли фаолиятни олиб боровчи компания) тўлаши лозим бўлган божлар лицензия турига қараб йилига 1000дан 160000 долларгача ўзгариб турибди.

Лицензияга эга бўлган молия ташкилотларидан фақат 9таси олтин ва хорижий валюта билан ишлаш ҳуқуқига эга. Улардан 7таси клиринг банклар(банклараро ҳисоб-китоб палатаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими билан шуҳулланади)дир. Яна 10та траст компаниялар ваколатли банк агентликлари бўлиб, хорижий валютадаги қимматбаҳо қоғозларнинг васийлари ва диллерлари сифатида фаолият кўрсатадилар.

Молиявий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муомалаларнинг махфийлиги Манамадаги бизнесга жалб қилувчи муҳим бир омил ҳисобланади. Бахрейндаги қонунлар солиқ имтиёзларидаги махфийликни сақлаб қолинишини қўллаб-қувватлайди. Учинчи томон кимидир ҳисоб-китоби ҳақидаги маълумотларни жиноий вазиятларда фақат Олий Суд қарорини кўрсатгандагина ола олади. Ўз мамлакатада солиқларни тўламаслик Бахрейнда ноқонуний ҳисобланмайди. Ҳар қандай оффшор ҳисоб-китоб тизими ушбу қонунларда қатъий банк махфийлиги билан ҳимоя қилинган.

Бахрейн ҳеч қайси бошқа давлатлар билан банк ва молиявий маълумотларни очиш ҳақидаги битимни имзоламаган. Шундай қилиб, агар сиз ушбу мамлакат оффшор зонасида ҳисобингизни очган бўлсангиз, фақат сиз унга кириш имкониятига эга бўласиз.

Эҳтимол, баъзи одамлар, махфийлик ҳақидаги ушбу қонунлардан Бахрейндаги банклар ноқонуний пулларни беркитиш (наркобизнесдан тушган даромадлар) учун фойдаланиши мумкин деган фикрга бориши мумкин. Агар сиз ушбу йўлдан борсангиз махфийлик ҳақидаги қонунчилик сизга нисбатан қўлланилмайди ва сизнинг ҳисобингиз ҳақидаги барча маълумотлар Бахрейн Олий Судининг талаблари бўйича тегишли органларга тақдим қилинади.

Швейцария ва жаҳоннинг бошқа оффшор марказлари каби Бахрейнда ҳам Этник Кодекс мавжуд бўлиб, бу банкирларни ноқонуний фаолиятни бартараф этиш мақсадида ким билан иш олиб бораётганликларини билиш имконини беради. Бу ерда ҳеч қандай «махфий ҳисоб» тушунчаси йўқ. Умуман олганда, ҳар қандай шахс шартли бир рақам билан ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.П.Овчинников. Международная экономика.Санкт-Петербург 1999й.
2. Н.Н.Ларина, А.А.Киссельников. Региональная политика в странах рыночной экономики. Москва. 1995 й.
3. Ближневосточное урегулирование: проблемы и перспективы. Москва. 1998 й.
4. Страны мира. Москва 1986 й.
5. <http://www.arabdatanet.com/BahrainSectorAnalysis.htm>

Таянч иборалар:

1. Клиринг банклар - банклараро ҳисоб-китоб палатаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими билан шуғулланади.
2. Траст компания - мулк эгасини топшириғига биноан ваколатли фаолиятни олиб боровчи компания.
3. Оффшор зона – хорижий резидентлар билан молия-кредит операцияларини амалга оширишда турли солиқ ва бошқа

имтиёзларни бериш орқали хорижий капитални жалб қилувчи катта бўлмаган давлат ёки худуд.

4. Реэкспорт – мамлакатга аввал импорт қилинган хомашё ва бошқа маҳсулотларни шундай ҳолатича ёки баъзи қайта ўзгартиришлар киритиш орқали бошқа мамлакатларга экспорт қилиш.

1.

Саволлар:

1. Бахрейн давлатининг экспорт ва импорт таркиби.
2. Бахрейн давлати иқтисодиётида хорижий сармоялар.
3. Бахрейн давлати иқтисодиётида оффшор зоналарнинг аҳамияти.
4. Бахрейн давлати иқтисодиётида туризм ва банк соҳаси.

Маъруза-9. Мавзу: Марокашдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичлари.

РЕЖА:

6. Мамлакат иқтисодий-географик ҳолати.
7. Марокашнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
8. Мамлакат саноатининг ривожланиши.
9. Мамлакат ташқи савдоси.
10. Мамлакат иқтисодий ривожланишида хорижий саромояларнинг ўрни.

1. Мамлакат иқтисодий-географик ҳолати.

Марокаш қироллиги (Al Mamlakah al Maghribiyah), маҳаллий қисқа шакли - Al Maghrib. Давлат тузилиши – конституцион монархия. Пойтахти – Рабат. Маъмурий бўлиниши 14 та худуд: Катта Касабланка, Шарқий, Гельмим-эс-Смара, Гхарб-Шрарда-Бенисен,

Дукала-Абда, Марракеш-Тензифт-Эльауз, Мекнес-Тафилале, Рабат-Сале-Земмур-Заэр, Сус-Масса-Драа, Тадла-Азиляль, Таза-Эльосейма-Таунат, Танжер-Тетуан, Фес-Бульман, Шауйя-Урдигха. Марокаш ғарбий Сахрои Кабир худудига даъво қилаётган бўлиб, унинг сиёсий статуси АҚШ ҳукумати томонидан тан олинмаган. Яна бир худуд - Уд-Эддахаб-Лагуйра – тўлалигича ғарбий Сахрои Кабирда жойлашган; иккинчи худуд - Лаайюн-Буждур-Сакья-Эльамра – асосан ғарбий Сахрои Кабирда жойлашаган; мамлакат жанубий-ғарбидаги унинг катта бўлмаган қисми АҚШ томонидан Марокаш худуди деб тан олинган. Гельмимэс-Смара провинцияси Марокаш ва ғарбий Сахрои Кабир худудини қўшади.

Марокаш мустақиллик 1956 йил 2 мартд қўлга киритган (1956 йилгача – Франция қарамида бўлган). Миллий байрами, коронация(тож кийдириш маросими) куни. Конституция 1972 йил 10 мартада қабул қилинган бўлиб, икки палатали қонунчилик ҳокимиятини таъсис этишни назарда тутган ҳолда 1992 йил 4 сентябрда қайта кўриб чиқилган ва 1996 йил сентябрида жорий қилинган. Ҳуқуқий тизим ислом ҳуқуқига, Франция ва Испания фуқаролик ҳуқуқи тизимига асосланган; олий суднинг конституцион палатасида қонуний ҳужжатлар кўриб чиқилади. Сайлаш ҳуқуқи 18 ёшдан.

Ижро ҳокимияти. Давлат бошлиғи – қирол Мухаммад VI (1999 йил 30 июлдан); ҳукумат бошлиғи – бош вазир Дрис Джетту (2002 йил 9 октябрдан). Ҳукумат – қирол томонидан тайинланувчи вазирлар кенгаши. Бош вазир қирол томонидан парламент сайловларидан кейин тайиналанади.

Қонуний ҳокимият - икки палатали парламент бўлиб, у юқори палатадаги маслаҳатчилар (маҳаллий кенгашларнинг билвосита овоз бериши орқали сайланадиган 270та аъзо, профессионаллар) дан иборат.

2. Марокашнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

Марокаш раҳбариятини 2000-2004 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасидаги иқтисодий ривожланиш суръатларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борган сиёсати умуман муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаган ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги бир қатор лойиҳаларни амалга оширилиши мутаносиблаштирилди (ушбу масалада асосан ёшларга алоҳида эътибор қаратилади). Туризм соҳасига капитал қўйилмалар қўйиш, ишлаб чиқариш соҳасига сармояларни жалб этиш учун шароитлар яратиб бериш мўлжалланмоқда. Ҳукуматнинг тахминига кўра шундай ҳолатлар келажақда 500 минг янги ишчи ўринларни яратиш имконини беради.

Қироллик 2004 йили бир қатор йирик кўламли лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Улардан бири Танжер-Ўрта ер денгизи портини қуриш лойиҳаси бўлиб, 2004 йил январида унинг тақдимот имаросими бўлиб ўтди. Бу Марокаш учун охирги ўн йил ичида энг улкан лойиҳалардан бири бўлиб, порт қурилишидаги дастлабки капитал қўйилма 1 млрд. евродан ортади. Унда ҳалқаро молия ташкилотлари ва йирик компанияларни фаол иштирок этиши режалаштирилмоқда. порт инфратузилмаси атркибига 61 км узунликдаги тез ҳаракатланувчи магистрал кириб, у Касабланка-Танжер тез ҳаракатланувчи автомагистрали билан терминални боғлайди. Бундан ташқари 45 км.ли змонавий темир йўлини қуриш режалаштирилмоқда.

2004 йил июл бошларида жамоатчиликка хавола этилган транспорт ва таъминот вазирлигининг дастурига мувофиқ равишда 2015 йилга келиб автомобил йўллари ни кескин кенгайтириш режалаштирилган бўлиб, белгиланган муддат ичида магистралларнинг умумий узунлиги 15 минг км.га узайиши керак.

2004 йили нефт-газ конларини қидириб топиш бўйича олиб борилаётган ишлар фаоллашди. Аввалгидек хорижий компанияларни фаол жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Ғарб мутахассисларини баҳолашича, Марокашда 86 млрд. баррел нефт ва 1600 млрд. куб метр газни ташкил қилувчи углеводородларнинг имкониятли захираси мавжуд. Марокашда 17та хорижий нефт компаниялари ишламоқда, хусусан Shell, Total, Petronas, Cabre, Repsol. Нефт қидирилаётган ер майдонларини рекорд кўрсаткич 30 минг кв.кмга етказиш режалаштирилмоқда. Уларнинг катта қисми (23 минг кв.км) Ғарбий Сахара худудида жойлашган. Марокаш раҳбарияти геологик қидирувларда бой тажрибага эга ҳамкорлар рўйхатини кенгайтиришни мўлжалламоқда (масалан, Россиянинг ВО «Зарубежгеология», ЗАО «Нефтегазэкспорт» ҳисобига).

«Визьон 2010» миллий туристик дастурини амалга ошириш учун сезиларли уринишлар амалга оширилаётган бўлиб, туризм индустриясини 12 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция хажми билан мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилмоқда.

2005 йилда Марокаш раҳбарияти иқтисодий ўсиш суръатини аввалги давр кўрсаткичида қолиши режалаштирилган эди. Январда бўлиб ўтган Марокаш ҳукуматининг йиғилишида иқтисодиёт ва молия вазири Ф.Уалалу томонидан 2005 йилдаги иқтисодий дастур ҳолати эълон қилинди. Режадаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторида : ЯИМ ўсиши – 3%, инфляция даражасини 2%да ушлаб туриш, бюджет кмомадини ЯИМнинг 3,2%игача пасайтириш, жорий операциялар бўйича тўлов балансидаги мувофиқликни 2004 йил даражасида сақлаб қолиш, ташқи қарзни камайтириш ва ҳоказо.

Марокаш 80-йилларнинг иккинчи ярмида ХВФ таклифлари бўйича тузилмавий қайта қуришни муваффақиятли якунлаганлиги ҳақида расмий эълон қилган озгина мамлакатлардан биридир.

Марокаш фосфат захиралари бўйича дунёда биричи ўринни эгаллайди – 64 млрд. тонна (дунёдаги захираларнинг 70%и), шунингдек топилган захиралар – 10млрд. тонна (дунёдаги 60%). Фосфат қазиб чиқариш бўйича Марокаш дунёда 3-ўринни, экспорт бўйича – биринчи ўринни эгаллайди. Фосфатни қазиб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш қуввати 32,4 млн. тоннани ташкил қилиб, охирги йилларда жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиши сабабли тўла фойдаланилмади. 2002 йили фосфат ишлаб чиқариш 23 млн. тоннадан иборат бўлди. Фосфат билан бир қаторда қуйидаги қазилмалар қазиб чиқариладива ишлаб чиқарилади (минг тонна); кўрғошин концентрати – 111, рух концентрати – 175, марганец кимёвий концентранти – 13, мис концентрати – 19, кобальт концентрати – 16, барит – 446, плавиковый шпат (рангсиз кристаллар ҳосил қиладиган минерал) -97, кумуш – 0,3, темир рудаси – 5.

Марокаш 100 млрд. тоннагача деб баҳоланаётган йирик битумли (ёнувчи) сланецларга эга. Гарчи бир қатор Европа ва Исроил фирмалари билан ҳамкорликда сланецларни ёнувчи газ ва мазутга айлантириш лойиҳаларини татбиқ қилинишига қарамай, улардан саноатда фойдаланиш амалга оширилаётгани йўқ. Марокаш умумий экспортида тоғ-кон секторининг солиштирма оғирлиги қиймат бўйича – 30%ни, хажм бўйича – 80%ни ташкил қилади.

Марокаш қайта ишлаш секторининг ривожланганроқ ва ривожланишда давом этаётган сектори фосфатни фосфат кислота ва фосфат ўғитларга химиявий қайта ишлаётган давлат корхоналари ҳисобланади. Шунингдек ушбу корхоналарда, асосан экспортга йўналтирилганларида, ички бозор учун сульфат кислота ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқарилади. Умуман қазиб чиқарилаётган фосфатларнинг 50%и қайта ишланади.

Химиявий ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари ички бозорга йўналтирилган ва тўла равишда хомашё ва ярим фабрикатлар импортига боғлиқ бўлади. Асосан химия маҳсулотларининг катта

қисми импорт қилинади (аммиак, метанол, шунингдек полиэтилен, полипропилен, полистирол, синтетик каучук). Химия саноати икки мингта корхоналарга (хорижий капитал иштирокидаги ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 275та йирик корхонани қўшган ҳолда) эга бўлиб, лак, бўёқ, ювиш воситалари, парфюмерия, косметика, шина ва камералар, фармацевтика товарларининг асосий турлари бўйича ички эҳтиёжларни тўла қондирмоқда.

2003 йили Марокашда ижтимоий-иқтисодий вазият гарчи баъзи инқироз ҳолатлари бўлсада барқарор деб баҳоланмоқда. Марокашнинг 2003 йилдаги ташқи савдо айланмаси 23,78 млрд. АҚШ долларида иборат бўлди. Экспорт – 9,05 млрд. АҚШ доллари (2002 йилга нисбатан 3,6%га пасайди), импорт – 14,73 млрд. АҚШ долларини (4%га ўсган) ташкил қилган. Импорт ўрнини қоплаш кўрсаткичи 2002 йилдаги 66,6% ўрнига 61,5%ни кўрсатади.

Марокаш ташқи алоқалар географиясида 2003 йилда ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилмайди. Ташқи савдонинг асосий ҳажми ЕИ мамлакатлари хиссасига тўғри келиб – 70%ни ташкил қилади. Улар ичида Франция 5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги товар айланмаси билан биринчи ўринни эгаллашда давом этмоқда, ундан кейин Испания, Буюк Британия, Италия, АҚШ, Хитой келади. Шарқий Европа мамлакатлари қаторида ташқи савдодаги юқори солиштира оғирликни Россия ва Украина эгаллашда давом этмоқда.

2004 йили мамлакат ички сиёсий ҳолатида ва ташқи сиёсатида туб ўзгаришлар рўй бермади. Иқтисодиётдаги баъзи ўсишлар кўпгина аҳолининг ижтимоий муаммоларини бартараф эта олмади. Шу йили мамлакат ҳукумати Ғарбий Сахрои Кабирни иқтисодий ривожланишнинг комплекс дастурини амалга оширишни бошлаганлигини эълон қилди. Ушбу ташаббуснинг мақсади – мунозарали ҳудудларни Марокаш иқтисодий бириктиришни давом эттириш. зарур молиявий воситаларнинг умумий ҳажми 818 млн. АҚШ долларида иборат бўлиб, уларнинг ярмини ташқи сармоялар

ташкил қилади. Ушбу дастур 2004-08 йилларга мўлжалланган бўлиб, уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, хунармандчилик, сув таъминоти, электрлаштириш, йўл ва портлар қуриш соҳаларидаги 200дан ортиқ лойиҳаларни ўз ичига олади.

Умуман таъкидлаш мумкинки, “бошқарилувчи демократия” концепциясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммоларга қарамай улар бирор бир аҳамиятга молик бўлган тўсиқларсиз жорий қилинмоқда.

Марокаш ўзининг стратегик режасида келажакда биринчи навбатда евроатлантика миқёсида, кейинчалик эса араб дунёси ва Африка билан бўлган алоқларини ривожлантиришга асосий урғу бермоқда.

2003 йили Марокашда иқтисодий фаолиятнинг Европа мамлакатлари ҳуқуқий ва солиқ тизимларига яқинлаштириш билан ҳуқуқий тизимини ислоҳ этиш давом эттирилди. Умуман мамлакатга хорижий сармояларни жалб этиш икки йўналишда олиб борилмоқда: сармоядаги давлат ташқи қарзини қайта кўриб чиқиш ва сармоядорларни бевосита бозорга жалб қилиш.

Дастлаб мамлакатга сармоя шаклидаги қарзни ўтказиш 1996 йили жорий қилинган бўлиб, марокашликлар қарз бўйича тўловларни узоқ муддатга узайтиришни мўлжаллаётганлигига ишонч билдирган француз фирмалари яна ташкил қилинаётган корхоналарга ўз акция улушлари сифатида қарзни қайта расмийлаштиришга қарор қилдилар ва шу йўл орқали мамлакатнинг ривожланган шимолий худудларига 420 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя қўйдилар. Кейинроқ бошқа мамлакатлар ҳам шундай йўл тутдилар.

Марокашда сармоядорларни рағбатлантириш учун уларга имтиёзлар берилмоқда, хорижий капитал ҳимояси бўйича чоратадбирлар қўлланилмоқда. Марокаш конституциясининг 45-моддаси ва инвестициялаш ҳақидаги №18-95 сонли қонунга мувофиқ

сармоядорлар учун 5-10 йилга имтиёзли шароитларни сақлаб қолиш назарда тутилган.

Сармоявий лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарга қўйилаётган импорт божлари барча номенклатура бўйича 2,5% қилиб белгиланади. Сармоядорлардан импорт солиғи олинмайди. Баъзи бир асбоб-ускуналарини қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш режалаштирилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши ва бир қатор корхоналарни ёпилиши (2003 йили 144та корхона), ойлик маош ва нафақалардаги тўловларни кечиктирилиши сабабли ишсизлик даражасининг ошиши иш ташлаш ва митингларга олиб келди. 2003 йил 30 апрелида ҳукумат касаба уюшмалари билан “Ижтимоий тинчлик ҳақидаги битим”ни имзолаган бўлиб, бу иш ташлар сонини пасайишига олиб келди(аввалги йилдаги 460 тага нисбатан 130та).

Саводсизликни бартараф этиш бўйича ҳукуматни олиб бораётган сиёсатига қарамай, шаҳар аҳолисининг 50%и ва қишлоқ аҳолисининг 75%и ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди (умумий аҳоли сонидан ўқиш ва ёзишни биладиганлар 51,4%ни ташкил қилади, улардан эркаклар – 64,1%, аёллар – 39,4% (2003 йилдаги баҳолаш)). 2003 йили аҳолини ўқитиш бўйича кампания 700 минг кишини қамраб олган бўлиб, 2004 йилда унинг миқдорини 1 миллионга етказиш режалаштирилмоқда. Ёшлар орасида мамлакатни тарқ этиш ва хорижга чиқиб ўқишни давом эттириш ёки иш топишга интилиш мавжуд. Марокаш меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 70%и хорижга ишлаш учун кетиш истагини билдирмоқда.

Мамлакат иқтисодиётида 2004 йил камбағаллик, ишсизлик билан курашиш, ижтимоий номутаносибликни қисқартириш сиёсатини давом эттирилиш йили бўлиши кутилган эди. Мамлакат ҳукмати томонидан ушбу йилда солиқ тизимини, маъмурий бошқарув аппаратини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ишларни давом эттиришни, ҳокимиятни марказлаштирилмаган ҳолатга ўтказиш

жараёнини амалга ошириш, хўжаликнинг замонавий услубларини жорий этиш, таълим ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимидаги ислохотларни давом эттириш, мамлакат ҳудудлари ривожланишидаги тафовутларни бартараф этиш мақсад қилиб қўйилган эди. Концессия, банк фаолияти, давлат секторини хусусийлаштиришни давом эттириш ҳақидаги аввал қабул қилинган қонунлар натижасида хазинага 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар тушиши кутилган. Ушбу йил сентябрида мамлакатда аҳолини қайта рўйхатга олиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

3. Мамлакат саноатининг ривожланиши.

Мустақилликка эришгандан кейин давлатнинг иқтисодий сиёсати миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, даражаланган бож тарифлари тизимини йўлга қўйиш, саноат лойиҳаларида бевосита инвестициялар сиёсатини амалга ошириш ва бошқалар учун шароитлар яратиб беришни мўлжаллаган эди. Шунингдек 60-йиллар ва 70-йиллар бошларидаги саноатлаштириш жараёни нисбатан секин суръатларда юз берган, модомики етакчи тармоқлардаги бир қатор лойиҳалар, хусусан Надор районидаги металлургия заводининг қурилиши, амалга оширилмади. Бу иқтисодий сиёсатнинг йўналишига мувофиқ равишда ирригация қурилишини қўшган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва туризм индустрияси етакчи мавқеини эгаллаганлиги билан боғлиқ. Охирги соҳа охирги ўн йил ичида тез суръатларда ривожланди. Ҳозирда Марокашга ҳар йили тахминан 2 млн. хорижлик сайёҳлар келаётган бўлиб, бу мамлакатга катта валюта воситаларини беради.

Энергетика, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноат тармоқларини ўз ичига олган саноат ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан бирга хўжалик тузилмасида муҳим ўринни эгаллайди ва мамлакат иқтисодий ривожланишида доимий ўсиб боровчи ролни ўйнайди. 70-

йилларнинг иккинчи ярмида саноатга ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 20%идан зиёди, қурилишни ҳам қўшган ҳолда эса 30%и тўғри келган.

Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, дастлабки қайта ишлаш ва экспорт қилиш тоғ-кон саноатининг асосий характерловчи томони бўлишда давом этаётган бўлиб, қайта ишлаш саноати тармоқлари билан заиф алоқада қолмоқда. Унинг хиссасига барча саноат маҳсулотларининг қиймати бўйича $\frac{1}{4}$ қисмдан то $\frac{1}{3}$ қисмгача, Марокаш экспортининг қиймати бўйича $\frac{2}{5}$ дан то $\frac{1}{2}$ қисмгача ва оғирлик бўйича $\frac{4}{5}$ қисм тўғри келади.

Тоғ-кон саноатида фосфоритларни қазиб олиш асосий ролни ўйнайди (қазиб олинаётган минерал хомашё қийматининг $\frac{1}{2}$ қисмидан зиёд). Қазиб олишнинг умумий ҳажми йилига 8 млн. тоннага етиб, Марокашни дунёда иккинчи ўринга олиб чиқди (АҚШдан кейин). Қазиб олиш “Оффис шерифьен де фосфат” давлат компанияси томонидан иккита йирик конда: Хирубги райони(деярли барча қазилмаларнинг $\frac{3}{4}$ қисми) ва Юсуфида олиб борилади. Хомашёнинг $\frac{9}{10}$ қсидан зиёди Франция, Англия ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига экспорт қилинади.

Компенсация(бадал) шароитларида имзоланган Марокаш-Совет шартномасига кўра, янги йирик фосфат конларини топишда Марокашга ёрдам назарда тутилган бўлиб, уларни қазиб олишни яна йилига 10 млн. тонна товар рудасига кўпайтиради. Шунингдек кўрғошин, рух концентрати, темир, марганец, кобальт ва мис рудаласи, тошкўмир(600 минг тоннадан ортиқ)ни қазиб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нефт ва табиий газ қазиб олиш сезиларсиз. 1980 йили электр энергия ишлаб чиқариш 3,6 млрд. кВт соатга етган бўлиб, унинг деярли $\frac{1}{3}$ қисмини ГЭС беради. СССР ҳамкорлигида Джерада районида (Марокашнинг шарқий қисми) йирик иссиқлик электро станцияси қурилди.

Қайта ишлаш саноати иккинчи жаҳон уруши пайтида ва ундан кейин ривожланди. У кичик озиқ-овқат корхоналари (асосан консерва,

ёғ-мой, тегирмон ун, қанд ишлаб чиқарувчи), тўқимачилик ва тикувчилик, метални қайта ишлаш, химия ва нефтни қайта ишлаш, цемент ва тери-қоғоз саноати сифатида намоён бўлади. Мамлакатда бир қатор йирик замонавий корхоналар қурилган ва фаолият кўрсатмоқда: Сафидаги химия заводлари, Касабланкадаги автомобил йиғиш заводи, Мухаммадиядаги нефтни қайта ишлаш заводи, Фес ва Танжердаги тўқимачилик фабрикалари, мамлакат шимолий-ғарбидаги қанд заводлари. Джерадидаги тошкўмир ва Укксана(Еени-Буифура)даги темир рудаси базасида Напора(шарқий Марокаш) яқинида металлургия заводини қуриш режалаштирилмоқда.

Қайта ишлаш саноати асосан Атлантика қирғоқларидаги йирик шаҳарларда, эски пойтахт марказларида(Фес, Мекнес, Маррокеш) ва мамлакат шимолий-шарқий қисмида (Ужда) жойлашган. Узунлиги 150 км.ли Касабланка-Кенира халқа йўлларида барча қайта ишлаш саноати корхоналарини 2/3 қисми жойлашган.

Нефт компаниялари Марокашдаги мавжуд ёқилғи қуйиш шахобчаларидан нефт маҳсулотларини сотиш бўйича қарздорликни зудлик билан тўланишини талаб қилмоқдалар. Махсус компенсация фондининг қарз миқдори шу йилнинг охирига келиб юқори бўлди. Углеводород ва қидирув ишлари бўйича Марокаш офиси (Moroccan Office of Hydrocarbons and Mining (ONHYM)нинг бошқарувчи директори Амин Бенхадр Марокашда нефт конларини топилишига умид тезда ўсганлигини баён қилди. “La Vieeco” ҳафталигига берган ўз интервьюсида Бенхадрни таъкидлашича, иккита оффшор қўшнилар бир хилда геологик тузилмага эга эканлигига экспертларнинг ишончи комиллигини айтди. Районнинг айнан бир хил геологик тузилиши мамлакат худудининг жанубий қирғоқларида нефт топилишига умид туғдиради. Марокаш расмий доираларининг хабар беришича, нефт конларини топишга имконият “жуда юқори” бўлиб, ONHYM нефт конларини қидириб топишга хорижий сармояларни жалб этиш билан ўзининг қидирув ишларини давом эттирмоқда.

4. Мамлакат ташқи савдоси.

Ташқи савдо Марокаш иқтисодиёти ривожланишига жудаям катта таъсир кўрсатади. Мамлакат ташқи савдо айланмаси қиймати бўйича барча ялпи миллий маҳсулотнонинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Марокаш импорт ҳисобига ўзининг нефт, саноат ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиради ва бир вақтнинг ўзида минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсининг кўплаб турларини, охири йилларда эса тайёр маҳсулотларни ҳам экспорт қилмоқда. Импорт қийматининг деярли 2/3 қисмини тайёр буюмлар. Озиқ-овқат, шунингдек шакар, арпа, сут маҳсулотлари ташкил қилади. Экспортнинг деярли 2/3 қисмига саккизта товарлар тўғри келади: фосфоритлар – 36%, экспорт қиймати бўйича цитрус мевалар – 11, сабзавот консервалари ва мевали соклар – 5, балиқ консервалари – 4, янги сабзаботлар – 4, вино – 3, кўрғошин ва марганец рудаларига – 3%дан. Марокаш ташқи савдосида асосий ролни Франция ўйнашда давом этаётган бўлиб, унинг ҳиссасига мамлакат ташқи савдо айланмасининг деярли 1/3 қисми тўғри келади. Шунингдек ГФР, Италия, Белгия, АҚШ билан бўлган савдо ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

5. Мамлакат иқтисодий ривожланишида хорижий саромояларнинг ўрни.

Марокаш хорижий капитал қўйилмаларни нетто-импорт қилувчи сифатида қолмоқда. Жалб қилинган хорижий сармоя ва займларнинг

миқдори 1,2 млрд. евро деб баҳоланмоқда (2003 йили – 2,1 млрд. евро, 2002 йили – фақатгина 0,6 млрд. евро).

Охирги икки йил ичида Марокашда бир қатор йирик инвестицион шартномалар имзоланган бўлиб, “Endesa” Испания фирмаси ва “Siemens” немис концерни билан қиймати 290 млн. АҚШ доллари бўлган «Тахадарт» электростанциясини қуриш шулар жумласидандир. “Regie des Tabacs” Марокаш давлат тамаки компаниясининг 80% акциясини “Altadis” француз-испан тамаки гуруҳи томонидан сотиб олиниши йирик инвестицион лойиҳалардан бири бўлди. 2004 йил июлида аввал шартнома тузилган “Somasa” Марокаш авто йиғиш корхонаси акциясининг 38%ига эгалик қилаётган “Рено” компаниясига яна низом капиталининг 26%и берилди. Ушбу шартнома доирасида 2005 йил охирларига келиб “L90” код номи остида янги автомобил чиқариш режлаштирилган эди. Охирги йилларда Испаниядан қилинаётган инвестициялар Франция инвестицияларидан ошиб кетмоқда.

Хорижий маҳсулотларга нисбатан муносабатда Марокашда қўлланилаётган преференциал характери баҳолаб туриб шуни таъкидлаш керакки, Европа Иттифоқи билан имзоланган шартномадан кейин ва унинг ассоциалашган аъзоси бўлиши билан Марокаш кейинги босқич давомида(10 йил) ЕИдан импорт қилинаётган товарларга тўла равишда божхона тарифларини бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Импорт божларини пасайтириш бўйича биринчи босқич ўтди ва ЕИдан келаётган товарларга қўйилаётган божхона божлари бошқа мамлакатлардан келтирилаётган шундай товарларга нисбатан бирмунча миқдорда кам.

Мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган товарларга кўпгина импорт ҳолатларида 2,5% миқдоридаги бож қўйилади. Мамлакатга капитал қўйилма сифатида киритилаётган машина ускуналарга имтиёзли бож тарифлари қўлланилади. Экспорт божлари фақатгина

баъзи Марокаш хомашё турларига таалукли бўлиб, уларнинг миқдори 5%дан ошмайди.

Марокаш иқтисодиётига араб мамлакатларидан киритилаётган умумий сармоялар хажмининг 90%и Саудия Арабистони хиссасига тўғри келади. 2002 йил январида “Саудия ривожланиш фонди” Работ, Касабланка, Фес, Маррокеш шаҳарларида уй-жой қурилиши учун 12 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди. Яна 25 млн. АҚШ доллари камбағаллар учун шифохона қурилишига ва Фес шаҳридаги университет госпитал марказига йўналтирилган эди.

2002 йил мартда “Сока” компанияси Танжер, Маррокеш ва Урзат шаҳарларида 100%ли капитал билан учта меҳмонхона қурилишига капитал қўйилма қўйди. Ушбу қўйилмалар туризм индустрияси келажакда Марокаш иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бирига айланиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қўйилди.

2002 йил апрелида “Сонаба” Марокаш-Саудия Арабистони қўшма корхонасини ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Қурилиш ва кейинчалик Марокашнинг иккита муҳим туризм марказлари бўлган Эссауир ва Агадир ўртасида янги автомобил йўлларида фойдаланиш учун ташкил этилган ушбу компанияга Саудия Арабистони томонидан 27 млн. АҚШ доллари қўйилган.

2002 йил 21 майида “Инмаа” Саудия холдинги Марокаш молия вазирлиги билан Касабланка, Работ, Танжер, Мекнес, Маррокеш, Агадир, Фес, Ужда ва Ал-Аюн шаҳарларида филиалларига эга бўлган иккита транспорт корхоналарини ташкил этиш ҳақидаги шартномани имзолади. Саудияликлар 40 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя қўйган ушбу фирмалар келажакда юқорида кўрсатиб ўтилган шаҳарлар ўртасидаги туристик хизмат кўрсатиш бозорини тўла назорат қила бошлайди. Шу ойда Саудия Арабистонининг “Неско” туристик фирмаси Агадир шаҳрида меҳмонхона қурилишига 40 млн. АҚШ доллари миқдорида қўйилма қўйиши ҳақида маълум қилди.

“Асма Инвест” Марокаш-Саудия Арабистони корхонаси 2002 йил июнида Танжер шаҳридаги эркин иқтисодий зона қурилишига яна 18 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя жалб қилди.

2002 йил декабрида “Даллах ал Барака” Саудия саноат-молия гуруҳи 2003-04 йилларда Марокаш ҳудудида 2 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармоявий лойиҳани амалга оширишни мўлжаллаётганини эълон қилди. Ушбу сумма янги туристик объектлар қурилишига, шунингдек нефтни қайт ишлаш секторига жал этилади.

Умуман 2002 йили Марокашга жалб этилган Саудия Арабистони хусусий сармояларининг миқдори 250 млн. АҚШ доллар деб эълон қилинди. Ушбу рақам ўша вақт мобайнида мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама товар айланмасини тўлдиради. 1996-2002 йиллар мобайнида Марокаш иқтисодиётига Саудия нодавлат тузилмасининг пул қўйилмаларининг умумий ҳажми 1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Марокашда сармоядорларни рағбатлантириш учун алоҳида имтиёзлар ва устунликлар берилмоқда, доимий равишда ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда, хориж капиталини ҳимоя қилиш бўйича қадамлар қўйилмоқда. Уларга капиталнинг тўлиқ миқдорини ва даромадларни (солиққа тортилгандан сўнг) миқдорий чеклашларсиз ва муддатларсиз воситаларни хорижий валютада ўтказиш бўйича ҳуқуқ берилади.

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни.

Мағрибнинг учта асосий мамлакатлари (Тунис, Жазоир ва Марокаш) турли инвестицион ва бизнес иқлимига эга бўлиб, Тунис ўз қўшниларидан кўпгина кўрсаткичлар орқали ўзиб кетган. Жаҳон банки ҳисоботидаги кўрсаткичларга кўра, хусусий мулк ҳуқуқини олишни рўйхатга қўйиш учун ушбу мамлакатларда ўртача 54 кун, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ўртача индекси бўйича эса 34 кун керак бўлади. Марокашда хусусий мулк ҳуқуқини олишни рўйхатга қўйиш учун 82 кун, Тунисда эса 54 кун талаб

килинади. Шунга кўра Мағриб мамлакатлари хусусий мулк ҳуқуқини олишни рўйхатга қўйиш учун 4 кун кифоя қиладиган Саудия Арабистони тажрибасини ўргансалар ортиқча бўлмайди.

Кредитлашнинг оддийлиги мамлакат тадбиркорлик иқлимининг муҳим элементиدير. Шуниси қизиқки, Марокашда банкротлик ва гаров ҳақидаги қонунлар жудаям содда бўлиб, ушбу ҳолат банк секторининг етарли даражада ривожланганлиги ва яхшигина обрўга эга бўлган хусусий банкларнинг мавжудлигига қарамай кредит беришни енгиллаштиради.

Кредит беришнинг оддийлигини ўлчаш учун таҳлилчилар қатор маълумотлардан фойдаланишади. Биринчи кўрсаткичлар тўплами давлат ва хусусий рўйхатга олиш бюроларидан кредит олиш бўйича маълумотлар қамрови, кўлами, сифати ва соддалигидан иборат. Ушбу кўрсаткичлар бўйича энг ёмон натижа Жазоирда, энг яхшиси Тунисда.

Иккинчи кўрсаткичлар тўплами гаров ва банкротлук ҳақидаги қонунларда кўзда тутилган кредит беришнинг қанчалик осонлик даражасини аниқлайди. У Одан 10гача бўлган диапазонда бўлиб, юқори кўрсаткич кредит беришнинг осонлиги нуқтаи назаридан қонунларнинг сифатлилигини кўрсатади. Жазоир 3 индексга, минтақавий индекс билан қиёслаганда 3,9 ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ўртача индекси бўйича эса 6,3 индексга эга.

Сармоядорларни ҳимоя қилиш бўйича Тунис Марокаш ва Жазоирдан ўзиб кетган. Сармоядор ҳимояси ахборотнинг очиқлик Индекси орқали ўлчанади. У етти ахборотнинг очиқлигини ошириш услубларини ҳисобга олади: оиласи ҳақида маълумот, мулкнинг бевосита эгалиги

Фойдаланилган адабиётлар.

1. <http://www.iimes.ru/rus/public.html>
2. http://marocco.org.ru/5_Promywnlenosty.html#top

3. Соловьева З.А. "Экономические реформы в Марокко" Сборник "Ближний Восток и современность". Выпуск 22. М., ИИИиБВ, 2004, 312 стр., тираж 800 экз. Ответственные редакторы М.Р.Арунова, А.О.Филоник